

ИРОДА АЗИМОВА



**ЎЗБЕК ТИЛИДАГИ ГАЗЕТА
МАТНЛАРИ МАЗМУНИЙ
ПЕРЦЕПЦИЯСИНИНГ
ПСИХОЛИНГВИСТИК
ТАДҚИҚИ**

АЗИМОВА ИРОДА АЛИШЕРОВНА

**ЎЗБЕК ТИЛИДАГИ ГАЗЕТА
МАТНЛАРИ МАЗМУНИЙ
ПЕРЦЕПЦИЯСИНИНГ
ПСИХОЛИНГВИСТИК
ТАДЖИКИ**

Монография

«Навоий университети» нашриёт матбаа уйи

Тошкент – 2019

35859

ALISHER NAVOIY NOMIDACH

ToshDO‘TAU

AXBOROT-RESURS MARKAZI

УЎК 811.512.133'23

КБК 81.2Ў36-5

А-37

Психоллингвистика бугунги кунда жадал ривожланаётган соҳалардан биридир. Мазкур монография психоллингвистиканинг марказий масалаларидан бири бўлган матн перцепциясига бағишланган. Унда матн мазмунини тушунишда инсон онги қандай бирликлар билан ишлаши, инсон онгида матн мазмунининг аксланиш жараёни қандай кечиши ҳақида, шунингдек, мазкур жараёнга таъсир этувчи лингвистик ва экстралингвистик омиллар ҳақида сўз юритилади.

Масъул муҳаррир: А. Жўраев, филология фанлари доктори

Такризчилар: Ҳ. Дадабоев, филология фанлари доктори, профессор
Ф. Мусаева, филология фанлари номзоди

М-96 Азимова Ирода Алишеровна

Ўзбек тилидаги газета матнлари мазмуний перцепциясининг психоллингвистик тадқиқи (Монография).

– Т.: «Навоий университети» нашриёт-матбаа уйи, 2019. – 160 б.

УЎК 297
КБК 86.38

ISBN 978-9943-5823-2-3

© Азимова Ирода Алишеровна

© «Навоий университети» нашриёт-матбаа уйи, 2019

МУНДАРИЖА

Кириш.....	4
Таҳлил учун ишчи тушунчалар.....	5
Биринчи боб. Газета матнларининг тилшуносликда ўрганилиши.....	9
1.1. Ўзбек тилидаги газеталар тадқиқот объекти сифатида.....	9
1.2. Газета матнларини когнитив, социолингвистик ва психолингвистик ўрганиш.....	14
Биринчи боб юзасидан қисқа хулосалар.....	22
Иккинчи боб. Газета матннинг мазмуний перцепциясида даражалар ва бирликлар.....	24
2.1. Матн перцепциясини ўрганиш йўналишлари.....	24
2.2. Ўзбек тилидаги газета матни мазмуний перцепциясининг тажрибавий тадқиқи.....	31
2.2.1. Матн мазмуний перцепциясида сўзларнинг эслаб қолиниши.....	35
2.2.2. Баёнларда стимул матн таркибий элементларининг қўлланиши.....	52
2.3. Газета матни перцепцияси даражалари.....	62
2.4. Газета матннинг перцептив бирликлари.....	77
Иккинчи боб юзасидан қисқа хулосалар.....	81
Учинчи боб. Газета матнларининг тушунилиши.....	83
3.1. Тушуниш психолингвистик муаммо сифатида.....	83
3.2. Газета матни лисоний хусусиятларининг тушунишга таъсири.....	85
3.2.1. Газета сарлавҳаларининг тушунилиши.....	86
3.2.2. Матнни тушунишда алоҳида сўз ва матн муносабати.....	97
3.3. Газета матнини тушунишда реципиент индивидуал-психологик хусусиятларининг аҳамияти.....	106
3.3.1. Матн мавзусидан хабардорликнинг тушунишга таъсири.....	106
3.3.2. Таасубнинг тушунишга таъсири.....	117
Учинчи боб юзасидан қисқа хулосалар.....	121
Умумий хулосалар.....	123
Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.....	129
Иловалар.....	142

КИРИШ

Тилшунослик тилнинг ўзига хос хусусиятларини тадқиқ этишда инсонни ва у билан боғлиқ масалаларни ўрганувчи социология, психология, маданиятшунослик, этнология каби фанлар билан ҳамкорлик қилиши барчамизга маълум. Айниқса, XX асрнинг 2-ярми тилшуносликда чегарадош йўналишлар даври бўлди. Бунинг фан ва техника тараққиётида эришилган ютуқлар билан боғлиқлиги ҳеч кимга сир эмас. Хусусан, сунъий интеллект яратишдек амалий вазифа бир қатор фан йўналишлари олдига янги вазифалар қўйди. Шу билан боғлиқ ҳолда тилни психологик нуқтаи назардан ўрганишга интилиш янги босқичга кўтарилди.

«Тил гўёки халқлар руҳининг ташқи ифодасидир: халқ тили унинг руҳидир, халқ руҳи унинг тилидир, бундан-да айноқ нарсани тасаввур қилиш қийиндир», - деган эди В. Гумбольдт¹.

Тилнинг фаолият эканлиги уни инсоннинг бошқа фаолиятлари билан боғлаб ўрганишни тақозо этади. Шу эҳтиёж асосида психолингвистика алоҳида фан сифатида шаклланди. Тилни ўрганишда узоқ йиллар давомида устунлик қилган ёндашув унинг айрим ходисаларини сўзлар, кейинчалик, гаплар асосида ўрганиш эди. Бироқ XX асрнинг иккинчи ярмида тилни матн ёрдамида ўрганишга қизиқиш ортди. Сабаби, матн яхлит лисоний бирлик сифатида ўзининг шакл-мазмуний структурасига эга. Унинг турли хусусиятлари инсон онгига турлича таъсирини белгилаши ҳақидаги гипотезалар ҳақли равишда илмий ёндашувлардан ўрин олди. Матнлар дастлаб услубий нуқтаи назардан ўрганилган бўлса, кейинчалик матнларнинг ижтимоий ҳаётда ўта фаоллиги муносабати билан улар экстралингвистик факторлар билан биргаликда ўрганила бошланди. Тилнинг инсон фаолиятидаги ўрнини тадқиқ этишда психолингвистик тажриба усуллари бугунги кунда ҳам асосий усуллардан бўлиб қолмоқда. Мазкур

¹ Гумбольдт В. О различии строения человеческих языков и его влияние на духовное развитие человечества. // Избранные труды по языкознанию. - М., 1984. - С.68

тажрибаларда матнлардан фойдаланиш инсоннинг матнга алоқадор психик фаолиятини очиш билан бирга матннинг ўзига хос хусусиятларини янада ойдинлаштиришга ёрдам беради. Турли услубдаги матнларни тадқиқотга тортиш лисоний фаолиятнинг алоҳида қирраларини ўрганиш имконини яратади. Шу боис газета матнлари ўзининг ижтимоий ҳаётда тутган муҳим ўрнидан келиб чиқиб тилшуносларнинг эътиборини тортиб келмоқда.

Ўзбеклар ҳаётига газетанинг кириб келиши бир қатор ижтимоий, сиёсий, мафкуравий ўзгаришлар билан боғлиқ бўлгани тарихдан маълум. Бу каби ўзгаришларнинг миллий тилимизга таъсири кучли бўлганлигини ҳам биламиз.

XIX аср охири ва XX аср бошида чоп этилган ўзбек тилидаги газеталар тилшунослар томонидан тадқиқ этилган. Бу ишларда газета тили адабий тилнинг бир кўриниши сифатида ўрганилган.

Ҳозирги кунда ғарб тилшунослигида газеталар бўйича амалга оширилган ишларнинг таҳлили ўзбек тилшунослиги бу борада анча орқада қолганлигини кўрсатади. Газета матнларига янги ёндашувни қўллаш ўзбек тилшунослигига янги йўналишларнинг кириб келишини таъминлаши билан бирга газета матнлари тадқиқининг янги методларини шакллантиришга ёрдам беради. Бу йўналишдаги тадқиқотнинг илк бор амалга оширилаётганлиги таҳлил учун ишчи тушунчаларни шакллантиришни талаб этди. Биз бунда рус ва ғарб тилшунослигидаги назарияларга асосландик.

Таҳлил учун ишчи тушунчалар

Биз ўз тадқиқотимиз давомида қуйидаги ишчи тушунчалардан фойдаландик.

Мазмуний перцепция- нутқнинг сезги аъзолари билан қабул қилиниши ва тушунилиши жараёни. «Перцепция» психологик термин сифатида «объектив борлиқнинг сезги аъзолари билан акс эттирилиши» деб таърифланади². Рус тилшунослигида нутқнинг тушунилишини англатиш учун «смысловое восприятие» термини, инглиз тилшунослигида «speech perception», «language understanding», «language comprehension» терминлари қўлланади. Мазкур терминларга асосланган ҳолда биз маз-

² Словарь иностранных слов. -М., 1987. -С.375

муний перцепция терминини қўлладик. «Перцепция» термини қабул қилишни англатса, «мазмуний» сифатловчиси нутқнинг шунчаки товушлар оқими сифатидаги пассив қабул қилинишини эмас, сезги аъзоларига таъсир этаётган нутқий сигнал мазмунининг тушунилишини ҳам англатади.

Матннинг мазмуний перцепцияси таҳлилида белгиланган даражаларни уларнинг характерли жиҳатларидан келиб чиқиб, қуйидагича номладик: ассоциатив даража, лексик-морфологик даража, контекстуал даража, структурал даража, матн даражаси. **Ассоциатив даража** берилган матннинг элементлари асосида ассоциацияларнинг юзага келиши билан характерланади. **Лексик-морфологик даражада** қабул қилинаётган нутқий оқим ичидан сўзлар лексема сифатидаги яхлитлиги ва сўз шакли сифатидаги морфологик хусусиятларини сақлаган ҳолда ажратилади. **Контекстуал даражада** сўзларнинг локал контекстдаги (бир-икки гап доирасидаги) маънолари аниқлаштирилади. **Структурал даражада** гапларнинг мазмуний блок доирасидаги маъноси англашилади ва мазмуний блокларнинг ўзаро алоқаси, бошқача айтганда, матннинг ички мазмуний структураси аниқлаштирилади. Матннинг мазмуний перцепцияси жараёни **матн даражаси** билан яқунланади. Бунда реципиент онгида яхлит матннинг проекцияси ҳосил бўлади.

Матннинг перцептив бирликлари сифатида лексема, сўз шакли, сўз бирикмаси, синтагмалар ажратилди.

Матнни тадқиқот объекти сифатида олган эканмиз, унинг структурасига тегишли қуйидаги тушунчаларни қўлладик: матн блоклари, топиклар, когерентлик, дискогерентлик.

Матн блоклари-матннинг нисбатан мазмуний яхлитликка эга таркибий қисмларидир. Бу термин бир неча олимлар томонидан ишлатилган бўлиб, биз А.Мецлер қўллаган мазмунни назарда тутамиз. А.Мецлер матн блокларини «коммуникатив йўналтирилган, нисбатан тугалланган бирлик» сифатида таърифлайди ва унинг таркибий қисмлари ўртасида «матн компонентларининг мазмуний боғлиқлигини акс эттирувчи мотивацион муносабат мавжуд» лигини таъкидлайди³.

³ Мецлер А.А. Структурные связи в тексте. -Кишинев, 1987. -С.20.

Топик матн блокларининг умумий мазмуни бўлиб, гап шаклида ифодаланади. Бу терминни айни маънода Т.А. ван Дейк ишлатади⁴.

Когерентлик тушунчаси матн тилшунослиги йўналишига тегишли бўлиб, кўпроқ гапларнинг ўзаро боғлиқлигини англатиш учун ишлатилади. Масалан, Н. Торошина «...матн когерентлиги когезиянинг мантикий-семантик, синтактик ва услубий кўринишларининг ўзаро таъсиридир, когерентликнинг асоси гапнинг мантикий-семантик когезиясидир», - деб ёзади⁵. Когерентлик тушунчасини биз матн таркибидаги гаплар ва мазмуний блокларнинг мантикий-семантик, грамматик ва услубий мутаносиблигини англатиш учун қўллаيمиз. Унга **дискогерентлик** карама-карши қўйилади.

Реципиент термини нутқни қабул қилувчи маъносини англатади. Биз бу терминни синалувчилар, тажриба иштирокчилари сўзлари билан параллел равишда ишлатдик.

Тажриба учун берилган матн **стимул матн** ёки асл матн, деб юритилди. Бунда матннинг психологик таъсир этувчи сифатини кўрсатиш учун «стимул» сўзи қўлланди. Худди шу бирикма психологик адабиётларда қўлланади.

Матн проекцияси термини психолингвистикада кенг қўлланади. А.А. Залевская унга шундай таъриф беради: «Матн проекцияси деганда... реципиент томонидан матннинг мазмуний қабул қилиниш жараёнининг якуний маҳсули тушунилади»⁶. Биз тажрибаларимиз таҳлили давомида ушбу терминни айни мазмунда ишлатдик.

Тадқиқотимиздаги ишчи тушунчаларни қуйидагича гуруҳладик.

1. Матннинг қабул қилинишига оид тушунчалар:

а) жараённинг ўзини номловчи тушунча – мазмуний перцепция;

⁴ Ван Дейк Т.А. Структура новостей в прессе// Язык. Познание. Коммуникация. -М., 1989. -С.237

⁵ Торошина Н.Н. О семантико-стилистическом аспекте цельности(когерентности) художественного текста // Аспекты общей и частной лингвистики текста. -М.,1982. -С.51

⁶ Залевская А.А. Введение в психолингвистику. -М., 1999.-С.253

б) матний перцепция даражаларининг номлари: ассоциатив перцепция даражаси, лексик-морфологик перцепция даражаси, контекстуал перцепция даражаси, структурал перцепция даражаси, матний перцепция даражаси.

2. Матн структурасига оид тушунчалар:

а) матн таркибий қисмларига оид тушунчалар: матн блоклар, топиклар;

б) матн блоклари ўртасидаги алоқани ифодаловчи тушунчалар: когерентлик, дискогерентлик.

3. Тажриба жараёнида қўлланган тушунчалар: реципиент, стимул матн, матн проекцияси.

БИРИНЧИ БОБ

ГАЗЕТА МАТНЛАРИНИНГ ТИЛШУНОСЛИҚДА ЎРГАНИЛИШИ

Газета тили тилнинг яшаш шаклларида бири сифатида тилшунослик учун аҳамиятга эга объектлардан биридир. Айниқса, тилшуносликнинг чегарадаги йўналишлари газета тилининг турли жиҳатларини ўзларининг асосий масалалари қаторида ўрганиб келмоқда.

Мазкур бобда биз тадқиқотимиз мавзусидан келиб чиққан ҳолда ўзбек газеталари тилининг ўрганилиши, газета матнларини когнитив, социолингвистик, психолингвистик ўрганиш масалаларига тўхталамиз.

1.1. Ўзбек тилидаги газеталар тадқиқот объекти сифатида

Ўзбек газеталари тилини ўрганиш XX асрнинг 2-чорагида бошланган. Бу борада амалга оширилган ишларнинг таҳлили бизга мавзунинг ўрганилиш даражасини аниқлашга ёрдам беради.

Ўзбек тилшунослигида газеталарни ўрганишда лексик, морфологик, синтактик, стилистик ва статистик таҳлиллар қўлланган.

Ўзбек тилшунослигида газета матнлари бўйича амалга оширилган ишларни тўртта йўналишга ажратиш мумкин:

а) газета мисолида ўзбек адабий тили шаклланиши (аниқроғи, рус тили таъсирида ўзгариши) масаласи ўрганилган ишлар;

б) ўзбек адабий тилининг XX аср давомида ривожланиши масаласи текширилган тадқиқотлар;

в) ҳозирги ўзбек адабий тили ҳодисаларининг газета тили мисолида қўлланиши текширилган ишлар;

г) газета тилининг ўзига хос хусусиятлари ўрганилган ишлар.

Биринчи йўналишдаги ишларда XIX асрнинг охири-XX аср бошидаги газеталар ўрганилар экан, даврнинг ўзига хослигига кўпроқ эътибор қаратилади. Шу асосда газеталарда қўлланган рус, татар, турк, озарбайжон тилидан ўтган ўзлашмалар, рус тилидан калькаланган сўзлар, рус тилига муқобил сифатида

танланган арабча, форс-тожикча сўзлар таҳлил қилинади. Тилимизга ҳозирда ўзлашиб, адабий меъёрга айланган сўзлар, сўз бирикмалари, шунингдек, ўша даврда ҳосил қилинган, бироқ тилга ўзлашиб кетмаган калькалар ҳам қайд этилади.

А. Боровков ўша даврда ўзбек тилига турк, татар, озарбайжон каби бошқа туркий тиллардан, рус тилидан ўзлашган сўзларни, рус тилига муқобил сифатида танланган форс-тожикча, арабча сўзларни таҳлил қилади, сиёсий лексика ва терминологиянинг ривожланиши ҳамда миллий пуризм масалаларига эътибор қаратади⁷.

Б. Турдиалиев газета тили морфологик хусусиятларини таҳлил қилар экан, рус тилидаги бирикмаларнинг ўзлашишида қўшимчаларнинг ўзбек тили ички қонуниятларига бўйсундирилганини айтиб ўтади⁸.

М.Рахмонов XIX асрнинг охири- XX аср бошида чоп этилган «Туркистон вилоятининг газетаси»ни синтактик жиҳатдан таҳлил этган⁹. Муаллиф газета материалларининг аксарияти рус тилидан таржима қилинганлиги учун синтаксисда рус тили таъсиридаги ўзгаришлар мавжудлигини, шунингдек, оғзаки нутққа хос белгиларнинг кенг қўлланганлигини айтади¹⁰.

К.Юсуповнинг 1986 йилда эълон қилинган тадқиқоти бу йўналишдаги ишларга манتيкий хулоса ясаган, деб айтиш мумкин. Ишда XX асрнинг 1-ярмидаги вақтли матбуот тили лексик-семантик, стилистик жиҳатдан таҳлил этилган. Унда аффиксал морфемаларни қўллашда эски ўзбек адабий тили анъаналари сақланганлиги айтилади¹¹. Муаллиф XX асрнинг биринчи ярми ўзбек адабий тили ва ўзбек вақтли матбуотида лексик, фразео-

⁷ Боровков А. Узбекский литературный язык в период 1905-1917 годов, -Ташкент, 1940.-С.25-57

⁸ Турдиалиев Б. Морфологические особенности языка периодической печати 1905-1917гг. Автореф. дис. ... канд. филол.наук. -Ташкент, 1969. -С.17

⁹ Рахманов М. Синтаксические особенности языка газеты «Туркистон вилоятининг газети». Автореф. дис. ... канд. филол.наук. -Ташкент, 1971.

¹⁰ Ўша манба, Б.12.

¹¹ Юсупов К. Ўзбек адабий тилининг лексик-семантик ва стилистик хусусиятлари (XX асрнинг биринчи ярми вақтли матбуот материаллари асосида). -Тошкент, 1986. -Б.122

логик ва синтактик калькаларнинг кўп қўлланганлигини мазкур даврнинг ўзига хос белгиси сифатида кўрсатади¹².

Бу йўналишдаги ишлар ўзбек адабий тилидаги кескин ўзгаришлар даврини акс эттиради. Шу билан бирга улар тилнинг ижтимоий-сиёсий шароит билан боғлиқ хусусиятларини очиб беради.

Иккинчи йўналишдаги ишларда ўзбек адабий тилининг ривожланиш масаласи текширилади. М.Мирзаев, И.Расулов, Ғ.Каримов, Ш.Абдураимова, Н.Қодирова каби олимларнинг ишлари шулар жумласидандир. Мазкур ишларда маълум давр оралиқларида газета тилидаги ўзгаришларга, шунингдек, адабий тилдан чекиниш ҳолларига кўпроқ эътибор қаратилади. М.Мирзаев «Қизил Ўзбекистон» газетасининг 1945-1950 йиллардаги материалларини лексик таҳлил этган¹³. И.Расулов Улуғ Ватан уруши йилларида ўзбек тили лексикасига оммавий ахборот воситалари (газета, радио) орқали қатор янги ижтимоий-сиёсий атама-ларнинг кириб келишини тадқиқ этган¹⁴. Ғ.Каримов 1920-1930 йиллардаги вилоятлардаги маҳаллий вақтли нашрларнинг морфологик тадқиқини амалга оширган¹⁵. Ш.Абдураимова Сурхондарёда 1936-1990 йилларда чоп этилган газеталар мисолида сўз ўзлаштириш масаласини ўрганган¹⁶. 1991-2001 йиллар оралиғидаги ўзлашмалар оғзаки нутқ материаллари билан бирга газета материаллари мисолида Н.Қодированинг номзодлик диссертациясида қиёсий-типологик таҳлил қилинган¹⁷. Бу йўналишдаги

¹² Ўша манба. Б.121

¹³ Мирзаев М. Советско-интернациональные слова в узбекской периодической прессе (1945-1950). Автореф. дис. ... канд. филол.наук. -Ташкент, 1951.

¹⁴ Расулов И. Развитие лексики узбекского языка в период Великой Отечественной войны. Автореф. дис. ... канд. филол.наук. -Ташкент, 1951.

¹⁵ Каримов Ғ. Некоторые вопросы развития узбекского литературного языка 1920-1930 гг. Автореф. дис. ... канд. филол.наук.-Ташкент, 1972.

¹⁶ Абдураимова Ш.К. Сўз ўзлаштириш назарияси ва ўзлаштирмаларнинг вақтли маббуот тилида ўзгара бориши. Филол. фан. номз....дис.автореф. -Тошкент, 1995.

¹⁷ Кодирова Н. Семантико-стилистический анализ заимствования в узбекском и русском языках в новейший период 1991-2001 (на материале газет и устной речи). Автореф. дис. ... канд. филол.наук.- Ташкент, 2001.

ишларда асосан, рус тилидан кириб келган ўзлашмалар таҳлил қилинган, ўзлашмалар лексик-семантик гуруҳларга ажратилган, бошқа тадқиқотлардан фарқли ўлароқ, уларнинг тадрижий ўзгаришига эътибор берилган.

Учинчи йўналишдаги ишларда ҳозирги замон ўзбек адабий тилининг маълум ҳодисалари газеталарда қандай акс этиши, газеталарда меъёрга риоя қилинган ва меъёрдан чекиниш ҳолатлари тадқиқ этилади. Бу ишларда газета тилининг услубий жиҳатларига ҳам эътибор қаратилади. П.Рустамовнинг сарлавҳаларнинг структур-стилистик хусусиятларига доир мақолаларини¹⁸, Ш.Раҳматуллаевнинг «Сўз ишлатишнинг вақтли матбуотдаги бир кўриниши» мақоласини¹⁹, Т.Қурбонов²⁰ ва С.Мухамедовнинг²¹ номзодлик диссертацияларини шу йўналишдаги ишлар сирасига киритиш мумкин.

Т.Қурбонов ҳозирги замон ўзбек адабий тилининг публицистик услубини таҳлил қилар экан, бу услубда тилнинг демократлашуви, мураккаб грамматик структураларнинг соддалаштирилиши, лисоний воситаларнинг иқтисод қилинишини айтади²². С.Мухамедовнинг номзодлик диссертациясида газета матнларига статистик ва моделлаштириш нуқтаи назаридан ёндаши-

¹⁸ Рустамов П. Грамматик шаклланган сарлавҳаларнинг баъзи хусусиятлари // Ўзбек тили стилистикаси масалалари. -Тошкент, 1982. -Б.88-99.

Рустамов П. Гап шаклидаги сарлавҳаларнинг структур-стилистик хусусиятлари // «Ўзбек тили стилистикасидан тадқиқотлар». -Самарқанд, 1987. -Б.64-40.

Рустамов П. Бирикма сарлавҳаларнинг грамматик-стилистик хусусиятлари. // «Ўзбек тили стилистикасининг актуал масалалари». -Тошкент, 1988. -Б.70-77.

Рустамов П. Грамматик шаклланган сарлавҳаларнинг баъзи хусусиятлари // Ўзбек тили стилистикаси масалалари. -Тошкент, 1982. -Б.88-99.

¹⁹ Раҳматуллаев Ш. «Сўз ишлатишнинг вақти матбуотдаги бир кўриниши» // Ўзбек стилистикаси масалалари. -Тошкент, 1982. -Б.18-25.

²⁰ Қурбанов Т.И. Публицистический стиль современного узбекского литературного языка. Автореф. дис. ... канд. филол.наук. -Ташкент, 1987.

²¹ Мухамедов С. А. Статистический анализ лексико-морфологической структурё узбекских газетных текстов. Автореф. дис. ... канд. филол.наук. -Ташкент, 1980.

²² Қурбанов Т.И. Публицистический стиль современного узбекского литературного языка. Автореф. дис. ... канд. филол.наук. -Ташкент, 1987. -С.20.

лади²³. 1982 йили чоп этилган С.Мухамедовнинг «Ўзбек адабий тилининг алфавитли частотали луғати» ҳам газета матнлари асосида тузилган²⁴.

Тўртинчи йўналишдаги ишларда газета тилининг ўзига хос хусусиятлари ўрганилган. Улар сирасига А.Бобоева²⁵ ва А.Абдусаидовнинг²⁶ тадқиқотлари киради. Мазкур олимларнинг тадқиқотларида газета тили услубий жиҳатдан таҳлил қилинган.

Юқорида сўз юритилган тўртала йўналишда ҳам газета тили адабий тилнинг бир кўриниши сифатида ўрганилади. Ўзбек тилшунослигидаги бу ёндашув рус тилшунослигининг таъсирида шаклланган.

Сўнги йилларда ўзбек тилидаги газеталар мисолида ҳам социолингвистик тадқиқотлар пайдо бўлмоқда. А.Жўраев ижтимоий ёлғоннинг турли ижтимоий гуруҳларга таъсирини ўзбек тилидаги «Савдогар», «Тошкент окшоми», «Ватан», «Миллий тикланиш», «Ўзбекистон овози» газеталари материаллари мисолида социолингвистик таҳлил қилган²⁷.

²³ Мухамедов С. А. Статистический анализ лексико-морфологической структуры узбекских газетных текстов. Автореф. дис. ... канд. филол.наук. -Ташкент, 1980.

²⁴ Мухамедов С. А. Ўзбек адабий тилининг алфавитли частотали луғати. -Тошкент, 1982.

²⁵ Бобоева А. Газета тилида таъсирчанликни таъминловчи айрим нутқий воситалар// Ўзбек тили ва адабиёти. -Тошкент, 1976. №1. -Б.62-66. Бобоева А. Газета тилида «зиммага олмоқ» иборасининг вариантлари.// Ўзбек тили ва адабиёти. -Тошкент, 1978. №2. -Б.33-35. Бобоева А. Газета тилининг икки хусусияти // Ўзбек тили ва адабиёти. -Тошкент, 1981. № 3. -Б.52-55. Бобоева А. Газета тили ҳақида. -Тошкент, 1983; Бобоева А. Газета публицистикаси// Ўзбек тили ва адабиёти. -Тошкент, 1986. № 2. -Б.24-28.

²⁶ Абдусаидов А. Вақтли матбуот тилида келишиқ формаларинининг стилистик хусусиятлари ва адабий норма масаласи (50-80йиллар район газеталари асосида). //Ўзбек тил стилистикаси ва нутқ маданияти масалалари. -Самарқанд, 1987. -Б.84-88. Абдусаидов А. Язык газеты и литературная норма (на материале местных и республиканских газет 70-80 годов). Автореф. дис. ... канд. филол.наук. -Ташкент, 1988. Абдусаидов А. Газета жанрларининг тили ва услуби. -Самарқанд, 2001. Абдусаидов А. Журналистнинг тилдан фойдаланиш маҳорати. Самарқанд, 2004. Абдусаидов А. Газета жанрларининг тил хусусиятлари. Филол. фан. докт. ... дис.автореф. Тошкент, 2005.

²⁷ Djuraev Aziz B. The social lie as a central concept for research topic

Газета тилини тадқиқ этган ўзбек тилшунослари газета тилига экстралингвистик омилларнинг таъсири кучлилигини айтиб ўтганлар. Газета тилининг бу жиҳати комплекс ёндашувни талаб этади. Бунинг учун ғарб тилшунослигининг илғор тажрибаларидан фойдаланган ҳолда ўзбек тилшунослигига социоллингвистика, психоллингвистика каби замонавий йўналишларни олиб кириш лозим.

Ўзбекистон Миллий университетининг Ўзбек филологияси факультетида бакалаврият талабаларига социоллингвистика, магистратура талабаларига психоллингвистика ва социоллингвистика курслари етти йилдан буён ўқитилаётганлиги бу йўналишдаги тадқиқотларни олиб бориш учун асос бўла олади.

1.2. Газета матнларини когнитив, социоллингвистик ва психоллингвистик ўрганиш²⁸

Газета тили ёки умуман оммавий ахборот матнларини ўрганиш сўнгги йилларда бир мунча кенгайди. Когнитив фанлар, психология (хусусан, ижтимоий психология), социология ва албатта, тилшунослик оммавий ахборот матнларини янгича нуқтаи назардан ўргана бошлади.

Рус олими Г.Я.Солганик оммавий ахборот воситалари тилини ўрганишнинг замонавий йўналишларини таҳлил қилар экан, агар илгари оммавий ахборот воситалари тили «наrsa ўзида» шаклида кўпроқ ўрганилган бўлса, эндиликда оммавий ахборот воситалари тили ва тафаккур, оммавий ахборот воситалари тили ва жамият, оммавий ахборот воситалари тили ва маданият, сиёсат, идеология каби жиҳатлар долзарб бўлиб қолди, деб ёзади²⁹.

“Politics, power, and speech”// Ўзбек тилшунослиги масалалари (илмий мақолалар тўплами). -Тошкент, 2006. –Б.38-45.

²⁸ Бу рунда Ғарб тиллари мисолидаги айрим назарий қарашлар обзори ҳақида гап кетади. Уни, асосан, тилшунослигимизга таъсири кучли бўлган рус тилшунослиги материалларига таяниб ёздик. Дикқат, асосан, когнитив, социоллингвистик ва психоллингвистик ёндашувларга (буларнинг бир-бири билан боғлиқлиги туфайли) қаратилганлиги сабаб Ғарб стилистикасига оид ишларга тўхталишни лозим топмадик.

²⁹ Солганик Г.Я. О новых аспектах изучения языка СМИ// Вестник МГУ сер.10 Журналистика. -М., 2000 №3, -С.31-32

Бугунги кунда тилшуносликнинг етакчи йўналишлари ҳисобланган социолингвистика, психолингвистика фанлари ўтган асрнинг ўрталарида пайдо бўлган. Мазкур йўналишда газеталар тили бўйича амалга оширилган дастлабки тадқиқотлар янгича ёндашувларга бўлган уриниш билан характерланади. Уларни шаклланиш босқичидаги илк қадамлар сифатида баҳолаш мумкин. Бу босқичда чегарадаги йўналишлар тадқиқотчилар томонидан яхлит ёндашув сифатида етарлича ўзлаштирилмаган эди. Масалан, газета тилини социолингвистик ўрганган И. Лысакова «Газетанинг социолингвистик таҳлили бу лисоний хусусиятлар, уларнинг турли типларини лингвистика, социология, психология базасида комплекс ўрганишдир», – деб ёзади³⁰. Нуткий фаолиятнинг психологик ва ижтимоий жиҳатларини ажратиш қийин бўлганлиги сабаб, бу даврда психолингвистик ва социолингвистик тадқиқотлар ўртасида жиддий фарқ сезилмайди. Йўналишларнинг номланишида ҳам яқдиллик йўқ эди. Психология, социология ва тилшуносик биргаликда ҳам социолингвистик ёндашувнинг, ҳам психолингвистик ёндашувнинг асоси сифатида қаралиб, «социолингвистик», «психолингвистик» терминлари қаторида «социопсихолингвистик», «лингвосоциопсихологик» терминлари ҳам қўлланган³¹.

Бу даврда амалга оширилган психолингвистик тадқиқотларда психологик нуқтаи назарнинг устунлиги сезилади. Хусусан, «Психолингвистические проблемы массовой коммуникации» китобида берилган И.Берман, Л.Попова ва С. Федосовларнинг матни кўчириб ёзишни аппарат ёрдамида кузатиш усули ҳақидаги мақоласи³², В.Мельниковнинг газета ўқиш стратегияси

³⁰ Лысакова И. П. Язык газеты: социолингвистический аспект. -Ленинград, 1981.-С.102.

³¹ Дридзе Т. М. Организация и методы лингвосоциологического исследования массовой коммуникации. -М.: Изд-во Моск. Ун-та, 1979; Зильберт Б.А. Социопсихолингвистические исследования текстов радио, телевидения и газеты. -Саратов, 1987.

³² Берман И., Попова Л., Федосов С. Об одном приеме экспериментального исследования восприятия письменной речи// Психолингвистические проблемы массовой коммуникации. -М.,1974. -С.118-122.

ҳақидаги мақолаларида³³ тилшуносликда аввалдан мавжуд бўлган хулосалар психологик жиҳатдан исботлаб берилган каби таассурот қолдиради. Ёки «Смысловое восприятие речевого сообщения» (М., 1976) тўпламидан ўрин олган М.Лаурустин ва П.Вихалемларнинг «Роль социальных установок в восприятии текста» мақоласида ҳам таҳлил психологик характердадир³⁴.

Мазкур йўналишлардаги изланишларнинг натижаси ўларок, газета матнларини социолингвистик ёки психолингвистик аспектда тадқиқ этиш 80-йиллар охири 90-йиллар бошида ўзгарди. Бу даврда газета матнлари социолингвистика ёки психолингвистикадаги хусусий масалаларнинг тадқиқи учун материал сифатида жалб этилган. Масалан, С.Трескованинг фикрича, оммавий мулоқотнинг ташкил этувчиларидан бўлган радиоэшиттиришлар ва телекўрсатувларнинг социолингвистик таҳлили дистрибутив метод ёрдамида тилнинг турли даражасида шаклий элементларнинг таърифини бериш, тил тизимидаги маълум элементларнинг парадигматик ва синтагматик муносабатларини ўрганишдир³⁵. Газета матнларига социолингвистик ёндашув инглиз, япон, испан тилларидаги материаллар асосида ҳам социолингвистикага бағишланган тадқиқотларнинг ичида амалга оширилган³⁶. Мазкур тадқиқотларда газета тили лисоний вариативлик ёки тил дифференциациясининг бир кўриниши сифатида ўрганилган.

Социолингвистиканинг марказий масалаларидан ҳисобланган билингвизм масаласини ҳам газеталар мисолида тадқиқ

³³ Мельников В.В. Исследование стратегии чтения газеты. // Психолингвистические пробелы массовой коммуникации -М., 1974. -С.113-118.

³⁴ Лаурустин -М., Вихалемм П. Роль социальных установок в восприятии газетного текста // Смысловое восприятие речевого сообщения (в условиях массовой коммуникации) -М., 1976. -С.168-182

³⁵ Трескова С. И. Социолингвистические пробелы массовой коммуникации. -М. 1989. -С.18.

³⁶ Швейцер А. Д. Социальная дифференциация английского языка в США. -М., 1983. С.107-133; Крючкова Т., Нарумов Б. Зарубежная социолингвистика: Германия, Испания. -М., 1991. -С.44-45; Алпатов В. М. Япония: язык и общество. -М., 2003 // <http://shounen.ru/nihon/lang-soc.shtml#p72> (Интернетдан электрон шаклда олинган мақолаларнинг саҳифаси кўрсатилмайди. Адабиётлар рўйхатида мазкур мақолаларнинг интернетдаги адреси ва сайтнинг амалда бўлган, яъни диссертант фойдаланган вақтдаги, санаси кўрсатилган).

этиш мумкин. Б.Раимбекованинг «Двухязычие и язык СМИ Казахстана» мақоласида қозоқ ва рус билингвизми Қозоғистонда чоп этилаётган рус тилидаги газета материаллари асосида таҳлил этилган. Муаллиф қозоқ тилига мансуб ибораларнинг рус тилида қўлланишини социолингвистик ўрганган³⁷.

Психолингвистиканинг масалаларидан бири бўлган матннинг мазмуний структураси В. Бондарнинг ишида рус ва инглиз тилларидаги газета матнлари мисолида психолингвистик таҳлил қилинади. Муаллиф матннинг мазмуний структурасини соябонсимон, пирамидасимон, чизиқли, циклик, аралаш, изчил, концентрик каби турларини ажратади ва инглиз тилидаги газеталарда чизиқли тузилишдаги матнлар, рус тилидаги газеталарда соябон типидagi матнлар кўпроқ қўлланишини айтади³⁸.

Бугунги кунда газета матнлари тадқиқи бўйича амалга оширилатган ишларни яна икки йўналишга ажратиш мумкин. Биринчи йўналиш когнитив йўналиш. Бу йўналиш Европа ва АҚШ тилшунослигида анча илгари пайдо бўлган.

Тил қўлланишининг когнитив назарияси бошқа когнитив фанлар каби сунъий интеллектни яратиш йўлидаги изланишларнинг натижаси ўлароқ юзага келган бўлиб, тушунчанинг структур типлари ва уларнинг тил билан мослиги, тил ва онгнинг физиологик асослари, тилдаги метафорик ва метонимик муносабат кабиларни текшириш билан шуғулланади. Оммавий ахборот воситалари матнларига когнитив ёндашув дискурс таҳлилга асосланади. Дискурс европа тилшунослигидан кириб келган тушунча бўлиб, 80-йилларда рус тилшунослигида «боғланган матн» (связной текст) сифатида таржима қилинган³⁹.

³⁷ Раимбекова Б.Ж. Двухязычие и язык СМИ Казахстана //Бодуэновские чтения: Бодуэн де Куртенэ и современная лингвистика. Междунар. науч. конф. (Казань, 11-13 дек. 2001 г.): Труды и материалы: В 2 т. -Казань: Изд-во Казан. ун-та, 2001. – Т. 2. – С.76-78.

³⁸ Бондарь В. Р. Смысловая структура текста в языках различных типов. Автореф. дис. ... канд. филол.наук. -М., 1990.-С.4.

³⁹ Дискурснинг таърифлари ҳақида қаранг. Лингвистический энциклопедический словарь. -М.,1990. -С.136-137. The Linguistics Encyclopedia, 2003. -P.100-110.

Дискурс таҳлили (discourse analysis) терминини фанга Зеллинг Харрис олиб кирган ва бу термин ортида «боғланган ёки ёзма нутқни таҳлил қилиш усули»ни тушунган⁴⁰. Ҳозирда дискурсга берилаётган таърифлар турлича. Е.Попова сиёсий дискурснинг маданий-лисоний характеристикаларини таҳлил этар экан, «нутқий фаолиятнинг дискурс аспекти маданий-тарихий, ижтимоий ва вазият нуктаи назарларидан мулоқотни таҳлил этишдир», дейди ва дискурснинг ўзини лингвистик ва экстралингвистик омиллар мажмуаси билан бевосита боғлиқ бўлган нутқ ва нутқий асарларнинг турли кўринишлари сифатида талқин этади⁴¹. А.Шевченко икки йўналишдаги таърифларни фарқлайди. Биринчисига кўра, дискурс нутқий баён кўринишидаги тасаввур бўлиб, ўз ичига зарурий лисоний ва нолисоний элементларни қамраб олган ҳукм шакли сифатида талқин этилади. Иккинчиси эса дискурсни когерент матн, диалог, ҳукмлар гуруҳи, гапдан катта бирлик сифатида таърифлайди⁴². Оммавий ахборот воситалари когнитив таҳлилининг ёрқин намунаси сифатида Ван Дейк томонидан амалга оширилган тадқиқотларни айтиш мумкин⁴³. Олим оммавий ахборот матнларининг дискурс таҳлили бу матнларни структуравий тузилиши нуктаи назардан таҳлил этиш билан амалга оширилишини айтади, бунда «матнлар гаплараро алоқа муносабати, умумий мавзу структураси, схематик ташкил ва бир қатор услубий ҳамда риторик параметрлар каби юқори даражадаги хусусиятлари билан характерланади»⁴⁴.

⁴⁰ Қар.: Harris Z. Discourse analysis// Language, 28, 1952. -P.2.

⁴¹ Попова Е.А. Культурно-языковые характеристики политического дискурса (на материале газетных интервью). Дис. ... канд. филол. наук. - Волгоград, 1995. - 187 с. // <http://www.lib.ua-ru.net/diss/liter/94853.html>- 20.12.2007

⁴² Shevchenko A. Discursive analysis of mass media texts. //Bulletin of Russian Communication Association "THEORY OF COMMUNICATION AND APPLIED COMMUNICATION", Issue 1 / Edited by I.N. Rozina, Rostov-on-Don: Institute of Management, Business and Law Publishing, 2002. - 168 p. P. 153-160, http://russcomm.ru/eng/rca_biblio/s/shevchenko01_eng.shtml-2003

⁴³ Ван Дейк Т.А. Структура новостей в прессе// Язык. Познание. Коммуникация. -М., 1989. -С. 228-268;

⁴⁴ Ван Дейк Т.А. Анализ новостей как дискурса // Язык. Познание. Коммуникация. -М., 1989. -С. 111-112.

Тилнинг когнитив аспекти халқнинг, миллатнинг умумий кадриятлари, урф-одатлари билан чамбарчас боғлиқ. Газета матнлари аудиториянинг характеридан келиб чиқиб яратилар экан, унинг лисоний хусусиятларини таҳлил этишда миллий менталитет ҳам ҳисобга олиниши лозим. Бугунги кунда киёсий-типологик йўналишда амалга оширилаётган ишларда бу жиҳатга кўпроқ эътибор бериляпти. Уларда газета матнига хос лисоний ҳодисалар структур-семантик ва прагматик аспектда ёритилади. И.Алешчанованинг номзодлик диссертациясида газета матнларида иқтибоснинг қўлланиши прагматик ва семантик жиҳатдан таҳлил қилинади⁴⁵. Ишда газета матни оммавий ахборот дискурсининг бир кўриниши сифатида талқин этилиб, ахборот узатиш канали, адресат типи, интерпретацион характеристикаси билан ажралиб туриши айтилади. Газета матнларида қўлланадиган иқтибосларнинг вазифалари таҳлил қилинади, уларнинг типлари ажратилади. Е.Курченкованинг ишида инглиз ва рус тилидаги газета эълонларининг маданий-лисоний хусусиятлари таҳлил қилинади. Ишда газета эълонлари тасниф қилинади, эълоннинг рекламадан фарқли жиҳатлари очиб берилади. Уларнинг информатив, регулятив, ижтимоий, иқтисодий, этикет, ҳимоя, перформатик, ҳал қилувчи функциялари фарқланади⁴⁶.

Е.Попова Германия ва Россияда чоп этилган газета ва журналлардаги интервьюларни тадқиқ этади. Ишда газетадаги интервьюнинг структур-семантик ва прагматик параметрлари сиёсий дискурс доирасида характерланади, Россия ва Германиядаги замонавий сиёсий дискурсларнинг миллий-маданий хусусиятлари очиб берилади⁴⁷.

⁴⁵ Алешанова И. В. Цитация в газетном тексте (на материале современной английской и российской прессы). Автореф. дис. ... канд. филол. наук. - Волгоград, 2000. - 22 с. // <http://www.popal.ru/printout/110.html>

⁴⁶ Курченкова Е. А. Культурно-языковые характеристики текстов газетных объявлений (на материале английской и русской прессы). Автореф. дис. ... канд. филол. наук. - Волгоград, 2000. - С. 6.

⁴⁷ Попова Е. А. Культурно-языковые характеристики политического дискурса (на материале газетных интервью). Дис. ... канд. филол. наук. - Волгоград, 1995. - 187 с. // <http://www.lib.ua-ru.net/diss/liter/94853.html>

Иккинчи йўналишдаги ишларда эса газета матнининг ўзига хос хусусиятларига асосланган тадқиқотлар киради. Бу тадқиқотларда газета матнида кўпроқ учрайдиган лисоний ҳодисалар тадқиқ этилади. Масалан, матн тилшунослиги бўйича қилинган ишларнинг бирида оммавий ахборот воситалари матни журналистик матн сифатида талқин этилади: «Журналистик матн – бу матннинг алоҳида кўриниши бўлиб, илмий, бадиий, расмий-идоравий ва сўзлашув услубининг таъсирида бўлади»⁴⁸.

Маълумки, газета матнларида халқнинг маданий саводхонлиги белгисига айланиб қолган кўшиқлар, кинофильмлар, бадиий асарлардан олинган жумлалар кенг қўлланади⁴⁹. Газета матнларидаги бу ҳодиса матн тилшунослиги бўйича қилинган яна бир ишда «прецедент матн» сифатида талқин этилади. Тадқиқотда прецедент матннинг газета сарлавҳаларида қўлланишига эътибор қаратилади, прецедент матн маълум муҳит учун яхши таниш бўлган, шу муҳитга мансуб шахснинг билимида ва эмоционал муносабатларида муҳим мазмун касб этувчи матн бўлиб, унга мурожаат қилиш натижасида яна янгиланиб бориши айтилади. Мазкур матнлар тафаккур ва баҳолашнинг ўзига хос стереотиплари ҳисобланади⁵⁰.

Газета матнида модалликнинг ифодаланиши тилшунослар учун кизиқарли мавзулардан биридир, чунки бу масалани ўрганиш тилнинг инсон психикаси, эмоциялари ва лисоний қо-

⁴⁸ Мальчева Н.В., Богуславская В.В. Художественный и журналистский текст в аспекте функционально-семантических категорий // Текстологические проблемы русистики // Сборник тезисов Международного конгресса «Русский язык: исторические судьбы и современность». -Москва, 2001 -С.283 //http://www.philol.msu.ru/~rlc2001/abstract/abst.htm

⁴⁹ Маданий саводхонлик хусусида қар.: Djuraev Aziz B. and Hirsch E.D. Jr. Enhancing literacy in Central Asia: The example of Uzbekistan // the Core Knowledge Foundation, (Occasional Paper # 4) Charlottesville, Virginia, 1996, P. 1-8; Hirsch E.D. Three dimensions of hermeneutics // New Literary history- Baltimore, 1972. Vol. 3, №2. -P.245-261..

⁵⁰ Семенец О. Прецедентный текст в газетном заголовке и современная текстовая картина мира//Текстологические проблемы русистики. Сборник тезисов Международного конгресса «Русский язык: исторические судьбы и современность». -Москва, 2001. -С.287-288 //http://www.philol.msu.ru/~rlc2001/abstract/abst.htm

билиятга боғлиқ жиҳатларини очиб беради. Оммавий ахборот воситалари матнларида баҳоланишнинг лисоний механизмларини текширган Н.Клушина нутқда баҳоланиш шакли ҳам онгнинг бошқарилишнинг асосий воситаларидан бири эканлигини айтади. Бунда баҳо хабарининг ичида мавжуд бўлиб, матнда унинг борлиги билинмайди. Адресат эмоционал ҳолда бу баҳони қабул қилади, лекин у «бу хулосага ўзим келдим», деб ҳисоблайди. Баҳони юзага келтирувчи турли лингвистик усуллар мавжуд. Олима баҳонанинг имплицит ва эксплицит турларини фарқлайди⁵¹.

Бугунги кун учун характерли бўлган ёндашувлардан бирини Е.Богодухованинг «Материалы средств массовой информации как объект экспертного психолого-криминалистического исследования» номли электрон мақоласида кўрамиз. Фельетон, интервью каби жанрларга мансуб оммавий ахборот матнларида муаллифнинг ёхуд интервью бераётган шахснинг бошқа бир шахсга нисбатан субъектив баҳоси ифодаланиши мумкин. Бу баҳо салбий бўлган ҳолатда баҳоланаётган шахснинг эътирозига сабаб бўлади. Баҳоланаётган шахс ўзини ҳақоратланган ҳисобласа, етказилган маънавий зарарни қоплаш мақсадида баҳо берган шахсни судга бериш ҳуқуқига эга. Шу каби вазиятларда оммавий ахборот матнлари жиноят предмети (яъни бирор шахсни ҳақорат қилиш, хўрлаш қуроли) сифатида суд жараёнига тортилиши мумкин. Е.Богодухованинг мақоласи айнан шу масалага эътибор қаратади. Мазкур ишда оммавий ахборот воситалари матнлари юридик психология ва социал психология нуқтаи назаридан ўрганилади. Муаллиф оммавий ахборот воситалари матни устида суд экспертизасини ўтказиш учун филология, ҳусусан, лексикология ва лексик услубиятига оид таҳлил зарурлигини айтади⁵². Муаллиф коммуникатор ва реципиент ўртасида низонинг келиб чиқишини ўрганар экан, қабул қилишнинг шахслараро ва гуруҳлараро механизмларини таҳлил қилади. Шунингдек, матн яратиш жараёнида муаллифнинг нима ният-

⁵¹ Клушина Н. Языковые механизмы формирования оценки в текстах СМИ. /http://www.gramota.ru/mag_arch.html?id=79

⁵² Богодухова Е. «Материалы средств массовой информации как объект экспертного психолого-криминалистического исследования»// <http://www.expertizy.narod.ru/magazine.htm>

да бўлганини аниқлашда психолингвистик билим асқотишини Е.Богодухова таъкидлаб ўтади⁵³.

Кўриб ўтилганидек, бугунги кунда оммавий ахборот воситалари матнларини ўрганиш янги босқичда давом этмоқда. Бу босқич ўзининг кенг қўламлилиги ва комплекс ёндашуви, таҳлилнинг серқирралиги билан аҳамият касб этади. Юқорида зикр этилган тадқиқотларни ўрганиб чиқиш ва ўзбек тилидаги оммавий ахборот воситалари матнларини тадқиқ этишнинг янги усулларини ишлаб чиқиш тилшунослигимиз олдида турган муҳим вазифалардан биридир.

Биринчи боб юзасидан қисқа хулосалар

1. Ўзбек тилшунослигида газета тилининг тадқиқи рус тилшунослиги таъсирида шаклланган. Бу ишларда газета тили адабий тилнинг бир кўриниши сифатида талқин этилиб, газета тилидаги лисоний ҳодисалар лексик, морфологик, синтактик, статистик ва услубий жиҳатдан ўрганилган. Хусусан, адабий тилнинг шаклланиш жараёни, унинг ривожланишидаги ўзгаришларга эътибор қаратилган. Тадқиқотларда газета тилида қўлланган шева элементлари ёки бошқа тил таъсирида юзага келган сўзлар ва синтактик конструкциялар қайд этилган ва уларнинг адабий тил меъёрига мос ёки мос эмаслиги хусусида муносабат билдирилган. Газета тили услубий жиҳатдан ўрганилган ишларда унинг услубий хусусиятлари кенг ёритилади, экстралингвистик омилларнинг газета тилига таъсири кучли эканлиги таъкидланади.

2. Газета тили ўз хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда комплекс ёндашувни талаб этади. Бунда тилшунослик назарияси билан бирга ижтимоий, психологик, когнитив йўналишларнинг назариялари зарур. Социолингвистикада у ижтимоий ҳаётнинг бир бўлаги сифатида, когнитив тилшуносликда билишнинг ўзига хос структур модели сифатида аҳамият касб этади. Қайси бир йўналиш бўлмасин, у газета тилини ўрганар экан, бошқа йўналишларнинг хулосаларини ҳисобга олиши лозим.

3. Ўзбек тилшунослигида газета матнларига психолингвистик, социолингвистик ва когнитив ёндашувлар том маънода

⁵³ Ўша манба.

қўлланмаган. Бунинг натижасида газета матнлари етарли даражада таҳлил қилинмаган, бу матнларнинг ўзига хос бўлган бир қатор жиҳатлари очилмай қолган.

Ғарб тилшунослигидаги газета матнларини таҳлил қилиш назарияси ва амалиётини чуқур ўрганиш ва эришилган ютуқларни ўзбек тилшунослигига олиб кириш зарурияти борган савийини кучаймоқда.

ГАЗЕТА МАТНИНИНГ МАЗМУНИЙ ПЕРЦЕПЦИЯСИДА ДАРАЖАЛАР ВА БИРЛИКЛАР

2.1. Матн перцепциясини ўрганиш йўналишлари

Матн перцепцияси мураккаб жараён сифатида турли аспектларда ўрганилган. Буларнинг асосийлари сифатида квантитатив, когнитив, психологик ва психолингвистик йўналишларни кўрсатиш мумкин.

Матний перцепцияга квантитатив ёндашув хабарнинг квантитатив назариясига асосланади. Матн ҳарфлар, сўзлар элементидан ташкил топган кодли занжир сифатида олинади. Матннинг бир бутун қабул қилинишини формаллаштириш нуқтаи назаридан ўрганган С.Гуменюк матн перцепциясига шундай таъриф беради: «Берилган матннинг яхлит перцепцияси (бунда матн алоҳида, бошқа матнлар билан боғланмаган, деб қаралади) сўз ва унинг матндаги ҳолати билан шундай алоқани ўрнатадики, бу матннинг тўғри тушунилган (адекват) шакли (образи)ни яратишга ёрдам беради»⁵⁴.

Психологик ёндашувда бирламчи объект инсон бўлиб, матннинг қабул қилинишида унинг индивидуал рухий ҳолати, хусусиятлари кўпроқ таҳлил қилинади. Т.А.Дроздова матнни тушунишни психологик тажриба асосида тадқиқ этиб, унинг даражаларини белгилайди. Аммо бу даражалар ҳар доим ҳам тушуниш жараёнида юзага чиқавермаслигини муаллиф таъкидлаб ўтади, яъни тажриба синалувчиларининг 36% ида тушуниш жараёнининг босқичма-босқич кечиши кузатилган бўлса, синалувчиларнинг қолганларида тушуниш аралаш, бетартиб ҳолатда амалга ошган, шунингдек, юқорида келтирилган босқичларнинг айримлари тушириб қолдирилган, қисқартирилган ҳолатлар ҳам кузатилган. Коммуникатив вазифанинг ўзгариши (айнан бу мисолда «ўзи учун тушуниш» вазифаси ва «бошқа одамга тушун-

⁵⁴ Гуменюк Ю. Моделирование целостного восприятия текста// Квантитативная лингвистика и семантика. -Новосибирск, 2001 . Вып. 3. - С.4.

тириб бериш» вазифаси) тушунишнинг боришига таъсир қилади. Олима тушунишнинг бориши реципиентларнинг индивидуал-психологик хусусиятларига боғлиқлигини айтади⁵⁵.

Матний перцепцияга когнитив ёндашув матнни дискурснинг ташкилий қисми сифатида таърифлайди. Инсон бирор матнни ўқир экан, шу матн мавзусига алоқадор бўлган билимлари фаоллашади ва шу асосда матнни тушуна олади. Когнитив йўналиш вакиллари матннинг мазмуний структурасига кўпроқ эътибор қаратадилар. Таҳлил матний база, вазият модели, дунё ҳақидаги билим каби тушунчалар асосида амалга оширилади⁵⁶.

Психолингвистикада матний перцепцияни ўрганишда қуйидаги йўналишларни ажратиш мумкин. Дастлабки йўналишда олий асаб тизими фаолияти бузилган инсонларда матннинг қабул қилиниши текширилган⁵⁷. Кейинги йўналишда махсус матнлар ёрдамида тадқиқотлар амалга оширилган⁵⁸. Учинчи йўна-

⁵⁵ Дроздова Т. А. Психологические особенности понимания текста как процесса // Психологические механизмы порождения и восприятия текста. Сборник научных трудов. МГИИЯ Вып.23. -М., 1985.-С.106-120

⁵⁶ Қар.: Бирвиш М. Насколько линейно упорядоченной является языковая обработка // Новое в зарубежной лингвистике. -М.,1988. Вып. 23. -С. 93-153; Ван Дейк Т. А., Кинч В. Стратегия понимания связного текста // Новое в зарубежной лингвистике. Вып. 23. -М.,1988. -С.153-211; Ван Дейк Т.А. Язык. Познание. Коммуникация. -М., 1989; Яковенко Н.Э. Когнитивно-прагматический подход к пониманию текста. Автореф. дис. ... канд. филол. наук. Краснодар, 1998; Grasser A.C., Millis K.K. and Zwaan R.A. Discourse comprehension. Psychology. 1997. 48: P.163-189.

⁵⁷ Қар.: Лурия А.Р. Основные пробелы нейролингвистики. -М., 1975; Лурия А.Р. Мозг и психика человека. -М., 1979; Wassenar M. Hagoort P. Brown C. Syntactic ERP Effects in Broca's Aphasics with Agrammatic Comprehension // Academy of Aphasia Meeting. 1997. P.61-64; Waters G.S., Caplan D. The Role of Working memory in Sentence Processing: Evidence from Parkinson's Disease // Academy of Aphasia Meeting. 1997. -P.64-66; Caplan D., Nathaniel A., Waters G. Effects of Syntactic Structure and Number of Propositions on Patterns of Regional Cerebral Blood Flow // Academy of Aphasia Meeting. 1997. -P.66-69.

⁵⁸ Қар.: Сахарный Л.В. «Контекстное» и «неконтекстное» в восприятии лексико-семантической стороны слова // Смысловое восприятие речевого сообщения (в условиях массовой коммуникации) -М., 1976. С.107-114; Van Berkum J. J.A., Brown C.M. & Hagoort P. Discourse before Gender: An Event-Related Potential Study on the Interplay of Semantic and Syntactic Information During

лишда тилнинг турли услубларида яратилган оддий матнлардан фойдаланилган⁵⁹.

Ҳар уч йўналишда ҳам икки хил тадқиқот усули мавжуд. Биринчи усулга кўра жараённинг ўзини унинг якуний натижасига қараб таҳлил қилинади. Бунда матн қабул қилинаётганда миянинг ишлашини бевосита кузатиб бўлмайди, қабул қилиб бўлингач, инсон онгида матн проекцияси ҳосил бўлади, айнан шу проекцияни асл матн билан солиштирган ҳолда жараён ҳақида хулосалар чиқарилади.

Иккинчи усул эса бевосита жараённинг ўзини нейрометодлар воситасида кузатишга ҳаракат қилинаётган ишлар. Бу усул, асосан, АҚШ, Нидерландия каби психолингвистика ривожланган мамлакатларга тегишлидир. Тадқиқотчилар реципиент миясидаги кўзгалишларни махсус асбоблар ёрдамида қайд этиб боради⁶⁰.

Spoken Language Understanding // Journal of Psycholinguistic Research, Vol.29. No 1. 2000. -P.53-68; Van Berkum J. J.A., Brown C.M., Hagoort P. & Zwitersload P. Event-related Brain Potentials Reflect Discourse-Referential Ambiguity in Spoken Language Comrehension// Psychophysiology, 40 (2003). P.235-248.

⁵⁹ Қар.: Борботько В. Внутренняя организация текста в плане восприятия // Смысловое восприятие речевого сообщения (в условиях массовой коммуникации) -М., 1976. -С. 83-87; Зарубина Н. Языковые сигналы структуры связного текста и их использование в смысловом восприятии //Смысловое восприятие речевого сообщения (в условиях массовой коммуникации) -М., 1976. -С.168-182; Лауристин М., Вихалемм П. Роль социальных установок в восприятии газетного текста // Смысловое восприятие речевого сообщения (в условиях массовой коммуникации) -М., 1976. -С.168-182; Дзекировская Л., Тарасов Е. Критерий отбора художественных текстов в качестве учебного материала для преподавания второго языка // Психолингвистическая и лингвистическая природа текста и особенности его восприятия. -Киев, 1979. -С.223-230; Ляховицкий М., Емельянова А., Гринюк Г. Некоторые психолингвистические характеристики научно-технического текста // Психолингвистическая и лингвистическая природа текста и особенности его восприятия. -Киев, 1979. -С.100-110; Белянин В.П. Экспериментальное исследование психолингвистических закономерностей смыслового восприятия текста. Автореф. дис. ... канд. филол.наук. -М., 1983; Белянин В.П. Психолингвистические аспекты художественного текста. -М., 1988; Саракаева Э.А. Психолингвистический анализ миссионерских текстов. Автореф. дис. ... канд. филол.наук. -Краснодар, 2000;

⁶⁰ Секерина И. А. Метод вызванных потенциалов мозга в американской психолингвистике и его использование при решении порядка слов в русс-

А. Лурия бош мия чап яримшари пўстлогининг турли қисмлари зарарланишида, яъни афазиянинг турли кўринишларида декодлаш жараёнининг қандай бузилишини таҳлил этган⁶¹. Олим афазиянинг етти кўринишини ажратади: сенсор афазия, визуал-мнестик афазия, аудиал-мнестик афазия, семантик афазия, афферент-моторли афазия, эфферент-моторли афазия ва динамик афазия. Сенсор афазияда фонематик эшитишнинг издан чиқишини, аудиал-мнестик афазияда нутқий оператив хотиранинг издан чиқиши натижасида гапнинг синтактик структураси перцепцияда сақлана олмаслиги, семантик афазияда турли мураккаб бирикмаларнинг тушунилиши қийинлашиши каби ҳолатлар қатор тажрибалар ёрдамида очиб берилган. А. Лурия ўз тадқиқотларида матнни ўқитиб, мазмунини сўзлатиш, матнга оид саволлар бериб жавоблар олиш, матн мазмунига оид гапларни вариантлар ичидан танлаб олиш каби тажриба усуллари-дан фойдаланган⁶².

М. Вассенар, П. Хагурт ва К. Браунлар Брока афазиясида (эфферент-моторли афазия) гапнинг тушунилишини нейрометод ёрдамида тадқиқ этади. Улар SPS (Syntactic Positive Shift-синтактик позитив ўзгариш) компонентини кузатадилар. Бу компонент позитив ақлий потенциал бўлиб, турли синтактик хато-ларга жавоб сифатида стимул берилгандан 500 миллисекунд ўтгач, синалувчиларнинг миёсида кўзгалиш сифатида юзага чиққан. Масалани тадқиқ этиш учун синтактик хато гаплар беморларга берилган. Гапни тушуна олганларда SPS компоненти баъзи тутилишлар билан юзага чиққан. Бу тутилишлар гапнинг синтактик хато қисмларига келганда рўй берган. Баъзи яхши ту-

ком языке. // http://www.dialog-21.ru/archive_article.asp?paramk7383&yk2002&volk6077-; Wassenar M. Hagoort P. Brown C. Syntactic ERP Effects in Broca's Aphasics with Agrammatic Comprehension // Academy of Aphasia Meeting. 1997. P.61-64; Van Berkum J. J.A., Brown C.M., Hagoort P. & Zwitersload P. Event-related Brain Potentials Reflect Discourse-Referential Ambiguity in Spoken Language Comrehension// Psychophysiology, 40 (2003). P.235-248.

⁶¹ Лурия А.Р. Основные пробелы нейролингвистики. -М., 1975. -С.183-230

⁶² Қар.: Лурия А.Р. Об историческом развитии познавательных процессов. -М.,1974; Лурия А.Р. Основные пробелы нейролингвистики. -М., 1975; Лурия А.Р. Мозг и психика человека. -М., 1979; Лурия А.Р. Язык и сознание. -М., 1979.

шунмаганларда ҳам SPS компоненти кузатилган, бироқ улардаги тутилишлар узоқроқ давом этган. Яхши тушунмаганларнинг қолганларида қўзғатилган синтактик имкониятлар пасайган⁶³.

Г. Ватерс ва Д. Каплан паркинсон касаллиги (мия пўстлоғи ости тугунларининг зарарланиши)да гапнинг тушунилишини текширадилар. Улар ўзларигача бўлган тадқиқотларда муболағага йўл қўйилганлигини айтадилар. Уларнинг тажрибасида 23 бемор қатнашади. Беморларга турли тузилишдаги гаплар берилади. Бу гаплар асосидаги саволларга жавоб олинади. Тажриба натижалари бўйича паркинсон касаллигида нутқни тушуниш бузилмайди, деб хулоса қилинади⁶⁴. Нейрометодлар асосида амалга оширилган тадқиқотлар М.А.Гернсбачер ва М.П.Кашакнинг «Neuroimaging studies of language production and comprehension» мақоласида умумлаштирилган⁶⁵.

Махсус матнлар, одатда, у ёки бу лисоний ҳодисанинг перцепциясини текшириш учун тузилади. Бунда, асосан, кўп маъноли гаплар, мураккаб тузилишга эга гаплар ёки қандайдир хатога эга гаплар олинади. Масалан, «Иван пришел к Ольге с Петром», «Приглашение рабочих бригад вызвало осуждение товарища Иванова», «They are flying planes» -«Улар учар самолётлар» ёки «Улар самолётда учяптилар»⁶⁶, «Visiting relatives can be a nuisance» -«Қариндошларни кўргани бориш ёқимсиз бўлиши мумкин» ёки «Қариндошларнинг келиши ёқимсиз бўлиши мумкин»⁶⁷ «Flying planes are dangerous» («Самолётда учиб хавфли» ёки «Учаётган самолётлар хавфли»), «Цыплята готовы к обеду»⁶⁸. Нейрометодлар учун ҳам бу каби матнлардан фойдаланиш

⁶³ Wassenar M. Hagoort P. Brown C. Syntactic ERP Effects in Broca's Aphasics with Agrammatic Comprehension //Academy of Aphasia Meeting. 1997. P.61-64.

⁶⁴ Waters G.S., Caplan D. The Role of Working memory in Sentence Processing: Evidence from Parkinson's Disease //Academy of Aphasia Meeting. 1997. P.64-66.

⁶⁵ Kaschak M. P. and Gernsbacher M.A. Neuroimaging Studies Language Production and Comprehension // Annual Review of Psychology, 2003. -P.54, 91-114. <http://www.psy.fsu.edu/~kaschaklab/>

⁶⁶ Лурия А.Р. Основные пробелы нейролингвистики. -М., 1975. -С.158-159.

⁶⁷ Слобин Д., Грин Дж. Психоллингвистика. -М., 1976. -С.32.

⁶⁸ Белянин В.П. Психоллингвистика. -М., 2001.-С.43.

хос. Масалан, Ван Беркум, П. Хагурт, М. Браунлар “David told the girl...” (Дэвид кизга айтдики...) деб бошланувчи гапни турлича яқунлаб, унинг қабул қилинишини текширадilar. Таҳлил асосида перцепция жараёнида дискурс-семантик информация лексик-синтактик информациядан устун эканлигини таъкидлайдилар⁶⁹. Махсус тузилган матнлар билан амалга оширилган тадқиқотлар нутқий фаолиятнинг айрим аспектиларини алоҳида-алоҳида таҳлил қилади. Бунда кўпроқ инсон миясининг қандай ишлашига эътибор қаратилади. Оддий матнларнинг қабул қилинишини ўрганиш эса умумий ҳолатда перцепция жараёни қандай кечишини аниқлашга ёрдам беради. Психоллингвистикада илмий-оммабоп, илмий-техник, диний, бадий, публицистик матнлар перцептив нуқтаи назаридан ўрганилган.

Психоллингвистика шаклланаётган илк даврда нутқий перцепция унинг асосий масалаларидан бири сифатида қайд этилган ва унга қуйидагича таъриф берилган: «Психоллингвистика қабул қилишнинг «рецепторли» назариясига асосланган ҳолда, нутқнинг қабул қилинишини бир томонлама жараён сифатида баҳолайди, яъни бунда мияга ахборотнинг бориши назарда тутилади»⁷⁰. Дифференцировка (фарқлаш) тизими эса тушунишнинг натижаси сифатида юзага чиқади. Яъни инсон тушунмоқчи бўлган нарсани ўзидаги мавжуд информацияга солиштириши ёки мослаштириши натижасида фарқлаш пайдо бўлади (ўша манба).

А.А.Залевская эса: «Қабул қилиш ташқаридан бўлган таъсирни пассив ҳолда кўчириш эмас; бу билишнинг жонли, ижодий бўлган жараёни бўлиб... қабул қилинаётган объектларни хотирадаги аввалдан сақланаётган тасаввурлар билан солиштириш ва маълум синфга қўшиш билан амалга ошади, дейиш мумкин. Яъни қабул қилиш жараёни бу кенг маънодаги категориялаш жараёнидир...», - дейди⁷¹.

⁶⁹ Van Berkum J. J. A., Brown C.M. & Hagoort P. Discourse before Gender: An Event-Related Potential Study on the Interplay of Semantic and Syntactic Information During Spoken Language Understanding // Journal of Psycholinguistic Research, Vol.29. No 1. 2000 .-P.66.

⁷⁰ Леонтьев А. А. Психоллингвистика. -М., 1967. -С.33

⁷¹ Залевская А. А. Введение в психоллингвистику. -М., 1999. -С.238.

Юқорида сўз юритилган тадқиқотларга асосланиб, шунингдек, тадқиқотмизнинг мавзуси ва мақсадидан келиб чиқиб, биз тажриба усулларини белгиладик.

Ниятимиз ўзбек тилидаги матннинг мазмуний прецепцияси-ни психолингвистик таҳлил қилиш экан, бу таҳлил қандай масалаларни қамраб олиши ҳақида тўхталмоқчимиз.

Ўзбек тилидаги матннинг мазмуний перцепцияси жараёнининг қандай даражалардан иборатлиги, даражаларнинг тартиби, уларнинг ўзига хос жиҳатлари аниқлаштирилиши лозим. Шунингдек, перцепция жараёнида перцептив бирликларнинг қандай ажратилиши, яъни қабул қилинаётган матн қандай қисмларга бўлиб қабул қилиниши; матн лисоний хусусиятларининг перцепция жараёнига таъсири; тушунишнинг объектив ва субъектив жиҳатлари ёритиб берилиши керак.

Тажрибалар учун учта хабар мазмунидаги мақола, битта таҳлилий мақола ҳамда 21та сарлавҳа танлаб олинди. Тадқиқот учун жами 5та тажриба ўтказилди. Тажрибада 2003-2004, 2007-2008 ўқув йиллари давомида Ўзбекистон Миллий университетининг Ўзбек филологияси ва Хорижий филология факультетларида таҳсил олган биринчи ва учинчи курс талабалари, Тошкент давлат юридик институти қошидаги академик лицейнинг биринчи ва учинчи курс ўқувчилари иштирок этди. Битта тажрибада мақола синалувчиларга ўқиш учун берилди, тўртта тажрибада мақолалар синалувчиларга ўқиб эшиттирилди.

Матнни ўқиб қабул қилиш ва эшитиб қабул қилиш мияга таъсир қилаётган икки хил сигналнинг турли сезувчи каналлар орқали ишланиши билан фарқ қилади. Ўз ўрнида уларнинг ҳар бири ўзининг афзал томонларига эга. Хусусан, ўқиб қабул қилишда қабул қилинаётган маълумот миқдорини назорат қилиб туриш мумкин, шунингдек, сигнални сегментациялаш ўқиб қабул қилишда осонроқ кечади. Эшитиб қабул қилиш эса оҳангнинг мавжудлиги билан нисбатан бойроқ⁷².

Ж.Кэррол эшитиб қабул қилишда акустик, фонетик, фонологик даражаларни ажратса, ўқиб қабул қилиш белги, ҳарф, сўз даражаларидан иборатлигини айтади⁷³.

⁷² Залевская А. А. Введение в психолингвистику. -М., 1999. -С.237.

⁷³ Carrol David W. Psychology of Language. -California, 1998. -P.84-99.

Аммо лисоний сигналнинг бу тахлит қайта ишланиши тилни тушунишдаги қуйи (ёки дастлабки) даражалар сифатида баҳоланади⁷⁴.

Биз ҳарф ёки фонема қабул қилиниб бўлгандан кейин матн мазмунининг тушунилиши жараёнини таҳлил этамиз. Мақсадимиз эшитиш ва ўқиш орқали қабул қилишни қиёслаш эмас.

Тадқиқотимизнинг асосий предмети бу стимул сифатида берилган матннинг реципиент онгидаги проекцияси. Асл матн билан унинг проекцияси қиёсланган ҳолда мазмуний перцепция жараёни хусусида фикр юритиш мумкин бўлади. Матн асосида олинган баёнлар бу проекцияни намоён эта оладиган самарали воситалардир. Шунга кўра деярли барча тажрибаларда синалувчилардан баёнлар олинди.

Биз юқорида санаб ўтган матн мазмуний перцепциясига доир масалаларни икки бобга бўлиб ўргандик. Мазкур бобда матн мазмуний перцепциясининг жараён сифатидаги хусусиятларини очиб беришга ҳаракат қиламиз.

2.2. Ўзбек тилидаги газета матни мазмуний перцепциясининг тажрибавий тадқиқи

Биз хабар мазмунидаги ўзбекча газета матни перцепцияси механизмини иккита тажриба асосида тадқиқ этдик.

Биринчи тажрибада мақола синалувчиларга ўқиб эшиттирилди.

Тажриба материали: «Малайзия делегацияси Тошкентда» мақоласи («Халқ сўзи» 2004 йил 7 сентябрь (209(3484)-сон, 2-бет). Мақола 75 та сўз, шу жумладан, сарлавҳа ва 4та гапни ўз ичига олади. Мақола матни:

Малайзия делегацияси Тошкентда

Мамлакатимизда меҳмон бўлиб турган Малайзия ишбилармонлари ва таълим соҳаси мутахассисларидан иборат делегация Ўзбекистон Республикаси Алоқа ва ахборотлаштириш агентлигида бўлди.

⁷⁴ Kaschak M. P. and Gernsbacher M.A. Neuroimaging Studies Language Production and Comprehension // Annual Review of Psychology, 54, 2003-P.93. <http://www.psy.fsu.edu/~kaschaklab/>.

Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, Алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги бош директори Абдулла Орипов билан учрашувда ахборот ва телекоммуникация технологиялари соҳасида икки томонлама сармоявий ҳамкорликни ривожлантириш юзасидан фикр алмашилди. Мамлакатларимиз ўртасидаги алоқаларнинг тобора мустаҳкамланиб бораётгани таъкидланди.

Мулоқот чоғида юртимиз мутахассисларини Малайзиянинг нуфузли олий ўқув юртларида таҳсил олишини ташкил этишига оид масалалар ҳам муҳокама қилинди.

Мақоланинг мазмуний блоклари қуйидагича:

1. Малайзия ишбилармонлари Ўзбекистон Республикаси Алоқа ва ахборотлаштириш агентлигида бўлди.
2. Улар Агентликнинг бош директори Абдулла Орипов билан учрашишди.
3. Ахборот ва телекоммуникация технологиялари борасида сармоявий ҳамкорлик юзасидан фикр алмашишди.

Тажриба иштирокчилари: 2003-2004 ўқув йилида Ўзбекистон Миллий университети Ўзбек филологияси факультетининг 1 – курсида ўқиган 60 та талаба.

Тажриба усули. Эшитиш орқали матнни тушуниш ўқиб тушунишга нисбатан секинроқ амалга ошади. Бу матнни ўқиш вақтида олдинги сўзларга қайтиш ва уларни доимий назарда тутиб туриш имкони мавжудлиги ҳисобига рўй беради. Матнни ўқишда кўз ҳаракатининг 15%и олдинги сўзларга қайтишга сарф бўлиши ҳамда матндаги периферик маълумотнинг ҳисобга олинishi (яъни кўз матндаги сўзларни кетма-кет қабул қилиб борар экан, айни вақтда маълум сўзни қабул қилиш билан бирга атрофдаги сўзларни ҳам ҳисобга олади-И.А.) психологик тажрибаларда исботланган⁷⁵.

Эшитиш орқали тушуниш секинроқ амалга ошганлиги учун матннинг реципиентлар эслаб қолган ва тушунган жиҳатларини қайд этиб бориш матннинг декодланиши қандай кечishi ҳақида батафсилроқ маълумот беради. Шунинг учун ҳам биз биринчи

⁷⁵ Carrol David W. Psychology of Language. -California, 1998. -P.93-94.

тажрибада газета матнларини ўқиб эшитиришни маъқул топдик. Мақола нейтрал оҳангда ўқиб эшиттирилди.

Тажриба икки бўлимдан иборат бўлди. Биринчи босқичнинг мақсади мазкур жараённинг бирликларини аниқлаш эди. Шунинг учун реципиентларга матн ўқиб эшиттирилгач, улардан матн ичидан эслаб қолган лисоний воситаларини қайд этиш сўралди. Қандай катталиқдаги лисоний воситани эслаб қолиш инсоннинг хотира имконияти билан боғлиқ. Бу имконият ҳар кимда турлича бўлади. Шунинг учун эслаб қолиниши ва қайд этилиши лозим бўлган лисоний воситаларга сўз, сўз бирикмаси ёхуд гап бўлиши керак, деган қатъий чегара қўйилмади.

Матнни қайта-қайта эшитишда эслаб қолиш самарадорлигининг қай тарзда ўсиб боришини ўрганиш перцепция жараёни ҳақида ёрқинроқ тасаввур беради. Шунинг учун реципиентларга матн уч марта ўқиб эшиттирилди.

Иккинчи бўлимда синалувчиларга матн асосида баён ёзиш кераклиги эълон қилиниб, матн яна бир марта ўқиб эшиттирилди. Реципиентлар матнни яна бир марта эшитиб, у асосда баён ёздилар.

Иккинчи тажрибада мақола синалувчиларга ўқиш учун берилди.

Тажриба материали: «Эътироф» мақоласи («Ўзбекистон овози» 2007 йил 15 декабрь 152 (27797)-сон, 1-бет). Мақола 131 та сўздан иборат бўлиб, шу жумладан, сарлавҳа ва 7 та гапни ўз ичига олади. Мақола матни:

Эътироф

Мамлакатимизда меҳмон бўлиб турган Индонезия Халқ вакиллари кенгаши Стикери Азунг Лаксоно раҳбарлигидаги делегация аъзолари Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети профессор-ўқитувчилари ва талабалари билан учрашди.

Тадбирда мамлакатимизда юқори малакали кадрлар тайёрлаш, ёшларнинг комил инсон бўлиб етишиши учун зарур шароит яратиш, олий таълим соҳасида халқаро ҳамкорликни кенгайтириш борасида амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотлар ўз самараларини бераётгани қайд этилди.

А.Лаксоно Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети фаолияти билан танишар экан, бу ердаги ўқув тизими-га, талабаларнинг пухта билим олиши учун яратилган қулай шарт-шароитга юксак баҳо берди.

- Мамлакатингизда бошқа жабҳалар қатори таълим соҳасига ҳам катта эътибор қаратилаётганининг гувоҳи бўлдик, - деди А.Лаксоно. - Индонезия Ўзбекистон билан шу тармоқдаги ҳамкорликни янада мустаҳкамлашдан манфаатдор. Юртингизга таширифимиз асосида гўзал ва қадимий Самарқанд шаҳрини зиёрат қилганимиздан ниҳоятда мамнунмиз. Меъморий обидалар, тарихий ёдгорликлар ва муқаддас қадамжолар бизда унутилмас таассурот қолдирди.

Мақоланинг мазмуний блоклари куйидагича:

1. Индонезия делегацияси Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университетида бўлди.

2. Индонезия Ўзбекистон билан олий таълим соҳасида ҳамкорлик қилишдан манфаатдор.

3. Делегация Самарқандни зиёрат қилди.

Тажриба иштирокчилари: 2007-2008 ўқув йили давомида Ўзбекистон Миллий университети Хорижий филология факультети 1-курс ўзбек гуруҳларида ўқиётган 88 та талаба.

Тажриба усули: Бу тажриба ҳам икки бўлимдан иборат бўлди. Аввал матн иштирокчиларга тарқатилиб, матнни ўқиб, тушуниб олиш кераклиги айтилди. Кейин матн иштирокчилардан йиғиб олинди ва улардан матн ичидан эслаб қолган лисоний воситаларини қайд этиш сўралди. Бу ўринда ҳам эслаб қолинадиган лисоний воситаларга чегара кўйилмади.

Иккинчи бўлимда эса матн яна синалувчиларга тарқатилди. Реципиентлар матнни ўқиб чиқиб, матн асосида баён ёзиб бердилар.

Биринчи бўлим перцептив бирликларни аниқлашга ёрдам берган бўлса, матнни тушунишда мазкур бирликларнинг аҳамияти тажрибанинг иккинчи бўлимида аниқланди.

Тажриба натижаларини таҳлил қилар эканмиз, матндан сўзларнинг қандай эслаб қолиниши ҳамда биринчи тажрибада

эслаб қолинган воситаларнинг қайта эшитиш жараёнларида ўзгариб боришига эътибор қаратдик. Бу ўзгаришларнинг якуни баёнлар матнида қандай акс этганини текширдик.

Қуйида дастлаб тажрибаларнинг биринчи бўлим натижалари ва иккинчи бўлим натижалари алоҳида-алоҳида рукнларда таҳлил қилинади. Рукнларнинг ичида биринчи ва иккинчи тажриба натижалари ҳам ажратиб берилади.

2.2.1. Матн мазмуний перцепциясида сўзларнинг эслаб қолиниши

Матнни эшитиб қабул қилишда сўзларнинг эслаб қолиниши. Тажрибанинг 1-бўлимида реципиентлар матнни эшитгач, матндан эслаб қолган сўзларини қайд этиши лозим эди.

Реципиентлар матнни уч бора тинглаш жараёнида энг кам 13та, энг кўп 48 та сўзни эслаб қолиб ёзганлар. Бироқ синалувчиларнинг 58таси асл матнда иштирок этмаган сўз ва сўз бирикмаларини эслаб қолган лисоний воситалари қаторида ёзиб қўйганлар.

Масалан, қуйидаги жадвалда 5-рақамли реципиентнинг матнни уч марта эшитиш давомида ёзган сўзлари берилган⁷⁶. Бу сўзларнинг ичида тагига чизиб кўрсатилган иккита сўз матнда мавжуд бўлмаган сўзлардир.

2.1-жадвал

I-5-рақамли реципиентнинг тажрибанинг биринчи босқичи давомида уч марта эшитишдан сўнг қайд этган сўзлари. Матн таркибида бўлмаган, аммо реципиент томонидан эслаб қолинган сўз сифатида ёзиб қўйилганлари ажратиб кўрсатилган.

⁷⁶ Тажриба материаллари паспортлаштирилиб, рақамлар билан белгиланган. Бу белгилар тажриба материалидан олинган мисолларни фарқлаш ва қиёслаш осон бўлиши учун мисоллардан сўнг қавс ичида берилади. Тажриба иштирокчиларининг рўйхати шу рақамлар билан иловада келтирилган (қар.: 142-145- бетлар). Бу боб бўйича иккита тажриба ўтказилган. Мисол қайси тажрибага тегишли эканлигини фарқлаш учун реципиентнинг тартиб рақамидан олдин рим рақами қўйилди.

1-эшитишдан сўнг	2-эшитишдан сўнг	3-эшитишдан сўнг
Малайзия Абдулла Орипов Директори Нуфузли олий ўқув юртларига Таклиф қилди Ўзбекистон Делегация Ўқитиш Ахборотлаштириш Тошкентда Агентлиги хамкорликни Муҳокама қилинди	Икки томонлама Бош вазири ўрин- босари Соҳа мутахассис- лари Бўлди Таъқидланди Ривожлантириш	Меҳмон Турган Алоқа Фикр Мулоқот Ташкил этишга оид Таълим соҳаси Ишбилармонлари Мамлакатимиз Бўлиб учрашувда

Бу сўзлар реципиентнинг ассоциациялари. Реципиентлар ўз онгида стимул матн таъсирида юзага келган ассоциацияларни эслаб қолган сўзлари билан адаштирганлар. Ассоциациялар куйидаги вазиятларда юзага келган:

1. Реципиент сўзнинг маъносини яхши тушунган, бироқ шаклини эслаб қола олмаган. Бу сўзга маъно ёки шакл жиҳатдан яқинроқ бўлган сўзларнинг парадигматик ассоциациялари ҳосил бўлган.

2. Реципиент матндан бирор сўз ё бирикмани эслаб қолган. Бироқ бу сўз иштирок этган гапни тўлиқ тушунмаган. Шунда эслаб қолинган сўз ё бирикма синтагматик ассоциацияларни ҳосил қилган.

3. Матндаги бирор сўз ё бирикмага боғлиқ бўлмаган, бироқ, одатда, публицистик услубда қўлланадиган сўзлар ҳам эслаб қолинган сўз сифатида ёзилган.

Реципиентлар қайд этган ассоциациялар куйидаги жадвалларда акс этган. Жадвалларнинг биринчи устунда стимул матнда мавжуд бўлган сўз келтирилади. Иккинчи устунда реципиент

томонидан эслаб қолинган сўз сифатида қайд этилган, бироқ аслида реципиентнинг ассоциацияси бўлган сўз берилади.

2.2-жадвал

Парадигматик ассоциациялар

Стимул матнда мавжуд сўз	Реципиентлар томонидан қайд этилган сўз ва тажриба материалнинг тартиб рақами
Учрашув	Келишув (I-41; I-20; I-49; I-44) Сухбат (I-54, I-40, I-47) Музокара (I-17, I-52, I-16, I-12) Мунозара (I-16) Анжуман (I-42)
Таълим	Фан (I-39, I-57) Ўқитиш (I-32) Тарбия (I-8)
Ташкил	Ташкилот (I-39)
Нуфузли	Обрўли (I-37) Кундузги (I-40)
Сармоя	Маблағ (I-36)
Олий ўқув юрти	Университет (I-36, I-28, I-25, I-23)
Меҳмон	Ташриф (I-61, I-41, I-35) Меҳмонхона (I-18)
Икки томонлама	Бир-бири билан (I-28) Ўзаро (I-16, I-57)
Вазир	Президент (I-28, I-46, I-27) Вазирлиги (I-9)
Ташкил этиш	Йўлга қўйиш (I-28, I-54)
Мамлакат	Давлат (I-28, I-42)
Мутахассислар	Талабалар (I-28) Ходимлар (I-47) Олим (I-48)
Алоқа	Муносабат (I-28, I-44)

Делегация	Расмий меҳмонлар (I-22) Бир гуруҳ меҳмонлар (I-13) Конференция (I-45)
Агентлиги	Ҳукукий департамент (I-8)
Директор	Раҳбар (I-38, I-42) Бошлиқ (I-47, I-49, I-12)
Телекоммуникация	Телевидение (I-54) Телекомпания (I-13)
Юзасидан	Тўғрисида (I-33, I-43) Бўйича (I-43)
Соҳа	Йўналиш (I-49)
Мулоқот чоғида	Сухбат сўнгида (I-37)
Мустаҳкамланиб	Яхшиланиб (I-45)
Малайзия	Чет эл (I-17, I-42, I-33)
Таъкидланди	Айтиб ўтилди (I-35, I-9) Кўрилди (I-23) Кўриб чиқилди (I-26, I-20, I-61) Тасдиқланди (I-49)
Таҳсил олиш	Ўқиш (I-40, I-41, I-23, I-15) Ўқитиш (I-17, I-27, I-9, I-5, I-7, I-39, I-54, I-49) Билим олиш (I-59)
Мутахассислар	Талабалар (I-20) Ёшлар (I-17, I-27, I-38, I-60, I-54, I-52, I-49, I-27) Ўқитувчилар (I-9) Ҳамкасблар (I-6)

2.3-жадвал

Синтагматик ассоциациялар

Стимул матида мавжуд сўз	Реципиентлар томонидан қайд этилган сўз ва тажриба материалнинг тартиб рақами
--------------------------	---

Юзасидан	Келишиб олинди (I-41, I-42, I-43) Шартнома тузилди (I-44, I-45) Шартнома имзоланди (I-46) Сухбат ўтказилди (I-47, I-48)
Малайзия делегацияси	Келди (I-49) Ташриф буюрмоқ (I-28, I-29, I-30, I-31, I-32, I-33, I-34) Таклиф қилинди (I-5)
Алоқалар	Ўрнатилмоқда (I-6)
Учрашув	Ўтди (I-54) Бўлиб ўтди (I-14, I-17, I-60)
Таълим	Тўғрисида (I-41) Олиш (I-11)
Технология	Компьютер технологияси (I-28)
Вазир	Вазирлар Маҳкамаси (I-26) Ташқи Ишлар Вазирлиги (I-60) Ташқи Ишлар Вазирлиги (I-52) Вазирлар Маҳкамаси раиси (I-11)
Сармоя	Киритиш (I-26)
Мутахассис	Малакали (I-48, I-9) Ихтисослашган (I-49)
Алоқа	воситаси (I-33)

Услуб асосида юзага келган ассоциациялар матннинг умумий контекстидан келиб чиққанлиги сабабли улар учун стимул бўлган алоҳида сўзни ё гапни белгилаб бўлмайди. Бу сўзлар, одатда, хабар мазмунидаги мақолаларда қўлланадиган сўзлардир:

- Муваффақиятли (I-26)
- Хузуридаги (I-24)
- Сайлов, дастур (I-23)
- Мустақил, халқаро (I-21)
- Ғоя, ижтимоий, иштирок (I-20)
- Шартнома (I-23)
- Каби (I-20)
- Маркази (I-16)
- Кескин, марказида (I-7)
- Лозим, жорий этиш (I-6)
- Мунтазам (I-59)
- Самарали (I-48)
- Расман (I-48)
- Савдо (I-24)

Матн реципиентларга уч марта ўқиб эшиттирилганлиги учун ҳар бир эшитишдан сўнг қайд этилган лисоний воситаларнинг «ўсиб» боришини кўриш мумкин. Юқорида айтиб ўтилган, тажриба иштирокчилари томонидан қайд этилган ассоциатив сўзлар ҳам кейинги эшитишлардан сўнг асл матндаги сўзларга яқинлаша борган. Масалан, I-37-рақамли реципиент дастлабки эшитишдан сўнг «обрўли олий ўқув юрти» деб ёзган, иккинчи эшитишда эса асл матндаги «нуфузли» сўзини қайд этган. I-35-рақамли реципиент эса биринчи эшитишдан сўнг «институтларда ўқитиш» бирикмасини ёзган бўлса, 2-эшитишдан сўнг асл матндаги каби «олий ўқув юртларида таҳсил олиш» бирикмасини қайд этган.

Реципиентлар дастлабки эшитишдан сўнг матннинг калит сўзларини кўпроқ эслаб қолганлар. Хусусан, 43 та реципиент биринчи эшитишдан сўнг «Малайзия» сўзини, 28таси «делегация» сўзини ёзганлар. Бу сўзлар матннинг асосий мазмунини белгиловчи сўзлар бўлиб, матн сарлавҳасида ҳам ифодаланган. Матнни қайта тинглашдан кейин реципиентлар матндаги бу сўзлар билан боғланган сўзларни эслаб қолишган. Масалан, I-34-рақамли ре-

ципиент 1-эшитишдан сўнг «Малайзия», «делегация» сўзларини ёзган бўлса, 2-эшитишдан сўнг «меҳмон» сўзини, 3-эшитишдан сўнг «ишбилармон», «таълим», «мутахассис» сўзларини ёзган. Асл матнда «ишбилармон», «таълим», «мутахассис» сўзлари «делегация» сўзининг аниқловчиси бўлган «Малайзия ишбилармонлари ва таълим соҳаси мутахассисларидан иборат» бирикма таркибида келган. I-25-рақамли реципиент биринчи эшитишдан кейин «Малайзия», «делегация» сўзларини эслаб қолган бўлса, кейинги эшитиш жараёнида «делегация» сўзига аниқловчи бўлиб келган «мамлакатимизда меҳмон бўлиб турган», «таълим соҳаси мутахассислари» бирикмаларини яхлит эслаб қолган.

Реципиентлар матнни 1-марта эшитганларидан сўнг эслаб қолган лисоний воситаларини қайд этдилар. Кейинги эшитишлар давомида улардан аввалги қайд этилган воситаларга тўхталмаслик сўралди. Бу шартга қатъий риоя қилган реципиентларда юқоридаги каби лисоний воситаларнинг «ўсиб бориши» кузатилмади. Масалан, 51-рақамли реципиент қайд этган сўзларига эътибор қаратамиз:

2.4-жадвал

Тажрибанинг 1-бўлимида I-51-рақамли реципиентнинг қайд этган сўзлари

1-эшитишдан сўнг	2-эшитишдан сўнг	3-эшитишдан сўнг
Малайзия Бош вазир Ўринбосар Директор Мутахассис Ўзбекистон А х б о р о т технология Фикр алмашдилар Абдулла Орипов Делегация	Агентлик Нуфузли Олий ўқув юртлари Таҳсил олиш Оид Масалалар Таълим соҳасидаги Ахборотлаштириш	Тошкент Сармоявий Меҳмон Учрашув Телекоммуникация Мамлакатларимиз Тобора Мустаҳкамланиб Республика Иборат

Бошқа реципиентлар дастлабки эшитишдан сўнг маълум сўзларни қайд этганлар, кейинги эшитишда ўша сўзлар иштирок этган бирикмаларни эслаб қолганлар.

Қуйидаги жадвалда мисол сифатида баъзи реципиентларнинг уч марта эшитишдан сўнг қайд этган воситалари келтирилган. Бунда биринчи босқичда сўзларнинг алоҳида-алоҳида эслаб қолинганлигини, иккинчи босқичда алоҳида сўзлар бирикмалар шаклида қайд этилганлигини, учинчи босқичда эса синтагмалар эслаб қолинганлигини кўришимиз мумкин. Жадвалдаги бўш қолган ўринлар қайта эшитишда мазкур лисоний восита қайд этилмаганлигини билдиради. Масалан, I-47-рақамли реципиент биринчи эшитишдан сўнг «меҳмон» сўзини бошқа сўзлар қаторида қайд этган, иккинчи эшитишдан сўнг «меҳмон бўлиб турган» бирикмасини бошқа сўзлар қаторида қайд этган. Учинчи эшитишдан сўнг бошқа сўз ва бирикмаларни қайд этган, «меҳмон» сўзига ёки унинг бирикмасига эса тўхталмаган. Бироқ баён ёзиш давомида бу бирикмадан фойдаланган:

2.5-жадвал

1-тажрибанинг 1-бўлими давомида баъзи реципиентларнинг қайд этган лисоний воситалари. Реципиентларнинг тартиб рақамлари жадвалнинг 1-устунида берилган

1-устун	2-устун	3-устун
1	2	3
4	5	6
7	8	9
10	11	12
13	14	15
16	17	18
19	20	21
22	23	24
25	26	27
28	29	30
31	32	33
34	35	36
37	38	39
40	41	42
43	44	45
46	47	48
49	50	51
52	53	54
55	56	57
58	59	60
61	62	63
64	65	66
67	68	69
70	71	72
73	74	75
76	77	78
79	80	81
82	83	84
85	86	87
88	89	90
91	92	93
94	95	96
97	98	99
100	101	102

№	1-эшитишдан сўнг реципиентлар эслаб қолган ва қайд этган лисоний воситалар	2-эшитишдан сўнг реципиентлар эслаб қолган ва қайд этган лисоний воситалар	3-эшитишдан сўнг реципиентлар эслаб қолган ва қайд этган лисоний воситалар
I-41	Ўзбекистон, Абдулла Орипов Малайзия	Республика Вазир Делегация	Ўзбекистон Республикаси Бош вазир ўринбосари Малайзия делегацияси
I-16	Абдулла Орипов Ўзбекистон	Бош директор Абдулла Орипов Ўзбекистон	Бош вазир, директори Ўзбекистон Республикаси
I-45	Малайзия Абдулла Орипов	вазир	Малайзия делегацияси Бош вазир ўринбосари
I-19	Малайзия делегацияси		Мамлакатимизда меҳмон бўлиб турган Малайзия меҳмонлари
I-46		Ўқув юртлари телекоммуникация	Олий ўқув юртлари Телекоммуникация технологиялари

I-11	Ахборот алоқа вазир		Алоқа ва ахборотлаштириш	Бош вазир ўрнибосари Билалмурод Маҳкамаси райиси ўринбосари
I-40	Абдулла Орипов билан		Абдулла Орипов билан суҳбатда	
I-8	Малайзия Ахборот телекоммуникация		Делегация	Малайзия ишбилармонлари Ахборот ва телекоммуникация технологиялари
I-9			Алоқа ва телекоммуникацияни ривожлантириш	Алоқа ва ахборотлаштириш директори
I-24	Алмашин		Фикр алмашин	
I-5			Соҳа мутахассислари	Таълим соҳаси
I-49	Ахборот Телекоммуникация		Ахборот ва телекоммуникация	
I-47	Меҳмон		Меҳмон бўлиб турган	
I-52	Агентлик Алоқа Ахборот		Алоқа ва ахборотлаштириш	

Реципиентларнинг қайдларида алоҳида сўзлардан ташқари сўзлар занжири ҳам мавжуд. Масалан, I-56-рақамли реципиент 1-эшитишдан сўнг «меҳмон бўлиб турган», «мулоқот чоғида»; 2-эшитишдан сўнг «мамлакатларимиз орасидаги»; 3-эшитишдан сўнг «алоқалар тобора мустақамланиб», «масалалар муҳокама қилинди» сўзлар занжирини ёзиб қўйган.

Инсоннинг перцептив қобилияти таъсир этаётган борликни фрагментларга бўлиб қабул қилишга асосланади. Бу бўлиниш маълум мезонлар асосида амалга ошади. Мезонлар лисоний воқиталарнинг хусусиятлари ва инсон онгининг ўзига хос жиҳатлари билан белгиланади. Матнни тинглаш жараёнида сўз лексик бирлик бўлгани учун, сўз бирикмаси семантик-функционал яхлитликка эгаллиги учун ажратилади. Сўзлар занжирининг ажратилиши кўпроқ унинг ритмик-мелодик хусусиятлардан келиб чиқади.

Таъриба материалларининг таҳлили реципиент айрим блоklarга тегишли сўзларни аввал, бошқа блокка тегишли сўзларни кейин қайд этганини кўрсатади, яъни 1-эшитишда маълум блокнинг сўзлари бошқаларига нисбатан кўпроқ эслаб қолинади, 2-эшитишда бошқа блокнинг сўзлари кўпроқ эслаб қолинади.

2.6-жадвал

Баъзи реципиентларнинг матнни уч марта эшитиш давомида асл матннинг блоklarидан эслаб қолган сўзларининг миқдори.

Реципиент- нинг тартиб рақами	1-эшитишдан сўнг блоklar бўйича эслаб қолинган сўзлар миқдори	2-эшитишдан сўнг блоklar бўйича эслаб қолинган сўзлар миқдори	3-эшитишдан сўнг блоklar бўйича эслаб қолинган сўзлар миқдори
I-7	1 блок-4 2 блок -1 3 блок -2	1 блок -3 2 блок -1 3 блок -7	1 блок -7 2 блок -1 3 блок -2

I-2	1 блок -7 2 блок -1 3 блок -4	1 блок -3 2 блок - 8 3 блок -4	1 блок-0 2 блок-1 3 блок-6
I-10	1 блок -4 2 блок -1 3 блок -1	1 блок -2 2 блок -5 3 блок -4	1 блок -9 2 блок -7 3 блок -11
I-29	1 блок -3 2 блок -3 3 блок -3	1 блок -7 2 блок -0 3 блок -2	1 блок -5 2 блок -4 3 блок -6

Масалан, I-39-рақамли реципиент 1-эшитишдан сўнг 1-блокка тегишли «делегация», «алоқа», 2-блокка тегишли «Абдулла Орипов», «сармоя», 2-эшитишдан сўнг 1-блокка тегишли «Ўзбекистон Республикаси», «Малайзия мутахассислари» бирикмаларини ҳамда 2-блокка тегишли «икки томонлама», 3-блокка тегишли «олий» сўзларни қайд этган. 3-эшитишдан сўнг 1-блокка тегишли «ишбилармон», «мамлакатимизда», «таълим соҳаси» сўзларини ва 3-блокка тегишли «телекоммуникация», «фикр», «ривожланди», «ҳамкорликда», «вазирлиги» сўзларини ёзган. I-29-рақамли реципиентда 1-эшитишдан сўнг, асосан, 2-блокка оид: «Абдулла Орипов», «Вазирлар Маҳкамаси», «ҳамкорлик», «учрашув», «фикр алмашишди», «ахборот технология», сўзлари қайд этилади. I-2-рақамли реципиентда 1-эшитишдан сўнг 1-блокдан 4-га (Малайзия, делегация, Ўзбекистон Республикаси, меҳмон бўлиб туришибди, ишбилармонлари) 2-блокдан иккита (Абдулла Орипов, фикр алмашишди), 3-блокдан иккита (мулоқот чоғида, юргимизда) сўз ва бирикмалар берилади. 2-эшитишдан сўнг, асосан 2- ва 3-блокларга тегишли сўзлар ёзилади (ахборот, бош директори, мамлакатларимиз орасидаги, агентлик, Бош вазир ўринбосари, телекоммуникация, сармояси). Бу мисоллар матн мазмуний блокларининг перцепция жараёнида ўз ўрни борлигини, яъни матн мазмунининг таркибий қисмлари сифатида ажратилишини билдиради.

Матнни ўқиб қабул қилишда сўзларнинг эслаб қолиниши. Иккинчи тажрибада реципиентлар 7-10 дақиқа давомида

матнни ўқиб чиққач, матн ичидан эслаб қолган лисоний воситаларини ёзиб бердилар. Реципиентлар энг кўп 54та, энг кам 14та сўзни эслаб қолганлар. Шунингдек, бу тажрибада ҳам 92 та ассоциатив сўз эслаб қолинган сўз сифатида қайд этилган.

2.7-жадвал

Парадигматик ассоциациялар

Стимул матнда мавжуд сўз	Реципиентлар томонидан қайд этилган сўз ва тажриба материалининг тартиб рақами
Халқаро ҳамкорлик	Чет элга чиқиш (II-3)
Шароитлар	Имкониятлар(II-3,II-37)
Талаба	Студент (II-1)
Университет	Институт (II-1, II-83)
Ярагилаётган	Олиб борилаётган (II-4)
Таълим	Маориф (II-5)
Зиёрат	Саёҳат (II-10, II-43)
Комил	Иқтидорли (II-11,II-18) Камол (II-12) Етук (II-15, II-16, II-16, II-29, II-48)
Жабҳалар	Жаҳонлар (II-13)
Манфаатдормиз	Тарафдормиз (II-13)
Мамнун	Хурсанд бўлмоқ (II-16, II-85,II-25, II-51)
Кадрлар	Мутахассис (II-25)
Профессор-ўқитувчи	Ассистент (II-32)
Халқ	Давлат (II-33)
Индонезия	Шарк (II-42) Тайланд (II-85)
Раҳбарлигида	Бошчилигида (II-45)

Обидалар	Иншоотлар (II-46)
Тадбир	Сухбат (II-47)
қатори	Ташқари (II-47)
Ҳамкорлик	Алоқа (II-51)
Ўқув тизими	Ўқиш жараёни (II-51)
Мамлакатимиз	Давлатимиз (II-51)
Самарқанд	Бухоро (II-59)
Қадамжо	Зиёратгоҳ (II-61)
Зиёрат қилганимиздан	Борганимизда (II-61)
Самара	Натижа (II-74)
Таълим	Педагогика (II-75)
Малакали	Даражали (II-83) Табақадаги (II-69)
Маданий	Меросий (II-48)
Спикери	Элчиси (II- 61)

2.8-жадвал

Синтагматик ассоциациялар

Стимул матнда мавжуд сўз	Реципиентлар томонидан қайд этилган сўз ва тажриба материалнинг тартиб рақами
Ташриф	Буюришди (II-3, II-12, II-32, II-33, II-48, II-58, II-65, II-77)
Ислохотлар	Ислох қилиш (II-11)
Юртингизда	Сизларнинг (II-13)
Соҳада	Шу (II-18)
Шароитлар	Яшаш (II-18)
Пухта	Тайёргарлик кўриш (II-24, II-34)

Шарт-шароит	Етарли (II-24)
Иқтисодиёти	Фан (II-36)
Тадбир	Ўтказилган (II-36) Ўтказилди (II-47)
Таассурот	Олиш (II-25)
Комил инсон	Тарбиялаш (II-28)
Мамнун	Бўлиш (II-33, II-47)
Ҳамкорлик	қилмоқ (II-42, II-43, II-45)

Услуб асосида қуйидаги сўзлар ассоциация сифатида юзага келган:

- Истикболда (II-14)
- Махсус (II-15)
- Мумкин бўлди (II-32)
- Масалалар кўриб чиқилди (II-42)
- Келажак авлодга (II-47)
- Томондан (II-46)
- Буюк келажак (II-73).

Мазкур тажрибада ассоциатив сўзларнинг қайд этилиши 67 иштирокчида кузатилди. Синалувчиларнинг 21таси эса матндаги сўз ва бирикмаларни айнан эслаб қолганлар.

Реципиентларнинг 52таси матндаги атоқли от *Агунг Лаксона* ни хато қайд этганлар. Улар бу исмни 13 хил шаклда ёзганлар. Қуйида ҳар бир хато шаклнинг нечта реципиент томонидан қайд этилганини берамиз.

1. Лаксано –22
2. Лаксона –7
3. Локсона –6
4. Ласкано –4
5. Ласконо –2
6. Локсо - 1
7. Локано - 1
8. Лакано - 1
9. Лангуа- 1

10. Лакон- 1
11. Лакасо- 1
12. Лонго- 1
13. Лаксаго- 1
14. Луконо –1
15. Лансано –1
16. Лаксанно-1

Исмнинг *Агунг* қисми кўпчилик реципиентлар томонидан тўғри қайд этилган бўлса-да, *Агоно*, *Анунг*, *Агург*, *Агунг*, *Акуанд*, *Аганг*, *Агонг*, *Ангери*, *Аюнг*, *Аагунг* шакллари ҳам реципиентларнинг қайдларидан ўрин олган.

87-рақамли реципиент баённинг 4 жойида бу исмни 4 хил шаклда қўлланган: Локсано, Локсона, Лаксона, Лаксоно.

Бу исм ўзбекзабон ўқувчи учун нотаниш, шунингдек, бу сўз фонемаларининг комбинацияси ҳам ўқувчилар учун ноодатий шаклда. Шунинг учун ҳам перцепция жараёнида сўз яхлит сақланмаган.

Реципиентлар томонидан асл матндаги айрим сўзлар, сўз шакллари, сўз бирикмалари ва сўзлар занжири эслаб қолинган. Улар сирасида *Индонезия*, *мамлакатимизда*, *меҳмон*, *делегация*, *Самарқанд* сўзлари, *халқ вакиллари*, *комил инсон*, *малакали кадрлар* бирикмалари қайд этилган.

Шунингдек, асл матнда бошқа-бошқа ўринларда иштирок этган сўзларни бир-бири билан боғлаб, асл матндан эслаб қолинган бирикма сифатида ёзиб қўйганлар. Масалан, асл матнда *меъморий обидалар*, *тарихий ёдгорликлар*, *муқаддас қадамжолар* бирикмалари мавжуд. 1та реципиент *тарихий обидалар* бирикмасини, 2та реципиент *меъморий ёдгорликлар* бирикмасини матндан эслаб қолган бирикмалари ичида келтирган.

2.9-жадвал

Матнни ўқиб қабул қилишда реципиентлар томонидан матнда мавжуд сўзларнинг бирикма сифатида қайд этилиши

Матнда мавжуд бирикма	Реципиент қайд этган бирикма
Меъморий обидалар қадимий Самарқанд	қадимий обидалар (II-25)
Меъморий обидалар тарихий ёдгорликлар	меъморий ёдгорликлар (II-26, II-36) Тарихий обидалар (II-28, II-32, II-35, II-36, II-40, II-42, II-51, II-54, II-61, II-20)
Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети халқаро ҳамкорлик	Жаҳон ҳамкорлиги (II-28, II-31)
олий таълим соҳаси ўқув тизими	Олий таълим тизими (II-31)
тарихий ёдгорликлар муқаддас қадамжолар	Тарихий қадамжолар (II-32)
ёшлар юқори малакали кадрлар тайёрлаш	Ёш кадрлар тайёрлаш (II-32)
пухта билим олиш юқори малакали кадрлар тайёрлаш	Пухта кадрлар тайёрлаш (II-36)
таълим соҳасида бошқа жабҳалар	Таълим жабҳасида (II-38)
таълим соҳаси халқаро ҳамкорликни кенгайтириш	Таълим соҳасини кенгайтириш (II-46)
зарур шароит юксак баҳо	Юксак шароитлар (II-55)
гўзал ва қадимий Самарқанд муқаддас қадамжолар	Гўзал қадамжо Самарқанд (II-65)
қадимий Самарқанд тарихий ёдгорликлар	Қадимий ёдгорликлар (II-4, II-5)

Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети бирикмасини 27та реципиент яхлит шаклда қайд этган. Шу билан бирга *Жаҳон иқтисодиёти* алоҳида, *дипломатия университети* алоҳида шаклда ёзилган ҳолатлар ҳам мавжуд.

Юқорида айтиб ўтилганидек, реципиентларнинг қайдларида сўзлар кетма-кетлиги мавжуд. Улар кўпроқ матннинг биринчи гапига тегишли:

Мамлакатимизда меҳмон бўлиб турган Индонезия Халқ вакиллари кенгаши Спикери Азунг Лаксоно раҳбарлигидаги делегация аъзолари (II-5)

Мамлакатимизда меҳмон бўлиб турган (II-7, II-8, II-9, II-30, II-39, II-57)

Мамлакатимизда меҳмон бўлиб турган Индонезия (II-10, II-52, II-67)

Мамлакатимизда меҳмон бўлиб турган Индонезия Халқ (II-79, II-85)

Индонезия Халқ вакиллари кенгаши Спикери Азунг Лаксоно раҳбарлигидаги делегация (II-26)

Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети профессор-ўқитувчилари ва талабалари билан учрашди (II-79)

профессор-ўқитувчилари ва талабалари билан учрашди (II-10)

профессор-ўқитувчилари ва талабалари (II-14)

ва талабалари билан учрашди (II-9, II-21, II-57, II-64, II-65, II-66)

ўқитувчилари ва талабалари билан учрашди (II-5)

Сўзлар занжирининг эслаб қолиниши тушунишдан кўра кўпроқ ёдлаб қолиш билан боғлиқ. Узун кетма-кетликнинг кўпи матннинг I-гапига тегишли эканлиги ҳам шундан далолат беради.

2.2.2. Баёнларда стимул матн таркибий

элементларининг қўлланиши

Матнни эшитиб қабул қилганда ёзилган баёнларнинг таҳлили. Тажрибанинг иккинчи бўлимида матн асосида баён ёзиш кераклиги эълон қилиниб, матн синалувчиларга яна бир марта ўқиб эшиттирилди.

Реципиентлардан олинган баёнлар икки мақсадда таҳлил қилинди. Биринчиси, матнни тўртинчи марта эшитишдан сўнг аввалги уч марта эшитиш вақтида кузатилган лисоний воситаларнинг «ўсиб» бориши қандай давом этади. Иккинчиси, стимул матннинг тушунилган ё тушунилмаганлигини таҳлил қилиш. Баён- бу реципиент онгида ҳосил бўлган проекция, яъни перцепция жараёнининг якуний маҳсули. Баёнларни таҳлил қилиб, стимул матннинг реципиентлар томонидан қандай тушунилганлигини билиш мумкин.

Биринчи мақсад асосида биз баёнларда стимул матндан ўзгаришсиз такрорланган қисмларни ажратиб олдик. Н.И.Жинкин «Гап ичидаги грамматик бутунлик нутқий шаклларнинг бинарлик қоидалари натижасида ҳосил бўлади. Аммо айнан шу ҳолат гапларнинг орасида узилишга олиб келади. Бу каби узилишларни ёриқ (скважина)лар деб, номлаш мумкин», -деб ёзади⁷⁷. Гаплар ўта узун бўлган ҳолатда бу каби ёриқларни гап ичида ҳам кузатиш мумкин. Стимул матндаги гаплар узун (18-25та сўздан иборат) бўлганлиги сабаб реципиентлар бирорта гапни яхлит эслаб қолмаганлар. Айрим гапларнинг боши, ўртаси ё охиридаги қисмлари эслаб қолиниб, гапнинг мазмунан тугаллигини таъминлаш учун реципиентлар ўз сўзларидан фойдаланганлар. Масалан, I-62, I-4, I-9, I-20, I-3, I-10 – рақамли реципиентларда асл матндаги I-гапнинг бошидаги «Мамлакатимизда меҳмон бўлиб турган Малайзия» сўзлар занжири баёнларда айнан келтирилган ва гапнинг давоми ҳар бир реципиент томонидан мустақил танланган воситалар билан якунланган:

⁷⁷ Жинкин Н.И. Речь как проводник информации. -М., 1982. -С.78.

2.10-жадвал

Реципиентларнинг баёнида асл матн элементларининг қўлланиши (асл матндаги биринчи гап мисолида)

Асл матндаги гап	Реципиент баёнидан олинган гап	
<p>Мамлакатимизда меҳмон бўлиб турган Малайзия ишбилармонлари ва таълим соҳаси мутахассисларидан иборат делегация Ўзбекистон Республикаси Алоқа ва ахборотлаштириш агентлигида бўлди.</p>	<p>Реципиент баёнидан олинган гапнинг асл матн билан бир хил бўлган қисми</p>	<p>Реципиент баёнидан олинган гапнинг асл матндан фарқ қилувчи қисми</p>
	<p>Мамлакатимизда меҳмон бўлиб турган Малайзия</p>	<p>ахборот-технологиялаштириш делегацияси Республика бош вазир ўринбосари Абдулла Орипов билан учрашди. (I-62)</p>
	<p>Мамлакатимизда меҳмон бўлиб турган Малайзия</p>	<p>делегацияси ишбилармон ва таълим тўғрисидаги масалаларни кўриб чиқди. (I-4) делегацияси Тошкентда ахборот ва телекоммуникацияси агентлиги директори ва республика бош вазир ўринбосари Абдулла Орипов билан учрашди. (I-9)</p>

54

<p>Мамлакатимизда меҳмон бўлиб турган Малайзия ишбилармонлари ва таълим соҳаси мутахассисларидан иборат делегация Ўзбекистон Республикаси Алоқа ва ахборотлаштириш агентлигида бўлди.</p>	<p>Мамлакатимизда меҳмон бўлиб турган Малайзия</p>	<p>делегацияси аъзолари ва таълим соҳасидаги ишбилармонлар Ўзбекистон Республикаси ахборотлаштириш ва телекоммуникация агентлиги бош директори Ўзбекистон Республикаси бош вазир ўринбосари Абдулла Орипов билан сармовявий келишув ҳақида музокара олиб борди. (I-20)</p>
		<p>делегация ишбилармонлари билан бўлиб ўтган мулоқотда шу нарса маълум бўлдики, алоқа делегация билан фикр алмашди. (I-3) таълим йўналишидаги ишбилармонлари бош вазир ўринбосари, директор Абдулла Орипов билан учрашди. (I-10)</p>
		<p>делегацияси ахборот ва телекоммуникация агентлигида бўлди. (I-47)</p>

55

Матндаги 19 та сўздан иборат биринчи гап («Мамлакатимизда меҳмон бўлиб турган Малайзия ишбилармонлари ва таълим соҳаси мутахассисларидан иборат делегация Ўзбекистон Республикаси алоқа ва ахборотлаштириш агентлигида бўлди») баёнларда қуйидагича воқе бўлган:

Мамлакатимизда меҳмон бўлиб турган (I-44)

Мамлакатимизда меҳмон бўлиб турган Малайзия (I-20, I-22, I-17, I-10, I-3, I-4, I-9, I-47, I-62, I-45, I-49)

Мамлакатимизда меҳмон бўлиб турган Малайзия ишбилармонлари (I-7, I-52)

Мамлакатимизда меҳмон бўлиб турган Малайзия ишбилармонлари ва (I-19)

Мамлакатимизда меҳмон бўлиб турган Малайзия ишбилармонлари ва таълим соҳаси (I-50, I-55, I-57)

Мамлакатимизда меҳмон бўлиб турган Малайзия ишбилармонлари ва таълим соҳаси мутахассислари (I-25)

Мамлакатимизда меҳмон бўлиб турган Малайзия ишбилармонлари ва таълим соҳаси мутахассисларидан иборат делегация Ўзбекистон Республикаси Алоқа ва ахборотлаштириш (I-6, I-17).

Мазкур мисолларда стимул матндаги гап бошидан бошлаб тўртта, олтита, саккизта, тўққизта, ўн еттита сўзгача эслаб қолинган.

Қуйидаги мисолларда эса гапнинг бошидаги баъзи сўзлар тушириб қолдирилган ҳолда эслаб қолинган:

Малайзия ишбилармонлари ва таълим соҳаси (I-44)

Малайзия шибилармонлариватаълим соҳасимутахассислари (I-5, I-32)

Малайзия шибилармонлари ва таълим соҳаси мутахассисларидан иборат делегация (I-39, I-11)

Ўзбекистон Республикаси алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги(I-31)

Ўзбекистон Республикаси алоқа ва ахборотлаштириш (I-5, I-60).

Бу сўзлар занжири ҳам реципиентларнинг баёнларида гапнинг боши сифатида келган. Масалан, 31-рақамли реципиент баёнда «*Ўзбекистон Республикаси алоқа ва ахборотлаштириш агентлигида малакали шибилармонлар ва мутахассислар меҳмон бўлди*», -деб ёзган. Стимул матндаги гапнинг охиридаги сўзларни айрим реципиентлар эслаб қолганлар ва ўз баёнларида фойдаланганлар:

агентлигида бўлди (I-2, I-41)

Алоқа ва ахборотлаштириш агентлигида бўлди (I-8).

Худди шу каби ҳолатларни матннинг қолган гапларида ҳам кузатишимиз мумкин.

Сўзлар занжирининг матн ичидан қандай ажратиб олиниши реципиентларнинг хотирасига ва матннинг ритмик-мелодик структурасига боғлиқ. Кўпроқ реципиентлар томонидан эслаб қолинган сўзлар занжири асл матндаги яхлит синтагмаларга ёки синтагманинг бошидаги сўзларга тўғри келади.

2.11-жадвал

Реципиентлар томонидан яхлит эслаб қолинган ҳамда реципиентларнинг баёнларида қўлланган сўзлар занжирининг статистикаси

Реципиентлар томонидан яхлит эслаб қолинган сўзлар занжири	Реципиентларнинг сони
Малайзиянинг нуфузли олий ўқув юртларида	11
Мамлакатимизда меҳмон бўлиб турган Малайзия	11

Абдулла Орипов билан учрашув	7
Алоқа ва ахборотлаштириш	5
Ўзбекистон Республикаси Бош вазири	4
Мамлакатимизда меҳмон бўлиб турган Малайзия ишбилармонлари ва таълим соҳаси	3
Абдулла Орипов билан	2
Малайзия ишбилармонлари ва таълим соҳаси мутахассисларидан иборат делегация	2
Малайзия ишбилармонлари ва таълим соҳаси мутахассислари	2
Ўзбекистон Республикаси алоқа ва ахборотлаштириш	2
агентлигида бўлди	2
Ўзбекистон Республикаси бош вазири ўринбосари, алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги директори Абдулла Орипов	2
директори Абдулла Орипов	2
Бош директори Абдулла Орипов билан	2
мамлакатларимиз ўртасидаги алоқа	2
Малайзиянинг нуфузли олий ўқув юрларида таҳсил олиш	2

Мазкур жадвалдаги «Малайзиянинг нуфузли олий ўқув юрларида», «Абдулла Орипов билан учрашув» асл матндаги яхлит синтагмалар; «Алоқа ва ахборотлаштириш», «Ўзбекистон Республикаси Бош вазири» асл матндаги синтагмаларнинг боши, «Мамлакатимизда меҳмон бўлиб турган Малайзия» кетма-кетлигида мамлакатимизда меҳмон бўлиб турган 1-синтагма, Малайзия иккинчи синтагманинг биринчи сўзидир.

Ҳар бир синтагма икки томонлама пауза билан ажратилар экан, реципиентда матннинг шу қисмини англаш учун вақт нисбатан кўпроқ бўлади. Шунингдек, ҳар бир синтагманинг янги урғу билан бошланиши реципиентнинг эшитиш аъзоларига кучлироқ таъсир қилади ва реципиент диққатининг жамланишига сабаб бўлади. Синтагмаларнинг нисбатан кўпроқ реципиентлар томонидан эслаб қолинишини шу билан тушунтириш мумкин.

Матннинг қандай тушунилганлигини таҳлил этишда биз баёнларда стимул матн блокларининг қанчалик ифодалангани ва баён матннинг когерентлигига асосландик. Тажрибада иштирок этганларнинг 4таси матннинг мазмунини яхши тушунган ва шу мазмунни айрим трансформациялар билан баёнда тўлиқ ифодалай олган. Баёнларнинг матнни тушунишга кўра таҳлили хусусида кейинроқ, мазмуний перцепциянинг даражалари хусусида сўз юритганимизда, батафсилроқ тўталамиз⁷⁸.

Матнни ўқиб қабул қилганда ёзилган баёнлар таҳлили

Иккинчи тажрибанинг иккинчи босқичида реципиентлар матнни яна бир марта ўқиб чиқиб, у асосида баён ёздилар.

Бу баёнлардан ҳам биз матннинг ўзгаришсиз такрорланган қисмларини ажратиб олдик. Баёнларда асл матн блокларини акс этишини таҳлил қилдик.

«Эътироф» мақоласининг биринчи гапида бош бўлақлар, *эга-делегация аъзолари*; *кесим-учрашди*. Гапда эгадан олдин 12 та сўз бор (*Мамлакатимизда меҳмон бўлиб турган Индонезия Халқ вакиллари кенгаши Спикери Агунг Лаксоно раҳбарлигидаги*). Шундан 5таси (*Мамлакатимизда меҳмон бўлиб турган, раҳбарлигидаги*) эганинг таркибий қисми бўлган *делегация сўзининг аниқловчиси*. Қолган 7та сўз (*Индонезия Халқ вакиллари кенгаши Спикери Агунг Лаксоно*) эганинг аниқловчиси бўлган *раҳбарлигидаги сўзининг аниқловчиси* бўлиб келган. Бу ҳолат гап бўлақлари ичида информативлик нуктаи назаридан номутаносибликни келтириб чиқарган. Шунинг учун ҳам реципиентларнинг ярмидан кўпи гапни нотўғри тушунган. Улардан 41таси *Агунг Лаксоно* ни гапнинг эгаси сифатида қабул қилган. Хусу-

⁷⁸ Қар.: Диссертациямизнинг 72-78 бетлари.

сан, II-21-рақамли реципиент баёнда буни шундай ифодалаган: *«Мамлакатимизга ташириф буюрган делегация аъзоларидан бири Индонезия Халқ вакиллари Спикери Агунг Лаксоно дипломатия профессор-ўқитувчилари билан учрашди».*

Шунингдек, олгита реципиент *«учрашув Агунг Лаксоно раҳбарлигида ўтди»*, - деб тушунган. Иккита реципиент гапни умуман тушунмаган.

Реципиентларнинг 39таси бу гапни тўғри тушунган ва баёнларида тўғри ифодалай олган.

Баёнларда матндаги сўзлар кетма-кетлигини баъзан айнан кўрамыз. Олдинги тажрибада энг узун кетма-кетлик 16 сўздан иборат бўлган эди, бу тажрибада 10-рақамли реципиент 37та сўзни (асл матннинг 1-гапни тўлиқ ва иккинчи гапнинг бошидан 12 та сўзни) асл матндаги билан айнан шаклда баёнида қўллаган.

Реципиентларнинг 7таси асл матннинг 1-гапни тўлиқ эслаб қолган. Улардан бтаси 2-гапнинг бошидан ҳам айрим сўзларни эслаб қолган. Қуйида реципиентларнинг баёнларидан олинган 1-ва 2- гапни келтирамыз. Тўқ ҳарфлар билан берилган қисм асл матндан айнан такрорланган:

1. Мамлакатимизда меҳмон бўлиб турган Индонезия Халқ вакиллари кенгаши Спикери Агунг Лаксоно раҳбарлигидаги делегация аъзолари Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети профессор-ўқитувчилари ва талабалари билан учрашди.

Тадбирда мамлакатимизда юқори малакали кадрлар тайёрлаш, ёшларнинг комил инсон бўлиб етишиши учун қулай шарт-шароитлар яратилганлиги ўз самарасини бераётгани таъкидланди. (II-10)

2. Мамлакатимизда меҳмон бўлиб турган Индонезия Халқ вакиллари кенгаши Спикери Агунг Лаксоно раҳбарлигидаги делегация аъзолари Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети профессор-ўқитувчилари ва талабалари билан учрашди.

Тадбирда мамлакатимизда юқори малакали кадрлар тайёрлаш, ёшларнинг комил инсон бўлиб тарбиялаш учун

шарт-шароитлар яратили, олий таълим соҳасида халқаро ҳамкорликда кенгайтирилиш амалга оширилган ислоҳотлар ўтказилди. (II-9)

3. Мамлакатимизда меҳмон бўлиб турган Индонезия Халқ вакиллари кенгаши Спикери Агунг Лаксоно раҳбарлигидаги делегация аъзолари Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети профессор-ўқитувчилари ва талабалари билан учрашди.

Тадбирда мамлакатимизда юқори кадрлар тайёрлаш, талабаларни камил инсон қилиб етиштирилиш яратилган шароитлар юқори баҳоланди. (II-14)

4. Мамлакатимизда меҳмон бўлиб турган Индонезия Халқ вакиллари кенгаши Спикери Агунг Лаксоно раҳбарлигидаги делегация аъзолари Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети профессор-ўқитувчилари ва талабалари билан учрашди.

Тадбирда мамлакатимизда малакали кадрлар тайёрлаш, камил инсон етиштирилиш учун зарур шароитлар яратилиш кўриб чиқилди. (II-27)

5. Мамлакатимизда меҳмон бўлиб турган Индонезия Халқ вакиллари кенгаши Спикери Агунг Лаксоно раҳбарлигидаги делегация аъзолари Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети профессор-ўқитувчилари ва талабалари билан учрашди.

Тадбирда мамлакатимизда юқори кадрлар тайёрлаш ва камил инсон қилиб етиштирилиш учун яратилган шароитлар ҳам қайд этилди. (II-29)

6. Мамлакатимизда меҳмон бўлиб турган Индонезия Халқ вакиллари кенгаши Спикери Агунг Лаксоно раҳбарлигидаги делегация аъзолари Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети профессор-ўқитувчилари ва талабалари билан учрашди.

Тадбирда мамлакатимизда юқори малакали кадрлар тайёрлаш, ёшларнинг комил инсон бўлиши учун ҳамма шароитлар борлиги. (II-7)

Бундай узун ифоданинг эслаб қолинганлиги яхши тушунганликни билдирмайди. Юқоридаги мисолларда фақат 1-ўринда келтирилган, 10-рақамли реципиентга тегишли гап тўғри тузилган. Қолган мисолларнинг барчасида 2-гапни яқунлашда хатога йўл қўйилган. Ифоданинг ўта узунлиги перцепцияда грамматик конструкциянинг ҳал қилинишида қийинчилик уйғотади ва бу, одатда, гапни ёдлаб қолишга бўлган ҳаракатни юзага келтиради.

Баёнларда такрорланган сўзлар занжирининг энг кўпи матннинг 1-гапига тўғри келади. 1-гаптаги *Мамлакатимизда меҳмон бўлиб турган Индонезия Халқ вакиллари қисми* 13та реципиент томонидан, *Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети профессор-ўқитувчилари ва талабалари билан учрашди* қисми эса 11та реципиент томонидан баёнда айнан қўлланган.

Мазкур тажрибалар таҳлили асосида биз матн перцепциясининг даражалари ва бу даражаларда birlik сифатида юзага чиқадиган лисоний воситалар ҳақида сўз юритамиз. Матн перцепциясининг айнан даражаларга бўлиниши унинг ўзига хослигини белгилайди. Агар битта фонеманинг қабул қилиниши ҳақида сўз кетса, бу жараёни босқичларга бўлиб тадқиқ этиш мумкин. Аммо гап матн, яъни рецепторларга таъсир этаётган фонемалар оқими ёки ҳарфлар мажмуи ҳақида борар экан, бунда ҳар бир фонеманинг қабул қилиниб, қисқа вақтли хотирада сақланиши ва параллел равишда узоқ вақтли хотирадан унга айн шаклнинг қидириб топилиши ҳамда унга юкланган маъно ҳақида хулоса қилиниши каби бир қатор ақлий функцияларнинг амалга оширилишини назарда тутиш лозим.

2.3. Газета матни перцепцияси даражалари

Мазкур бобнинг бошида матний перцепциянинг ўрганилишига оид ишларга тўхталган эдик. Қуйида матний перцепция даражаларининг ажратилишига бағишланган ишларга эътибор қаратамиз.

Матний перцепция жараёни турли йўналишлар томонидан моделлаштирилган.

Психология тилнинг қабул қилинишини инсоннинг бошқа перцептив фаолиятлари қаторида ўрганати ва асосан, тилнинг қабул қилиниши улардан нимаси билан фарқ қилишига эътибор қаратади. Перцепция даражалари ҳам шулар асосида ажратилади. Масалан, Н.И.Жинкин мазмуний перцепция жараёнида нутқий сигнални сенсор-перцептив қайта ишлашнинг 7та даражасини фарқлайди. Биринчи даражада синтетик-акустик образ таҳлил қилинади ва тартибланади. Иккинчи даражада белгилар ажратилади ва гап ҳақида хулоса қилингунича хотирада ушлаб турилади. Учинчи даражада фарқли белгиларни ажратиш асосида сўзнинг дастлабки синтези амалга оширилади. Тўртинчи даражада сўз тўлиқ синтез қилинади. Бешинчи даражада сўзнинг маълум гапга мансублигини белгиловчи жиҳатларининг синтези амалга оширилади. Олтинчи даражада тўлиқ хабарнинг мазмунини аниқ белгилаш мақсадида анализ ва синтез қайтадан амалга оширилади. Еттинчи даражада мазмун тушунилади ва у маълум шаклда сақлаб турилади⁷⁹.

Айнан матннинг мазмуний перцепциясини Т.А.Дроздова тажрибавий тадқиқ этиб, 3 та асосий даража ҳамда уларнинг таркибида 8та ички даражани ажратди. Даражалар тахмин, субъектив баҳо, диққат, хулоса, аргументация каби психологик тушунчалар асосида белгиланган⁸⁰.

Когнитив психология вакиллари дискурсниинг тушунилишида 5та даражани фарқлайдилар:

- а) ташқи код даражаси;
- б) матний база даражаси;
- в) вазият базаси даражаси;
- г) коммуникация даражаси;
- д) матн жанри даражаси⁸¹.

⁷⁹ Жинкин Н.И. Механизмы речи. -М., 1958. -С.117-124.

⁸⁰ Дроздова Т. А. Психологические особенности понимания текста как процесса// Психологические механизмы порождения и восприятия текста. Сборник научнўх трудов. МГИИЯ Вып. 23. -М., 1985. -С.111

⁸¹ Grasser A.C., Millis K.K. and Zwaan R.A. Discourse comprehension. Psychology. 1997. 48: -P.167-169

Т.А. ван Дейк тил қўлланишининг когнитив назарияси бўйича амалга оширган бир тадқиқотида Ливан президентлигига номзод В.Жмайелнинг ўлдирилиши ҳақидаги 700 та хабарни 100 та давлатда чикувчи 250 газета мисолида ўрганиб чиқади. «Банкок пост» газетасида (1982 йил, 18 сентябрь) босилган хабарни структур жиҳатдан таҳлил этади. Олим газета матнини тушунишнинг бта даражасини ажратади. Тушуниш жараёнида матнинг мазмуний структураси ўқувчи томонидан қандай қайта ишланишига эътибор қаратади⁸².

Т.А. Аполлонская, Е.В. Глейбман, И.З. Манולי хабар қабул қилинишининг 3та асосий даражасини белгилайдилар:

- вербал-синтагматик даража;
- десигнатив даража;
- денотатив даража.

Вербал-синтагматик даража ўз навбатида фонетик (график) даража, лексик-морфологик даража ва синтактик даражаларга бўлинади. Десигнатив даража эса операционал-десигнатив даража ва бошқарувчи даражаларга бўлинади⁸³.

Колин М. Браун, П.Хагурт, М.Кутас куйидаги даражаларни фарқлайдилар:

- а) сигнални бошқа сигналлардан фаркли ўлароқ нуткий сигнал сифатида англаш;
- б) сигналнинг таркибий қисмларга сегментацияси;
- в) сегментация қилиш жараёнининг маҳсулига асосланган ҳолда ментал лексиконга чиқиш (доступ);
- г) лексикондан мос сўзни танлаш;
- д) охириги сўзни ҳисобга олган ҳолда гап учун мос грамматик структурани тузиш;
- е) гап таркибидаги сўзлар ўртасида семантик алоқани ўрнатиш⁸⁴.

⁸² Ван Дейк Т.А. Структура новостей в прессе// Язык. Познание. Коммуникация. -М., 1989. -С.252-253

⁸³ Аполлонская Т.А., Глейбман Е.В., Манולי И.З. Порождающие и распознающие механизмы функциональной грамматики. -Кишинёв, 1987. -С.42-47.

⁸⁴ Brown Colin M., Hagoort P., Kutas M. Postlexical Integration Processes in Language Comprehension: Evidence from Brain- Imaging research // The New Cognitive Neurosciences. Ed. Michael S. Gazzaniga. Massachusetts Institute of

Биз матний перцепциянинг даражаларини ажратишда юкорида қайд этилган моделларга ва тажрибамиз материалларига таяндик.

Когнитив моделларда матн специфик, асосий объект сифатида олинган бўлса, психологик моделларда инсон объект сифатида олинади, психоллингвистик моделларда матн нутқий оқим сифатида қаралади.

Биз маттни алоҳида бирлик сифатида олиб, перцепция жараёнида унинг қандай парчаланиши, матн қандай бирликлардан бошлаб қабул қилиниши ва яхлит матн тушунилгунга қадар бирликлар қандай ўзгариб боришига эътибор қаратдик. Тажриба материаллари перцепциянинг куйидаги даражаларини ўзида намоён этади:

а) стимул (ёки таъсир этувчи) матндаги лисоний факторлар (сема, услуб, шакл) асосида ассоциацияларнинг юзага келиши;

б) ассоциацияларнинг матнга хос сўзлар билан алмашилиши ёки матндаги сўзларнинг айнан эслаб қолиниши;

в) эслаб қолинган сўзларнинг контекстуал маъноларининг конкретлашиши, хусусан, сўзларнинг бирикмалар, бирикмаларнинг синтагмалар даражасига чиқиши;

г) стимул матнга хос мазмуний структуранинг шаклланиши;

д) яхлит матн проекциясининг ҳосил бўлиши.

Бу даражаларни муайян кетма-кетликда қатъий амалга ошадди, деб бўлмайди. Битта матннинг перцепцияси давомида бу даражаларнинг ҳаммаси ишлаши мумкин, худди шунингдек, перцепция жараёни буларнинг айримлари билан чегараланиши ҳам мумкин. Бу даражалар умумий перцепция жараёнининг тенг ҳуқуқли ташкил этувчиларидир. Нутқий вазият, реципиентнинг перцептив қобилияти, тафаккури билан боғлиқ ҳолда бу даражаларнинг улуши ўзгариши мумкин.

Дастлабки даражада реципиент онгида ассоциациялар юзага келади. Ассоциацияларнинг юзага келишини перцепциядаги «бўшлик»ларни тўлдиришга уриниш сифатида характерлаш мумкин. Бу «бўшлик»лар ташқи таъсирнинг натижаси (масалан, шовқин) ёки реципиент онгидаги чекланишлар (масалан,

диққатнинг бўлиниши, таассуб, перцептив қобилиятнинг сустлиги) натижаси сифатида юзага келиши мумкин.

Парадигматик ассоциациялар матндаги бирор сўзга маъно жиҳатидан ёки шакл жиҳатидан ўхшаш бўлади. Тажриба давомида парадигматик ассоциацияларнинг кузатилиши декодлашда қисқа муддатли хотирада сўз ёки бирикманинг шакли сақлаб қолинмаганлигини билдиради.

Маъно жиҳатидан стимул матндаги сўзга яқин турувчи ассоциатив сўз реципиентга матни тушунишда деярли халал бермайди. Масалан, I-51-рақамли реципиент «мамлакатимизда» сўзининг ўрнига «юртимизда» сўзини қўллаган ва стимул матндаги биринчи гапнинг мазмунига зарар етмаган: *«Юртимизда меҳмон бўлиб турган Малайзия ишбилармонлари ва таълим соҳаси мутахассисларидан иборат делегация Ўзбекистон Республикаси Ахборот ва телекоммуникация агентлигида бўлди»* (I-51). Ёки «бош директор» ўрнига «бошлиғи» қўлланган ҳолат: *«Ахборот агентлиги бошлиғи Абдулла Орипов билан музокара-лар олиб борди»* (I-17).

Худди шундай ҳолатни иккинчи тажрибада зиёрат сўзига саёҳат сўзининг ассоциация бўлганида кўришимиз мумкин: *«У гўзал ва қадимий Самарқандга саёҳат қилди»* (II-10).

Стимул матн таркибидаги лисоний воситаларга шаклан ўхшаш бўлган ассоциациялар, маъноси стимул матндаги сўздан узоқ бўлса, матни тўғри тушунишга халал беради. Масалан, 18-рақамли реципиентнинг баёнида «делегация» сўзининг маъноси тушунилмаганлигини берилган гапдан кўриш мумкин: *«Икки томонлама ҳамкорлик делегацияси бўлиб ўтди»*. Худди шу «делегация» сўзига ассоциация бўлиб «конференция» сўзи чиққан ва: *«Бу конференцияда ахборот технологияси, ишбилармонлик ривожлантириши масаласи кўрилди»*⁸⁵. «Делегация», «конференция», «комиссия» сўзларида маъновий эмас, балки шаклий ўхшашлик асосидаги ассоциатив боғланиш бор. Маъно хусусидаги информация етарли бўлмагач, шакл ўз-ўзидан муҳим омилга айланган.

⁸⁵ Реципиентлардан олинган баёнларни аслидай сақлаб қолиш мақсадида реципиентлар йўл қўйган грамматик, услубий хатолар тузатилмади.

Иккинчи тажрибада эса жабҳа сўзининг ўрнига жаҳон сўзининг қўлланганини кўрамиз: «Мамлакатимизда бошқа жаҳонлар каби олий таълим соҳасига ҳам катта эътибор берилётган экан» (II-13).

Тажриба натижаларида синтагматик ассоциацияларнинг мавжудлиги реципиент онгида сўзнинг маъноси декодланиши билан биргаликда сўзнинг гапдаги ўрни ва мавқеига оид маълумотлар бўйича ҳам таҳлил бошланганлигини билдиради. Синтагматик ассоциациялар матнни тушунишга кўпроқ халал беради. Бизнинг тажрибамизда «келишиб олинди», «шартнома тузилди», «ютуқларни қайд қилиб боришди», «имзоланди», «алоқа ўрнатилди», «алоқа воситаси» кабилар синтагматик ассоциация бўлган. Синтагматик ассоциациялар асосида асл матннинг мазмунига мос бўлмаган куйидаги гаплар тузилган: «Бундан ташқари икки томонлама сармоявий шартнома тузилди» (I-49) «Икки томонлама шартнома имзоланди» (I-37), «Мана шу соҳада Ўзбекистонда қилинаётган ютуқлар қайд қилинди» (I-13), «Ўзбекистон Республикаси бош вазири ўринбосари директори Абдулла Орипов Малайзия делегацияси ўртасида икки томонлама шартнома имзоланди. Шартнома Республикаимизнинг олий ўқув юртларининг нуфузли ўқувчиларини танлаб олишни мақсад қилиб қўйишди» (I-14).

Синтагматик ассоциацияларнинг матнда дискогерентликни келтириб чиқариш эҳтимоли юқори. Ассоциация сифатида юзага келаётган бирикма ўзига яқин турган сўздан келиб чиқади. Бунда гапнинг бошидаги эгага ўртадаги тўлдирувчи ёки ҳолга ассоциацияланаётган кесим мос келмай қолиши мумкин. Юқорида берилган мисоллардаги мавжуд хатоларни шу билан изоҳлаш мумкин.

Синтагматик ассоциациялар предикативликка эга бўлгани учун ҳам матннинг умумий мазмунини ўзгартириб юбориши мумкин.

Реципиентлардаги ассоциацияларнинг юзага келиши сти-
мул матн мавзуси, услуби билан ҳам боғлиқ бўлади. Бизнинг мисолимизда реципиентларда юзага келган ассоциацияларнинг баъзилари публицистик услуб доирасида қўлланувчи лисоний бирликлардир. Бу каби ассоциациялар реципиентларнинг қайд-

ларидан ўрин олганлиги матн мазмуний перцепциясининг дастлабки даражалариданоқ қабул қилинаётган матннинг услуби хусусида хулосалар қилинишидан далолатдир.

Юқоридагиларга асосланиб, айтишимиз мумкинки, ассоциатив даражада сўзларнинг маънолари декодланиши билан бирга уларнинг гап таркибидаги, матннинг мазмуний блоки таркибидаги ўрни ва мавқеи хусусида ҳам таҳлил бошланади.

Кейинги даража бу **лексик-морфологик даража** бўлиб, унда аввалги даражада бошланган декодлаш ва таҳлил давом этади. Ассоциатив даражада бу таҳлилнинг натижаси ассоциатив сўзлар бўлса, лексик-морфологик даражада таҳлилнинг натижаси асл матндаги сўзлар ва сўз шакллари бўлади.

Реципиентда стимул матндаги сўз қабул қилинишида унинг маъноси тушунилиши ва шакли хотирада айнан сақланмаслиги мумкин. Маъно тушунарли бўлганлиги учун шу сўзнинг синоними ассоциация сифатида юзага чиқади. Матнни қайта эшитиш жараёнида сўзнинг матндаги шакли яхши эслаб қолинади.⁸⁶

Учинчи, яъни **контекстуал даражада** тушунилаётган мазмун сўзлар даражасидан бирикмалар ёки синтагмалар даражасига кўтарилади. Бу ҳолатни биринчи тажрибада берилган матнни иккинчи марта, учинчи марта эшитишдан сўнг қайд этилган лисоний воситаларда кузатдик. 47-бетдаги жадвалда реципиентларнинг матнни уч марта эшитишдан сўнг қайд этган воситаларини келтирдик. Бунда биринчи босқичда сўзларнинг алоҳида-алоҳида эслаб қолинганлигини, иккинчи босқичда алоҳида сўзлар бирикмалар шаклида қайд этилганлигини, учинчи босқичда синтагмалар эслаб қолинганлигини кўришимиз мумкин.

Бу даражада аввалги даражаларда бошланган сўзнинг мазмуний блокдаги мавқеи (яъни мазмуний блоklarнинг боғланишидаги иштироки) хусусидаги таҳлил давом этади. Сўзларнинг локал контекстдаги, яъни бир-икки гап доирасидаги, иштироки юзасидан дастлабки хулосалар қилинади.

Тўртинчи, яъни **структурал даражада** стимул матнга хос мазмуний блоklarнинг шаклланиши ва тартибланиши рўй бе-

⁸⁶ Дастлабки эшитишда қайд этилган ассоциацияларнинг матнга хос сўзлар билан алмашилишига доир мисоллар диссертациямизнинг 44-45-бетларида берилган.

ради. Бу даражанинг кўрсаткичларини аввалги даражаларники каби кузатишнинг имкони йўқ. Матн блокларининг ҳажми катталиги сабаб улар инсоннинг хотирасида айнан сақланиши кийин. Аммо тажрибанинг биринчи босқичи давомида реципиентлар айрим блокларга тегишли сўзларни аввал, бошқа блокка тегишли сўзларни кейин қайд этганини кўрдик. Яъни 1-эшитишда маълум блокнинг сўзлари бошқаларига нисбатан кўпроқ эслаб қолинади, 2-эшитишда бошқа блокнинг сўзлари кўпроқ эслаб қолинади. Қайси блокнинг сўзлари кўпроқ эслаб қолиниши баёнда шу блокнинг тўлароқ ифодаланишини таъминлайди.

Умумий ҳолатда маълум блокка кўпроқ эътибор қаратилиши матн ичида блоклар мувозанати (мутаносиблиги)ни бузади ва шу билан матннинг яхлитлигига путур етказди.

Охирги, яъни **матний даражада**, реципиент онгида матннинг проекцияси ҳосил бўлади. Бу даража ҳар доим ҳам амалга ошавермайди.

Тажрибалар давомида ҳамма матнни баравар тинглаган, бир хил вақт ичида ўқиб чиққан бўлса-да, олинган баёнлар реципиентларнинг мазмуний перцепциянинг турли даражаларида турганлигини кўрсатди. Баёнлар перцепциянинг турли даражаларини намоён этишига кўра қуйидагича бўлинди:

2.12-жадвал

Перцепциянинг қайси даражасини акс эттиришига кўра баёнларнинг статистикаси

	1-тажрибада	2-тажрибада
Лексик-морфологик даражани акс эттирувчи баёнлар	13	5
Контекстуал даражани акс эттирувчи баёнлар	17	21
Структурал даражани акс эттирувчи баёнлар	26	52
Матний даражани акс эттирувчи баёнлар	4	10

I-59-рақамли реципиентнинг баёни лексик-морфологик даражани акс эттирувчи баёнлардан биридир.

I-59-рақамли реципиентнинг баёни:

Мамлакатимизга ташириф буюрган Малайзия ишбилармон ва ахборот агентлиги Республикамиз Бош вазир ўринбосари Абдулла Орипов билан учрашув чоғида фикр алмашилди.

Республикамиз масалалари муҳокама қилинди. Учрашув чоғида Малайзияда таҳсил олиш режаслаштирилди.

Мазкур баёнда *Мамлакатимизга ташириф буюрган Малайзия, ахборот агентлиги, Бош вазир ўринбосари, Абдулла Орипов билан учрашув, муҳокама қилинди, таҳсил олиш, фикр алмашилди* асл матнда мавжуд сўз бирикмалари ва синтагмалар. Реципиент мазкур лисоний воситаларнинг ички боғланишини тушунгани билан, гапнинг мазмунини тушуна олмаган. Шу сабаб бу лисоний воситаларни гап сифатида боғлай олмаган.

Шунингдек, *ишбилармон, масалалари* сўзлари ҳам асл матндан эслаб қолинган, бироқ *ишбилармон* сўзининг матндаги «-лари» қўшимчаси тушириб қолдирилган ва асл матндаги *масалалар* сўзига «-и» қўшимчаси қўшилган. Яъни, реципиент сўзнинг лексик маъносини тушунган, аммо сўзнинг матндаги ўрни ва вазифасини англай олмаган.

Бу ҳолат баён ёзиш вақтида реципиент мазмуний перцепциянинг лексик-морфологик даражасида турганлигини билдиради. У матнни тўлиқ тушуниши учун матнни яна бир неча марта такрор қабул қилиши лозим.

II-48 рақамли реципиентнинг баёни ҳам лексик-морфологик даражани акс эттиради:

Мамлакатимизда меҳмон бўлиб ташириф буюрган Индонезия Спикери Агунга Лаксоно раҳбарлигидаги Иқтисодий Дипломатик университети профессор ўқувчилари ва талабалари билан учрашди. Тадбирда мамлакатимизда юқори кадрлар тайёрлаш ва камил инсон қилиб етиштириши учун шароитлар қайд этилди. Мамлакатимизда ҳар хил соҳалар амалга оширилмоқда деб баҳо беради. Самарқандда тарихий обидалар меъморий ёдгорликлар бор.

Реципиент асл матндаги 28та сўзни қўллаган. Аммо уларни ўзаро боғлай олмаган. Асл матндаги сўзлар ва ва талабалари билан учрашди, Тадбирда мамлакатимизда юқори каби сўзлар кетма-кетлигининг эслаб қолингани билан, гапнинг мазмунини тушунмаганлиги ҳисобига уларни ўз баёнида ноўрин қўллаган.

I-20-рақамли реципиентнинг баёни контекстуал даражани акс эттиради.

I-20-рақамли реципиентнинг баёни:

Мамлакатимизда меҳмон бўлиб турган Малайзия делегацияси аъзолари ва таълим соҳасидаги шибилармонлар Ўзбекистон Республикаси ахборотлаштириш ва телекоммуникация агентлиги бош директори Ўзбекистон Республикаси бош вазири Абдулла Орипов билан сармоявий келишув ҳақида мунозара олиб борилди. Икки томонлама келишувда ахборот ва телекоммуникацияни ривожлантириш муҳокама қилинди. Талабаларни чет эл олий ўқув юртларида ўқитиш каби масалалар муҳокама қилинди.

Бу баёнда эса Мамлакатимизда меҳмон бўлиб турган Малайзия, Ўзбекистон Республикаси, агентлиги бош директори, Абдулла Орипов билан, икки томонлама, муҳокама қилинди, олий ўқув юртларида, ахборот ва телекоммуникация асл матндан яхлит эслаб қолинган воситалар.

Эслаб қолинган сўз шакллари: масалалар, ахборотлаштириш, телекоммуникация, ривожлантириш.

Шунингдек, шибилармонлар сўзида «-и»қўшимчаси тушириб қолдирилган, бош вазир биркмасига, аксинча, асл матнда бўлмаган «-и» қўшимчаси, телекоммуникация сўзига «-ни» қўшимчаси қўшилган.

Реципиент ахборотлаштириш ва телекоммуникация агентлиги бирикмасини қўллаган. Бунда у ахборотлаштириш тенг боғланган бирикманинг таркибий қисми эканлигини ва агентлиги сўзи билан тобе боғланиш ҳосил қилаётганини тушунган. Сармоявий сўзининг ҳам тобе боғланишли бирикманинг таркибий қисми (эргаш сўз) эканлигини билгани ҳолда асл матндаги ҳамкорлик сўзини эслаб қола олмаганлиги учун келишув сўзини қўллаган. Бундай бирикманинг ўзбек тилида қўлланмаслиги-

ни эътибордан четда қолдирган. Умуман, *сармоявий ҳамкорлик* бирикмаси тилимизда кенг қўлланмаслиги унинг бошқа реципиентлар томонидан ҳам эслаб қолинмаслигига сабаб бўлган.

Реципиент баённинг биринчи гапида кесимгача бўлган сўзларни тўғри боғлай олган, демак, ўзи қўллаган воситаларнинг контекстуал маъносини нисбатан яхшироқ анлаган. Бу ўринда кесимнинг эгага мос эмаслигини икки хил сабаб билан тушунтириш мумкин. Биринчиси, асл матн блокининг топики яхши анланмаган. Иккинчиси, мазмун тушунилгани билан уни қайта яратётганда реципиентнинг диққати бўлинган. Диққатнинг бўлиниши гапнинг ўта узунлиги туфайли юзага келган бўлиши мумкин.

Баёндаги кейинги гапда *келишув* сўзининг ноўрин қўлланганлигини кўрамиз. Охириги гап эса асл матнда берилган информациянинг тўлиқ ўзлаштирилмаганлигини акс эттиради.

Мазкур ҳолатлар реципиент баён ёзиш вақтида мазмуний перцепциянинг контекстуал даражасида турганлигини, яъни реципиент сўзларнинг контекстуал маъноларини ойдинлаштирганлиги, лекин асл матндаги гапнинг мазмунини яхлит ҳолда англашга улгурмаганлигини кўрсатади.

Структурал даражани акс эттирувчи баён I-57-рақамли реципиентга тегишли.

I-57-рақамли реципиентнинг баёни:

Мамлакатимизда меҳмон бўлиб турган Малайзия шиби-лармонлари ва таълим соҳаси вакилларида иборат делегация Республика ахборот технологиялари ва телекоммуникация агентлиги билан мулоқот олиб борди. Республика Бош вазири ўринбосари ва ахборот технологиялари ва телекоммуникация директори Абдулла Орипов билан бўлган мулоқот чоғида ўзаро ҳамкорлик ва икки томонлама сармоявий ишларни йўлга қўйишга келишилди. Малайзиянинг нуфузли олий таълим муассасалари билан ҳамкорлик қилишга келишиб олинди.

Асл матндан яхлит эслаб қолинган воситалар қуйидагилар:
Мамлакатимизда меҳмон бўлиб турган Малайзия шиби-лармонлари ва таълим соҳаси иборат делегация

ва телекоммуникация
бош вазири ўринбосари
директори Абдулла Орипов
Малайзиянинг нуфузли олий
икки томонлама сармоявий
мулоқот чоғида

Шунингдек, ахборот, агентлиги, ҳамкорлик, технология-
лари сўзлари ҳам эслаб қолинган. Баён матнидаги гаплар ре-
ципиент асл матн топикларини тушунганлигини кўрсатади,
аммо ахборот технологиялари ва телекоммуникация агентлиги
нотуғри бирикмадир.

Баённинг иккинчи гапида ҳамкорлик сўзидан кейин асл
матндаги «-ни ривожлантириши» қисми тушиб қолган ва гапда
дискогерентликни ҳосил қилган.

Умуман, гапларда субъект ва предикатнинг ўрни аниқ, асл
матннинг мазмунига мос келади. Асл матн блоklarининг маз-
муни ва матндаги ўрни тушунилган. Дискогерентликни юзага
келтирган ўринлар реципиентнинг асл матннинг мазмунини ях-
лит ҳолатда англаб улгурмаганлигини билдиради.

Биринчи тажрибада 4та ва иккинчи тажрибада 10та реци-
пиентнинг баёни матний даражани акс эттиради. Улар ёзган
баёнлар стимул матндан айрим шаклий белгиларга кўра фарк-
ланади. Бунда баъзи сўзларнинг ўрнига синонимлари қўлла-
ниши, айрим аниқловчиларнинг тушириб қолдирилиши, битта
гапнинг иккита ё учта гапга айлантирилиши ва иккита гапнинг
битта гапга айлантирилиши каби ҳодисаларни кузатдик.

I-54- рақамли реципиентнинг баёни:

Малайзия делегацияси аъзолари мамлакатимиздаги Алоқа ва ахборотлаштириш агентлигида бўлди. Делегация аъзолари у ерда Бош вазирнинг ўринбосари Алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги директори Абдулла Орипов билан учрашди. Улар икки давлат ўртасидаги алоқаларни янада ривожлантиришига келишиб олишди ва ёшларни Малайзиядаги нуфузли олий ўқув юртиларида ўқитишини айтди.

Қуйидаги жадвалда I-54-рақамли реципиентнинг баёни асл матн билан қиёсланган ҳолда берилди. Асл матндаги шаклнинг реципиент баёнида қандай трансформацияга учраганини қиёслаш мумкин.

2.13-жадвал. Матний даражани акс эттирган баённинг асл матн билан қиёси

Асл матндаги ифода	I-54-реципиентнинг баёнидаги ифода
Мамлакатимизда меҳмон бўлиб турган Малайзия ишбилармонлари ва таълим соҳаси мутахассисларидан иборат делегация	Малайзия делегацияси аъзолари
Ўзбекистон Республикаси Алоқа ва ахборотлаштириш агентлигида бўлди	Мамлакатимиз Алоқа ва ахборотлаштириш агентлигида бўлди
Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, Алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги бош директори Абдулла Орипов билан учрашувда	Делегация аъзолари у ерда бош вазирнинг ўринбосари алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги директори Абдулла Орипов билан учрашди.

<p><i>ахборот ва телекоммуникация технологиялари соҳасида икки томонлама сармоявий ҳамкорликни ривожлантириш юзасидан фикр алмашилди.</i></p>	<p>Улар икки давлат ўртасидаги алоқаларни янада ривожлантиришга келишиб олишди.</p>
<p><i>Мулоқот чоғида юртимиз мутахассисларини Малайзиянинг нуфузли олий ўқув юртларида таҳсил олишини ташкил этишга оид масалалар ҳам муҳокама қилинди.</i></p>	<p>Ёшларни Малайзиядаги нуфузли олий ўқув юртларида ўқитишини айтди.</p>

Матннинг мазмуний перцепцияси даражалари реципиентнинг ақлий қобилияти билан боғлиқ ҳолда амалга ошади. Қайсидир реципиент учун матнни бир марта қабул қилиш ўз онгида бу матннинг проекциясини ҳосил қилиш учун етарли бўлса (яъни бунда бешта даража амалга ошиб бўлади), бошқа бир реципиент учун матнни беш марта қабул қилиш ҳам матн проекциясини ҳосил қилиш учун етарли бўлмаслиги мумкин.

Матн перцепцияси кўп каналли ва кўп даражали жараён. Матн перцепциясининг кўйи даражаларида бир неча каналлар ишласа, бу каналлар юқори даражаларда бирлашади. Чунки кўйи даражаларда матннинг таркибий қисмлари перцептив бирлик сифатида юзага чиқади. Юқори даражаларда бу бирликлар бирлашиб, матн мазмунининг бутун ҳолда қабул қилинишига имконият ярадади.

Биз юқоридаги таҳлилларимизни кўйидаги жадвалда умумлаштирдик. Унда матннинг мазмуний перцепцияси даражаларида қандай амаллар бажарилишини акс эттирдик. Аммо шуни назарда тутиш керакки, мазмуний перцепция жараёни мураккаб бўлиб, бизнинг таҳлилимиз унинг бир жиҳатига, лисоний воситаларнинг декодланишига, бағишланган.

2.14-жадвал

Лисоний воситаларнинг матн мазмуний прецепцияси даражалари бўйича декодланиши.

Ассоциатив даража	Лексик-морфологик даража	Контекстуал даража	Структурал даража	Матний даража
Сўз ва сўз бирикмаларининг декодланиши				
Сўз ва сўз бирикмаларининг гап ичидаги ўрни ва алоқаларининг аниқлаштирилиши				
Сўзнинг мазмуний блокдаги мавқеи (яъни бу сўзнинг мазмуний блокнинг ички боғланишидаги ва блоklarнинг бир-бири билан боғланишидаги аҳамияти) аниқлаштирилиши		Гапларнинг мазмуний блокдаги ўрнининг аниқланиши. Гапларнинг ўзаро боғланиши. Гап мазмунининг блокнинг топикадаги хиссасининг аниқланиши	Мазмуний блоklarнинг матннинг умумий мазмунидаги хиссасини аниқлаш, уларни ўзаро боғлаб турган сўзларни ажратиш асосида матннинг мазмуний структурасини белгилаш	
				Матннинг яхлит мазмуни ҳақида хулоса чиқариш

2.4. Газета матнининг перцептив бирликлари

Умуман, бирликлар масаласи тилшуносликда (шунингдек, психолингвистикада ҳам) баҳсталаб мавзулардан биридир. Психолингвистика шаклланаётган пайтда психолингвистик бирликларга қуйидагича таъриф берилган: улар «хабарнинг функционал оператив бирликлари бўлиб, кодлаш ва декодлаш жараёнида яхлит юзага чиқадиغان ҳамда босқичли таҳлилга тортиш мумкин бўлган бирликлардир»⁸⁷. Психолингвистиканинг асосчиларидан бири Ч.Осгуд бирликлар сифатида айнан гап, функционал синф, нуклеус, сўз, фонема ва бўғинни белгилайди⁸⁸. У кодлаш ва декодлаш учун бир хилдаги босқичларни белгилайди: мотивацион босқич, семантик қаторни белгиловчи босқич, интеграцияловчи босқич. Кодлашда дастлабки босқичнинг бирлиги сифатида гап белгиланади, 2-босқичда функционал синфлар, 3-босқичда сўз, 4-босқичда бўғин билан иш кўрилади деб ҳисобланади. Декодлашда эса биринчи босқичда гап, 2-босқичда нуклеуслар (яъни гап қабул қилинаётганда нуклеусларга бўлиб қабул қилинади, масалан, the-farmer-kill-ed-the-ugly-dukling), 3-босқичда сўз, 4-босқичда фонема⁸⁹.

Сўнги йилларда амалга оширилган тадқиқотларда ҳам бирликлар масаласига катта эътибор қаратилган. Белорус олими Н.Евчик ўзининг докторлик диссертациясида тилнинг перцептив базасини назарий ва амалий жиҳатдан тадқиқ этади. У ўзидан олдинги тадқиқотларга таянган ҳолда нутқни тушуниш қуйидаги бирликлар асосида амалга ошади, деб айтади: 1) нутқ мазмуний бирликларининг типик бўлган ритмик-мелодик структуралари; 2) ритмик-мелодик структураларга кирувчи бўғинлар; 3) бу бўғинларни ташкил этувчи фонемалар⁹⁰.

Нутқий фаолиятнинг перцептив жиҳати ҳақидаги яна бир докторлик диссертациясида перцепция жараёнидаги оператив бирликларга алоҳида тўхталинади. «Оператив бирликлар

⁸⁷ Леонтьев А. А. Психолингвистика. -М., 1967. -С.33.

⁸⁸ Ч.Осгуднинг фикрлари А.Леонтьевнинг "Психолингвистика" (М.,1967) китобидан олинди. Б.34.

⁸⁹ Ўша манба.

⁹⁰ Евчик Н.С. Перцептивная база языка: Теоретические и прикладные аспекты формирования. Автореф. дис. ... докт. филол.наук. -Минск, 2001. -С.14.

(омиллар) перцепция жараёнига кетма-кет қўшилиб бормайди, яъни қабул қилиш айнан мана бу белгидан бошланади, деб айтиш мумкин эмас, оператив бирликларни қўллаш бир вақтнинг ўзида амалга оширилади»⁹¹.

Матний перцепцияда калит сўзлар мажмуасини (набор ключевых слов) А.Штерн матннинг яхлитлигини таъминловчи омил сифатида белгилайди. Олима нутқий перцепцияда объектнинг яхлит ёки қисмлаб қабул қилиниши шароитга боғлиқ, деб ҳисоблайди. У ўзи ўтказган тажрибалар асосида шу фикрга келади. Тажрибалар кўрсатишича, инсон сўзни қабул қилаётганда уни фонемалар бўйича таҳлил қилмайди. Лекин сўз одатдагидан узунроқ бўлса, эшитиш жараёнида шовқинлар халақит берса, қабул қилиш бўғинлар ёки фонемалар бўйича амалга ошади⁹².

Дастлаб перцептив бирлик тушунчасига тўхталамиз. Биз рус олими А.А.Леонтьевнинг фикрларига асосланган ҳолда нутқий перцепция жараёнида ўз яхлитлигини сақлаб қолган лисоний бирликни перцептив бирлик сифатида ажратамиз⁹³. Бу бирликларни тажриба материалларидаги мисоллар асосида тушунтиришга ҳаракат қиламиз. Тадқиқотмизнинг 2.3. параграфида перцепциянинг даражалари ҳақида сўз юритдик. Қуйида эса мазкур даражаларда юзага чиқадиган бирликларни қуйи даражадан юқори даражага қандай ўзгариб боришини таҳлил қиламиз.

Биринчи даражада стимул матндаги лисоний омиллар асосидаги ассоциациялар юзага келади. Бу лисоний омиллар сема, услуб, акустикадир. Сема асосида парадигматик ассоциациялар, услуб асосида эса ҳам парадигматик, ҳам синтагматик ассоциациялар пайдо бўлади. Акустика асосида эса талаффуз жиҳатидан стимул матнга хос бўлган сўзларга яқин турадиган ассоциациялар пайдо бўлади.

⁹¹ Штерн А.С. Перцептивный аспект речевой деятельности. Автореф. дис. ... докт. филол. наук. - Ленинград, 1990. -С.14

⁹² Ўша манба. Б.14-15.

⁹³ Леонтьев А.А. Психолингвистические единицы и порождения речевого высказывания. -М. 1969.-С.13.

Сема асосида пайдо бўладиган ассоциациялар матндаги сўзнинг маъносидан келиб чиқса, услуб асосидаги ассоциациялар матннинг умумий мазмунидан келиб чиқади.

Кейинги лексик-морфологик даражадаикки хил бирлик юзага чиқади. Биринчиси, лексема, иккинчиси сўз шакли. Реципиентлар сўзларни қайд этиш ва баён ёзиш жараёнида асл матндаги сўзларнинг қўшимчаларини тушириб, сўзнинг ўзагини ёки негизини қайд этишган. Бу каби шакллар луғавий маъно асосида ажратилган. Шунинг учун бу даражанинг бирлиги сифатида лексема юзага чиқади, деб айтиш мумкин. Масалан, сўз ясовчи «-вий», «-лаштириш», «-ла», «-лик» қўшимчалари туширилган ҳолда «сармоя», «ахборот», «мустаҳкам», «агент», сўзлари ёзилган. «-лари» қўшимчаси туширилган ҳолда «ишбилармон», «мутахассис», «технология», «-ларимиз» қўшимчасисиз «мамлакат» сўзлари ёзилган. Шунингдек, тушум, қаратқич, ўрин-пайт келишиги қўшимчалари ва эгалик қўшимчаларидан ажратилган ҳолда «тахсил олиш», «соҳа», «вазир», «ўринбосар», «директор» сўзлари қайд этилган. Иккинчи тажрибада ҳам «-нинг» қўшимчаси туширилган ҳолда «ёшлар», «-и» қўшимчаси туширилган ҳолда «талабалар», «аъзолар», «-ни» қўшимчаси туширилган ҳолда «ҳамкорлик» сўзлари реципиентларнинг қайдларидан ўрин олган.

Кейинги бирлик- сўз шакли. Сўз шакли асл матндан айнан эслаб қолиниши ҳисобига перцептив бирлик бўла олади. Биринчи тажрибада асл матндаги «мамлакатимизда», «Малайзия», «делегация», «Ўзбекистон Республикаси», «алоқа», «ахборотлаштириш», «агентлиги», «директори», «Абдулла Орипов», «учрашувда», «ахборот», «телекоммуникация», «соҳасида», «сармоявий», «ривожлантириш», «фикр алмашилди», «мамлакатларимиз», «мустаҳкамланиб бораётгани», «таъкидланди», «юртимиз», «нуфузли», «масалалар», «муҳокама қилинди» ва иккинчи тажрибада «мамлакатимизда», «Спикери», «кенгаши», «ислоҳотлар» каби сўз шакллари бирлик сифатида юзага чиққан.

Сўз ўзгартувчи қўшимчалар ҳам мазмуний перцепция жараёнида маънони йўналтиришда аҳамиятга эга. Асл матндаги

сўзнинг қўшимчаси эслаб қолиниб, бошқа бир сўзга қўшилган ҳолатларни тажриба материалларида кузатдик. Бу сўз асл матндаги сўзнинг синоними бўлиши мумкин ёки асл матндаги мураккаб бирикманинг таркибий қисми бўлиши мумкин, шунингдек, асл матндаги бу қўшимчани олмаган бошқа сўз бўлиши мумкин. Масалан, реципиентлар томонидан «Республикамиз» сўзи қўлланган. Асл матнда «Республикаси» ва «мамлакатимиз» сўзлари мавжуд.

Кейинги даража сўзларнинг контекстуал маъноларнинг аниқланиши билан характерланади. Бу даража локал контекстнинг, яъни матндаги блок умумий мазмунининг шаклланиш даражасидир. Шунинг учун бу даражадаги бирликларни ажратишда биз реципиентлар ёзган баёнлар матнига асосланамиз. Баёнлар матнидаги асл матндан айнан келтирилган сўзлар кетма-кетлигини, яъни яхлит сақланган синтагмаларни тадқиқотимизнинг 2.2.2. параграфида ажратдик. Реципиентларнинг баёнларида бу гапларнинг қайси қисмлари яхлит сақланганлигини тадқиқотимизнинг 57-59 бетларида келтирилган мисоллардан кўриш мумкин.

Бизнингча, умумий ҳолатда газета матнлари перцепцияси қуйидагича кечади. Қабул қилинаётган лисоний сигнал морфемалар ёки яхлит сўз даражасида узоқ вақтли хотирадаги шакл билан солиштирилади; шакл топилгач, унга боғланган маъно сари борилади. Кейинги сўз ҳам шу тахлит қабул қилинар экан, сўзлар ўртасидаги боғланиш хотирада қайд қилинади ва гапнинг грамматик мазмуни англанади. Грамматик мазмуннинг тушунилиши грамматик шаклнинг хотирадаги образи ва маъносидан келиб чиқади. Гап тугаганда унинг умумий мазмуни сақланади. Кейинги гап ҳам худди шу каби қабул қилинади, улар ўртасидаги боғлиқлик ҳам гапларда сўзларнинг грамматик боғланиши сингари хотирада қолади. Бу, албатта, идеал перцепцияда юз беради. Одатий жараёнларда, юқорида кўриб ўтганимиздек, сўзларнинг ҳаммаси ҳам бирдай эслаб қолинмаслиги ва тушунилмаслиги, бунинг натижасида гапларнинг яхлитлиги, ўзаро боғланишлари ҳам сақланганмаслиги мумкин. Гаплар мазму-

ний блокка бирлаштирилади ва блоклар ўртасидаги боғланиш усули ҳам хотирада қайд қилинади. Тажриба натижаларининг таҳлили кўрсатишича, қабул қилиш қобилияти юқори бўлган ўқувчилар берган баёнлар матнининг структураси асл матнга яқин, деярли, айнан бўлади. Бу матн структурасининг перцепция жараёнидаги етакчи омил сифатида мавжудлигини ва перцепциядаги аҳамиятини исбот этади.

Иккинчи боб юзасидан қисқа хулосалар

1. Матний перцепция мураккаб жараён сифатида бир катор илмий йўналишлар томонидан ўрганилади. Уларнинг ичида психоллингвистика алоҳида ўрин тутати. Мазкур жараён психоллингвистиканинг асосий масалаларидан ҳисобланади. Матний перцепцияни бевосита кузатиш имкони бўлмаганлиги сабаб, жараённинг натижаларига қараб у ҳақида хулосалар чиқариш мумкин бўлади. Бунда мазкур жараённинг айнан қайси жиҳати ўрганилаётганлигига қараб тажриба методи ва материаллари ишлаб чиқилиши лозимдир. Психологик жиҳатдан матний перцепциянинг бориши, яъни инсон миёсидаги таъсирланишлар текширилса, лингвистик жиҳатдан мазкур таъсирланишларнинг манбаи сифатида матннинг формал ва семантик белгилари текширилади.

2. Матний перцепция жараёни параллел равишда кечувчи бир неча даражадан иборат. Бу даражалар инсон онги маттни қабул қилаётганда ундан ажратиб олаётган бирликларнинг ўзгариб боришига асосланиб фарқланади. Нутқий перцепция умумий ҳолатда кўп тадқиқ этилган ва унинг даражалари белгиланган. Биз матний перцепциядаги бешта даражани ажратамиз:

- а) ассоциатив даража;
- б) лексик-морфологик даража;
- в) контекстуал даража;
- г) структурал даража;
- д) матн даражаси.

Нутқий перцепция жараёнида бошланғич даража сифатида олинган фонетик ва график босқични биз ҳисобга киритганимиз йўқ. Бизнингча, матн перцепциясида бу босқич асос бўлиб

хизмат қилади, чунки бусиз матннинг мазмуний перцепцияси амалга ошмайди. Матннинг мазмуний перцепцияси лексемалардан бошлаб, яхлит матннинг проекциясигача давом этади. Мазкур проекциянинг оригиналга яқинлиги бу жараёнда призма вазифасини ўтаган реципиентнинг онгига, аниқроғи, ақлий қобилиятига боғлиқ.

3. Матннинг перцептив бирликлари тилнинг хусусиятларига боғлиқ. Ўзбек тилида лексемалар энг кичик birlik сифатида юзага чиқади. Юқори даражаларда синтагмалар birlik бўлади.

Реципиент матн блокининг шаклини айнан эслаб қола олмайди, лекин блокнинг тугал мазмуни хулоса сифатида реципиент онгида сақланади ва шу хулосага асосланган ҳолда реципиент блокни мазмуний жиҳатдан қайта яратиши мумкин.

УЧИНЧИ БОБ

ГАЗЕТА МАТНЛАРИНИНГ ТУШУНИЛИШИ

3.1. Тушуниш психолингвистик муаммо сифатида

Нутқ товуши рецепторларга таъсир этар экан, инсон ўз лисоний тажрибасига асосланган ҳолда уларни тушунишга ҳаракат қилади. Инсон нотаниш тилга оид нутқни эшитганда ҳам ундаги танишдай кўринган сўзларга, фонемаларга, жуда бўлмаганда, оҳангга таяниб, унинг мазмуни ҳақида хулоса чиқаришга уринади. Товушларнинг механик қабули доимо унинг мазмуни ҳақида хулоса чиқариш (тушуниш) билан параллел кечади. А.А.Леонтьев матннинг қабул қилинишида «матннинг мазмуний таркиби босқичма-босқич синтез қилинар экан, бу синтез нутқий занжирнинг перцептив таҳлили ҳамда бунга параллел равишда кечувчи мазмуний таҳлил асосида амалга ошади», - дейди⁹⁴. В.П.Белянин: «Қабул қилиш икки даражада амалга ошади-қабул қилишнинг ўзи ва тушуниш», - деб ёзади⁹⁵. /арбий Европа, хусусан, нидерландиялик психолингвистлар Ж.Ван Беркум, С.Браун, П.Хагуртлар тушунишга қуйидагича таъриф берадилар: «Оғзаки нутқни тушуниш бу тасаввурлар комплекси ва жараён тезлиги ўртасидаги мувозанатлаштирувчи актдир. Комплекслилик лисоний ва нолисоний билимларнинг турли манбалари ва дискурс контекстини ўз ичига олади. Тезлик эса нутқ суръатидан келиб чиқади. Билимнинг иккала манбаси ва нутқ суръати эшитувчи учун кўзгатувчи сигнал вазифасини ўтайди. Ҳар бир нутқий оқимдаги фонологик, семантик, синтактик маълумот олдинги лексик, пропозиционал ва дискурс информация билан ассоциацияланади»⁹⁶.

⁹⁴ Леонтьев А.А. Восприятие текста как психологический процесс // Психолингвистическая и лингвистическая природа текста и особенности его восприятия. - Киев, 1979. - С.25

⁹⁵ Белянин В.П. Психолингвистика. - М., 2001. - С.103.

⁹⁶ Van Berkum J. J. A., Brown C.M. & Hagoort P. Discourse before Gender: An Event-Related Potential Study on the Interplay of Semantic and Syntactic Information During Spoken Language Understanding // Journal of Psycholinguistic Research, Vol.29. No 1. 2000 P.53

«Матнни қабул қилишнинг моҳияти реципиентда матннинг мазмуний образини (бошқача айтганда, матн проекциясини-И.А.) ҳосил қилишдир»⁹⁷. Бу проекцияни ҳосил қилишда реципиентнинг онги призма вазифасини ўтайди. Шунинг учун ҳам ҳар бир реципиент ҳосил қилган матннинг мазмуний образи бир хил бўлмайди. Реципиент онгидаги мазмуний образнинг асл матн мазмунига адекватлиги унинг яхши тушунилгани ёки тўғри тушунилганлигини билдиради. Шунга асосан, тушунишнинг сифати даражалар билан белгиланади. Тушуниш даражаларининг ажратилиши турлича. В.П.Белянин тушуниш умумий ҳолатда учта даражадан иборатлигини таъкидлайди. Бошланғич даража энг умумий даража бўлиб, унда нутқий баённинг асосий предмети, гап нима ҳақида эканлиги тушунилади. Кейинги, мазмун мундарижани тушуниш даражаси тингловчи сўзловчининг нима ҳақида нималар деганини англайди. Учинчи даража энг юқори даража бўлиб, у қандай гап, нима учун ва қандай лисоний воситалар билан айтилганини тушуниш билан характерланади. Тушунишнинг бу даражаси сўзловчи томонидан танланган лисоний воситаларни баҳолашни ҳам ўз ичига олади. Бир инсон тушунишнинг турли даражаларида турган бўлиши ҳам мумкин ёки бир аудиториядаги реципиентлар бир матнни бирга тингланганда ҳам тушунишнинг турли даражаларини намоён этиши мумкин⁹⁸.

Биз ўз тадқиқотимизда матнни қабул қилишнинг мазмуний жиҳатини ўргандик ва унга нисбатан «мазмуний перцепция» терминини қўладик. Матн мазмуний перцепцияси реципиент онгида матн проекциясининг ҳосил бўлиши билан яқунланишини айтган эдик⁹⁹. Мазкур проекциянинг асл матн билан мослиги ёки мос эмаслигини реципиентлардан олинган баёнлар мисолида текшириш мумкин.

Баёнлар реципиент матн мазмуни ҳақида тўғри ё нотўғри хулоса чиқарганлиги ёхуд матнни тушунганлиги ё тушунмаган-

⁹⁷ Леонтьев А.А. Восприятие текста как психологический процесс// Психолингвистическая и лингвистическая природа текста и особенности его восприятия. -Киев, 1979. -С.23.

⁹⁸ Белянин В.П. Психолингвистика. -М., 2001. -С.103

⁹⁹ Қ.: диссертациямизнинг 72-бети.

лигини таҳлил қилиш имконини беради. Биз «тушуниш» терминини матн мазмуни ҳақида реципиентнинг чиқарган хулосасига нисбатан қўллаймиз.

Инсоннинг психик фаолиятида объективлик ва субъективлик фарқланади. Матнни тушунишда ҳам шу жиҳатлар ажратилади. Матннинг тузилиши, ундаги сўзларнинг маъноси ва синтактик конструкцияларнинг тўғри ҳал қилиниши тушунишнинг объектив амалга ошишини таъминлайди. Тушунишнинг субъективлиги ижтимоий ва индивидуал-психологик омиллар боис юзага келади. Яъни объективлик ва субъективлик бир-бирига қарама-қарши қўйилар экан, тушунишнинг объектив амалга ошишига тўсқинлик қилувчи омиллар (масалан, таассуб, эмоционаллик) кучлилик қилганда тушуниш субъектив амалга ошади, дейиш мумкин.

Мазкур бобда тушуниш билан боғлиқ лингвистик ва экстралингвистик омилларга тўхталамиз. Газета матнининг ўзига хослиги сифатида газета сарлавҳаларининг тушунилишига алоҳида эътибор қаратамиз. Шунингдек, газета матнини тушунишда хабардорлик даражасининг аҳамияти, алоҳида сўзнинг матнни тушунишдаги аҳамияти каби масалаларни таҳлил қиламиз. Бу таҳлил тажрибалар асосида амалга оширилади.

3.2. Газета матни лисоний хусусиятларининг тушунишга таъсири

Тезкорлик, оммавийлик, таъсирчанлик каби газета экстралингвистикасига хос жиҳатлар газета лисоний хусусиятларининг ўзига хослигини таъминлайди. Бу ўзига хосликлар газетада қўлланаётган лексемаларда, сўз шаклларида ва гапларнинг турларида намоён бўлади.

Газета матнларининг лексик хусусиятлари тушунишга таъсир этувчи энг асосий омил ҳисобланади. Лексемалар матний перцепциянинг энг кичик бирлиги ва тушунишни таъминловчи бошланғич материалдир. Лексеманинг тил луғатидаги фаол қатламдан бўлиши матннинг яхши тушунилишига асос яратади. Нофаол қатламдан қўлланган лексемалар тушунишда қийинчиликни юзага келтиради. Газеталарда янгиликларни етказиш учун ўқувчиларга нотаниш бўлган сўзларни қўллашга тўғри

келади. Бу сўзлар хабар берилаётган давлатнинг ижтимоий-сиёсий тизимига оид термин бўлиши мумкин ёки ўзбек тилига ўзлашган бўлса-да, оммалашмаган сўз бўлиши мумкин. Бундай сўзларнинг қўлланиши матнни тушуниш даражасига қандай таъсир қилиши ҳақида тахминий тасаввурга эга бўлсак-да, бу масалага тажриба асосида аниқлик киритиш мумкин бўлади. Газета матни лисоний хусусиятлари тушунишга қандай таъсир этишини газета сарлавҳаларининг ва матн таркибидаги нофаол луғатга мансуб сўзларнинг тушунилиши бўйича ўтказилган тажрибалар таҳлили асосида ёритамиз.

3.2.1. Газета сарлавҳаларининг тушунилиши

Матн сарлавҳалари ушбу матннинг ўқилишига (ёки ўқилмаслигига) катта таъсир кўрсатувчи омиллардан биридир. Шунингдек, сарлавҳалар мулоқотнинг ўзига хос бирлиги ҳисобланади. Тилшунослиқда сарлавҳаларнинг тузилиши ва услубияти, функциялари таҳлил қилинган. Сарлавҳаларнинг психолингвистик аспектда ўрганилиши матн мазмунини тушунишда лисоний шаклнинг ва бошқа омилларнинг аҳамиятини ойдинлаштиришга ёрдам беради.

Сарлавҳалар бўйича амалга оширилган тадқиқотларда уларнинг у ёки бу хусусиятларга асосланган таснифини кўришимиз мумкин. Масалан, П.Рустамовнинг иши гап шаклидаги сарлавҳаларнинг фақат грамматик тузилишига бағишланган бўлиб, унда сарлавҳалар тилшунослиқдаги гапнинг турлари бўйича таҳлил қилинган¹⁰⁰. А.Бобоева эса рус олими А.С.Поповнинг қарашларига таянган ҳолда ҳар қандай сарлавҳа қуйидаги уч вазифани бажаришини айтади:

- 1) мақолани номлаш;
- 2) мақоланинг мазмунини билдириш;
- 3) рекламалик¹⁰¹.

¹⁰⁰ Рустамов П. Гап шаклидаги сарлавҳаларнинг структур-стилистик хусусиятлари // «Ўзбек тили стилистикасидан тадқиқотлар». - Самарқанд, 1987. - Б.64-40.

¹⁰¹ Қиёсланг: Попов А. С. Синтаксическая структура современнѹх газетнѹх заглавий и ее развитие // Развитие синтаксиса современного русского языка. - М., 1966. - С.74-95; Бобоева А. Газета тили ҳақида. - Тошкент, 1983. - Б.23.

А.Бобоева мақолани номлаш битта сўздан иборат сарлавҳаларда, мақола мазмунини билдириш гап шаклидаги сарлавҳаларда, рекламалилик сўроқ гап ва ноодатий лингвистик шакллар қўлланган сарлавҳаларда кучли бўлишини қайд этади¹⁰². Газета сарлавҳаларининг прагматикаси бўйича номзодлик диссертациясини ёзган Э.Алиева ҳам сарлавҳаларда мазкур уч функция мавжудлигини қайд этади¹⁰³.

Рус олими А.А.Вейзе матннинг услубидан қатъий назар, сарлавҳаларга хос умумий хусусиятлардан келиб чиққан ҳолда сарлавҳаларни бешга ажратади:

- 1.Хукм (гап) шаклидаги сарлавҳалар.
- 2.Номинатив бирикма тарзидаги сарлавҳалар. Улар матннинг тематик томонини ўзида мужассамлаштиради.
- 3.Матннинг тематик таркибини умумлаштирувчи сарлавҳа.
- 4.Матннинг умумий мазмунини мавҳумлаштириб ифодаланган сарлавҳа.
- 5.Мазмун-мундарижаниннг бир бўлагини номловчи сарлавҳа¹⁰⁴.

Биз психолингвистикадаги ассоциатив тажриба усулидан фойдаланиб, газета сарлавҳалари бўйича тажриба ўтказдик. Унда Ўзбекистон Миллий университети Хорижий филология факультети 1-курс талабаларидан 26та, Ўзбек филологияси факультети 1-курс талабаларидан 41та, Тошкент Давлат Юридик институти қошидаги академик лицей талабаларидан 5 та (жами 72 киши)¹⁰⁵ иштирок этди. Шартлар ҳамма учун бир хил: газетадан мақоланинг сарлавҳаси ўқиб эшиттирилади, тингловчи икки дақиқа ичида сарлавҳа таъсирида мақола мазмуни хусу-

¹⁰² Бобоева А. Газета тили ҳақида.-Тошкент, 1983. -Б.23.

¹⁰³ Алиева Э.Х. Прагматика газетного заголовка (на материале современных русских и английских газет). Автореф. дис. ... канд. филол.наук. -М, 1993.-С.6.

¹⁰⁴ Вейзе А. Чтение, реферирование и аннотирование иностранного текста. -М., 1985. -С.27-28.

¹⁰⁵ Тажриба иштирокчиларининг рўйхати иловада келтирилган (к.:146-147-бетлар). Таҳлилда фойдаланилган мисолларда реципиентнинг рўйхатдаги тартиб рақами берилган.

енда ҳосил қилган тасаввурни бир-икки гап билан ёритиб бериши керак. Тажрибада «Хуррият» газетасининг 2003 йил 17 сентябрь 37(343) – сонндаги материаллардан фойдаланилди.

Сарлавҳаларни тажриба натижалари бўйича қуйидагича гуруҳладик:

а) сўзлар асл маънода қўлланган, мақола мазмунини умумлаштирувчи дарак гап шаклидаги сарлавҳалар: «Швеция кронада қоладиган бўлди», «Янги резолюция маъқулланмади», «Британия элчихонаси ўққа тутилди», «Табиий офат Сеулга қимматга тушмоқда», «Телефон компьютер вазифасини бажаради».

Бундай сарлавҳалар перцепция жараёнида яхлит бирлик сифатида юзага чиқади ва реципиентда мақола мазмуни ҳақида тўғри тасаввур ҳосил қилади;

б) сўроқ гап шаклидаги сарлавҳалар. Бундай сарлавҳаларда мақоланинг умумий мазмунига ёки маълум (одатда, матн бошидаги) мазмуний блокларга доир соф ёки риторик савол ифодаланлади: «Хуқуқ амалдордами?», «Кредитни кимга берган маъқул?», «Пулни деб ёлғон тўқиш шартми?». Сўроқ гап шаклидаги сарлавҳалар саволга жавоб шаклида ассоциация ҳосил қилади;

в) матннинг мазмунини мавҳумлаштириб ифодаловчи, сўз ёки сўз бирикмаси шаклидаги сарлавҳалар: «Шоирнинг «Саҳройи гуллар»и», «Ингушетияда портлаш», «Косонсойда шундай гўша бор», «Ўзбек талаффузи», «Ургутлик афандилар», «Пахтабанк»нинг юксак унвони», «Бу уйнинг чироғи ҳамиша ёник», «Поклик». Улар реципиентда мавҳум ассоциацияларни юзага келтиради;

г) ғайриодатий лисоний воситалар қўлланган сарлавҳалар: «Академия «Озодлик»ни судга берди», «АҚШ грантлари тақдироти», «Гуманитар инкироз ёқасида», «Абдулла - ғирт шоир», «Террор: Made in America». Перцепция жараёнида бундай сарлавҳаларнинг яхлитлиги сақланмайди. Диққат кўпроқ тушунилмаган сўзда ушланиб қолади.

Тажрибада реципиентлар учун белгиланган вазифа мақоланинг мазмуни ҳақидаги тасаввурларини бир-икки гап билан ёзиш эди. Аммо реципиентлар берган жавобларнинг ичида мақола мазмуни ҳақида тўғри ва нотўғри тасаввурни акс эттирувчи гаплар

билан биргалиқда мақола мазмунини эмас, балки реципиентнинг сарлавҳа мазмунига муносабатини акс эттирувчи эркин ассоциациялар ҳам мавжуд. Масалан, «Табий офат Сеулга қимматга тушмоқда» сарлавҳасига қуйидагича муносабат билдирилган: «*Табиатга барибир Сеулми, бошқами*» (I-11)¹⁰⁶, «*Табий офат ҳар бир давлатга қимматга тушади*» (I-17). Кўриниб турганидек, мазкур жавобларда мақоланинг мазмуни ҳақида сўз юритилмаган. Реципиент сарлавҳанинг айнан гап сифатидаги мазмунига муносабат билдирган. Айтиш мумкинки, «Табий офат Сеулга қимматга тушмоқда» гапи матннинг сарлавҳаси эканлиги унутилган. Мавжуд нутқий вазиятдаги ҳисобга олиниши лозим бўлган элемент эътибордан четда қолган. Натижада, белгиланган коммуникатив вазифа тўлиқ бажарилмаган. Бу ҳолат онгнинг ўз-ўзини назорат қилишида камчилик борлигидан далолат беради. Онгнинг назорат тизимидаги суствлик доимий бўлиши мумкин ёки вақтинчалик, қабул қилинаётган матн таъсирида юзага келиши мумкин. Бунда маълум лисоний воситани тушуниш учун кўпроқ ҳаракат қилиш назоратнинг сусайишига сабаб бўлиши мумкин. Айни ўринда лисоний хусусият сифатида услубнинг ҳам аҳамияти катта. Юқорида мисол сифатида келтирилган ассоциациялар сарлавҳанинг услуби туфайли юзага келган. Сарлавҳадаги «қимматга тушмоқ» иборасининг ҳиссий бўёқдорлиги реципиентда кўпроқ эмоционал бўлган ассоциация ҳосил қилган.

«Академия «Озодлик»ни судга берди» сарлавҳасига «Озодлик энг олий туйғу ҳисобланади. Академиянинг «Озодлик»ни судга бериши мен учун тушунарсиз» (I-36), «Академиялар кўп, масалан, ИИВ академияси ҳақида бўлса керак. Академияда ички тартиб кучли. Озодликка курсантларнинг чиқиши тақиқланган» (I-40) каби; «Телефон компьютер вазифасини бажаради» сарлавҳасига эса «Ривожланган давлатда бажара олади» (I-8), «Фан-техника ривожланиши натижасида телефон компьютер вазифасини бажариши мумкин» (I-57), «XXI аср – техника асри» (I-40) каби эркин ассоциациялар қайд этилган.

¹⁰⁶ Мазкур боб бўйича учта тажриба ўтказилган. Уларни фарқлаш учун тажриба тартиби рим рақами билан кўрсатилади.

15-жадвалда тажриба натижаларининг статистикаси берилган. Сарлавхалар қиёс осон бўлиши учун гуруҳларга ажратиб ёзилган. Реципиентларнинг жавоблари мақола мазмунига мос тасаввурни акс эттириши, мақола мазмунига мос келмайдиган нотўғри тасаввурни акс эттириши, шунингдек, реципиентнинг эркин ассоциацияларини акс эттиришига кўра сараланган. Жадвалнинг охириги устунда маълум сарлавҳага жавоб ёзмаган реципиентларнинг сони берилган.

Ҳар бир устун бўйича энг кўп миқдор ажратиб кўрсатилган. Мақола мазмунига мос келадиган тасаввурни ифодалаган жавобларнинг энг кўпи «Табийий офат Сеулга қимматга тушмоқда» сарлавҳасига тегишли. Мақола мазмунига мос келмайдиган тасаввурни ифодалаган жавоблар «Гуманитар инқироз ёқасида» сарлавҳасига тегишли. Худди шу сарлавҳа энг кўп реципиент томонидан жавобсиз қолдирилган. Эркин ассоциацияларнинг энг кўпи «Кредитни кимга берган маъқул» сарлавҳасига тўғри келади.

3.1-жадвал

Сарлавхалар бўйича ўтказилган тажриба натижалари

	Мақоланинг мазмунини ҳақиқатдаги тўғри жавоблар сони	Мақоланинг мазмунини ҳақиқатдаги нотўғри жавоблар сони	Эркин ас-циялар соция сони	Жавоб ёзмаган респондентларнинг сони
Сарлавхалар				
Швеция кронада қоладиган бўлди	51	7	6	9
Янги резолюция маъқуланмади	38	14	9	12
Британия элчихонаси ўққа тутилди	32	13	17	11
Табий офат Сеулга қимматга тушмоқда	56	2	15	0
Телефон компьютер вазифасини бажаради	45	7	18	3
Хуқуқ амалдорлари?	18	42	12	1
Кредитни кимга берган маъқул?	16	12	43	2
Пулни деб ёлгон тўқиш шартми?	3	37	30	3
А				
Б				

В	Шоирнинг «Сахройи гуллар»и	39	18	6	10
	Ингушетида портлаш	50	4	7	12
	Косонсойда шундай гўша бор	37	12	12	12
	Ўзбек талафузи	27	30	11	5
	Ургутлик афандилар	53	4	9	7
	«Пахтабанк»нинг юксак унвони	32	24	7	10
	Бу уйнинг чироғи ҳамisha ёنىк	17	28	20	8
	Поклик	8	51	10	4
	Академия «Озодлик»ни судга берди	21	26	9	17
	АҚШ грантлари тақдироти	21	43	2	7
Г	Гуманитар инкироз ёқасида	5	46	2	20
	Абдулла - ғирт шоир	21	35	6	11
	Террор:Made in America	23	35	7	8

(а) гурухига мансуб сарлавҳалар реципиентлар томонидан яхшироқ тушунилган. Сабаби, дарак гап шаклидаги сарлавҳаларда информативлик юқори бўлади. Агар бундай сарлавҳалар тил луғатининг фаол қатлаидан бўлса, реципиентда мақоланинг умумий мазмуни ҳақида тўғри тасаввур уйғотади. Масалан, «Табиий офат Сеулга қимматга тушмоқда» сарлавҳаси учун мақола мазмунига мос келадиган жавоблар 56та реципиент томонидан берилган: «*Жанубий Корея пойтахтидаги табиий тафолат оқибатлари ҳақида*» (I-13), «*Сурункасига давом этаётган довулнинг ҳали ҳануз босилмаганлиги ва Жанубий Корея ҳукумати учун катта иқтисодий ва бошқа чиқим ёки йўқотишлар ҳақида*» (I-70), «*Бу сув тошқини ёки шамол офати ҳақида бўлса керак*» (I-50), «*Агар у ерда табиий офат узоқ давом этса, Кореянинг иқтисодига ёмон таъсир кўрсатиши мумкинлиги ҳақида*» (I-22).

(б) типидagi сарлавҳалар айнан саволга жавоб шаклидаги ассоциацияларни юзага келтирган. Бундай гапларнинг матн сарлавҳасида ёхуд матн ичида қўлланиши реципиент онгида ўз жавобини ёки мақолада сўз юритилаётган мавзуга муносабатини фаоллаштиради. Бу тушунишда таассубнинг аҳамиятини оширади. Агар реципиентнинг қарашлари муаллифнинг қарашлари билан мос келса, юзага келган ассоциация матнни тушунишга ёрдам беради, мос келмаган ҳолатда эса халал беради. Масалан, «Кредитни кимга берган маъқул?» сарлавҳасига саволга жавоб тарзида 43та ассоциация берилган. Реципиентлар мақоланинг мазмуни ҳақида фикр юритмай, саволга жавоб берганлар: «*Кредит ҳаммага берилиши мумкин, фақат ундан фойдалана билиши керак*» (I-36), «*Юридик ва жисмоний шахсларга, тўғрироғи, юридик шахсларга берилади*» (I-61), «*Кредитни фермер ва деҳқонларга берган маъқул*» (I-21).

Махсус сўроқ сўзлар ёрдамида тузилган сўроқ гапларнинг савол мазмуни кучлироқ бўлади. «-ми» юкламаси ёрдамида тузилган сўроқ гапларда дарак мазмуни кучлироқ бўлади. «Хуқук амалдордами?», «Пулни деб ёлғон тўқиш шартми?» сарлавҳалари «Кредитни кимга берган маъқул?» сарлавҳасига нисбатан камроқ саволга жавоб шаклида ассоциацияларни юзага келтир-

гани («Пулни деб ёлгон тўқиш шартми?»-30та, «Хуқук амалдордами?»-12та) бунга мисол бўла олади.

«Пулни деб ёлгон тўқиш шартми?» сарлавҳаси риторик сўроқ гап. Аммо сарлавҳанинг мазмунига эътибор берсак, бугунги кунда мазкур савол риториклик даражасини бир оз йўқотган. 30та реципиент сарлавҳани соф сўроқ гап сифатида қабул қилиб, «Пулнинг кўп ё камлигига қараб» (I-17), «Бунинг учун иймонли, ростгўй, ҳалол ва пок инсон бўлса бундай қила олмайди. Агар чорасиз қолса, ўғрилиқдан шуниси маъқул» (I-41), «Менимча, ҳа, чунки пулга муҳтож оила бўлади. Йўқ ҳам, балки ўша пул ёмон бир нарсага, айтайлик, гиёҳванд дори олишга бўлиши ҳам мумкин» (I-59) қабилидаги жавобларни қайд этганлар.

(в) типига оид сарлавҳаларга ҳам мос ассоциациялар кўпроқ келтирилган (масалан, «Шоирнинг «Саҳроий гуллар»и» - 39та, «Ингушетиеда портлаш»- 50та, «Пахтабанк»нинг юксак унвони»-32та, «Косонсойда шундай гўша бор» - 37та). Мазкур тип сарлавҳалар бошқа тип сарлавҳаларга нисбатан кўпроқ қўлланади. Хусусан, мактаб дарсликларида, газета, журналларда, телевидениеда. Уларнинг тушунилишидаги бу ўртача кўрсаткични шу билан изохлаш мумкин бўлади.

«Поклик» сарлавҳаси 8та мос ассоциация ҳосил қилган. «Поклик» сарлавҳасида матн мазмунини мавҳумлаштириш даражаси юқорирок. Сабаби, «поклик» сўзи кўпроқ маънавиятга нисбатан ишлатилади. Жавобларнинг 51 тасида бу сарлавҳа айнан шу мазмунда тушунилган. Масалан, «Виждон олдида қилаётган ишлар, бирон бир иш қилишда уни тўғри эканлигини ҳис қила билишидир» (I-71). Аммо 2003 йилнинг «Обод маҳалла йили» эканлигини ҳисобга олганлар (8 та реципиент) тўғри жавоб ёзганлар: «Саранжом, саришталик, ҳалоллик маҳаллада амалга оширилаётган ободонлаштириши» (I-64), «Маҳалладаги ободончилик, сувнинг тозалиги, ҳавонинг тозалиги» (I-46).

Сарлавҳаларнинг таркибида сўзларнинг реципиент учун ноодатий бўлган контекстда қўлланиши ёки нотаниш сўзлардан сарлавҳадан фойдаланиш алоҳида сўзларнинг ассоциацияларини юзага келтиради.

(г) типига «Академия «Озодлик»ни судга берди» сарлавҳасига синалувчиларнинг 21таси, яъни «Озодлик» радиоси ҳақида

маълумотга эга бўлганларигина тўғри ассоциацияни яратишган. 17 иштирокчи ҳеч қандай ассоциатив жавобни бермаган. Нотўғри жавоблар эса 26та: «*Бу деганда қарам давлатлар ўзининг озодлигига эришиши мақсадида судга берган*» (I-3), «*Академияда тўла эркинлик бўлиши мумкин эмас*» (I-32), «*Суд қонунлари ҳақида*» (I-33), «*Инсонлар орасидаги судга бўлган эътибор*» (I-46). Мазкур мисолларда «академия», «Озодлик» сўзларини алоҳида-алоҳида, бир-бирига боғланмаган ҳолда қабул қилинганлигини, ёки бу сўзлар эътибордан четда қолиб «судга берди» бирикмасининг ўзи қабул қилинганлигини кўриш мумкин.

«Абдулла - ғирт шоир» сарлавҳасида услубий жиҳатдан номутаносиблик мавжуд. «Ғирт» сўзи салбий бўёқдорликка эга (масалан, «ғирт маст», «ғирт ёлғончи», «ғирт бекорчи»). Фақат «ғирт» сўзига эътибор берилган ҳолатларда қуйидаги жавоблар юзага келган: «*Абдулланинг мастлигида ёзган шеърлари ҳақида сўз бораётган бўлса керак*» (I-8), «*Менимча, бемаъни шоир бўлса керак-да*» (I-7), «*Абдулла-ғирт бекорчи*» (I-18), «*Абдулла – ҳақиқий ватанпарвар*» (I-25). Сарлавҳанинг яхлитлиги бузилмай қабул қилинганда қуйидаги жавоблар юзага келган: «*Бир ёш шоирнинг ҳаёти ва ижоди ҳақида*» (I-44), «*Ёши унча катта бўлмаган боланинг иқтидорига нисбатан айтилган бўлиши мумкин*» (I-23), «*Шоирнамо йигит, фақир*» (I-20), «*Абдулла исми янги шоирнинг адабиётга кириб келиши*» (I-31).

Шунингдек, «Гуманитар инқироз ёқасида» сарлавҳасидаги услубий ғализлик унинг мазмунини тўғри тушунишга халал берган. «Гуманитар инқироз ёқасида» сарлавҳаси мураккаб бирикма, яъни «гуманитар инқироз»-битишувли бирикма (аниқловчи-аниқланмиш), «инқироз ёқаси»- мослашувли бирикма, аммо реципиентларнинг кўпчилиги уни гап сифатида қабул қилган, яъни гуманитар-эга, инқироз ёқасида-кесим. Масалан, «*Инқироз ёқасига келиб қолган бирорта корхона ёки бошқа нарса*»(I-46), «*Инқироз ёқасидаги ташиқлот*» (I-56, I-49), «*Бирор давлатнинг инқирози*» (I-20), «*Гуманитар деганда ижтимоий фанлар тушунилса, уларни инқироз ёқасида дея олмайман*» (I-36). Бундай қабул қилинишига сабаб «гуманитар» сўзининг маъноси тўла тушунарли бўлмаганида.

Буни реципиентлар диққатининг «гуманитар» сўзида ушлаб қолинганлигида кўриш мумкин: «Гуманитар - бу инсонийлик сўзига яқин маънони беради. Демак, кўра-била туриб, ўз қўшнисига инсонийлик кўмагини дариз тутган давлат ёки қатлам вакиллари ҳақида» (I-70), «Ҳозирги кунда гуманитар фанларга эътибор сусаймоқда. Бу инқироздан чиқиш гуманитар фанларнинг мутахассисларининг қўлида» (I-32), «Гуманитар фанлар назарда тутилаётган бўлса керак, бу фанлар тарих, фалсафа, филология ва бошқалар. Менимча, буларда ривожланиш паст» (I-73). «Гуманитар» сўзининг ўрнига «ижтимоий» сўзи қўлланганда унинг сифатловчи эканлиги ўзбекзабон тингловчи учун ёки ўқувчи учун тушунарли бўлган бўлар эди. Шунингдек, мослашувли бирикмада қаратқич келишигининг белгисиз қўлланиши белгили қўллангандагига қараганда бирикма англатаётган тушунчанинг нисбатан яхлитлигини, бутунлигини таъминлайди. Масалан, «ўқувчи китоби», «ўқувчининг китоби» бирикмаларини олайлик. Биринчи бирикмада фақат ўқув жараёнида банд бўлган шахс учун мўлжалланган, айнан шу жараёнда қўлланадиган китобни англатса, иккинчи бирикма ўқув жараёнида банд бўлган шахснинг бу жараёнга алоқаси бўлмаган китобини англатади. Иккинчи бирикмада тобе муносабат биринчи бирикмага нисбатан кучсизроқ, яъни сўзларнинг мустақиллиги кўпроқ сақланган. Шунга кўра, агар сарлавҳа «гуманитар инкироз ёқасида» эмас, «гуманитар инкирознинг ёқасида» шаклида бўлганида «гуманитар» сўзи «инкироз» сўзининг сифатловчиси эканлиги тушунилган бўларди.

Газета сарлавҳалари диққатни тортиши ва мақоланинг ўқишлишига асос яратиб бериши керак. Тажрибанинг хулосаси сифатида айтиш мумкинки, тузилиши жихатдан мураккаб, перцепцияда қийинчилик пайдо қиладиган лисоний воситаларнинг сарлавҳаларда қўлланиши унинг таъсир самарасини туширади. Одатда, ўқувчи ўзига тушунарли ва мавзу жихатдан яқин туюлган сарлавҳали мақолани ўқишга ҳаракат қилади.

3.2.2. Матнни тушунишда алоҳида сўз ва матн муносабати

Матннинг мазмуний перцепциясида матн ўз формал-семантик яхлитлигини саклаб туради ва сўзлар унинг таркибий қисми сифатида, яъни матн тизимининг қонуниятларига бўйсунган элемент сифатида юзага чиқади. Матннинг тўғри ва тўлиқ тушунилиши учун реципиент ҳар бир сўзнинг алоҳида ҳолдаги маъносини яхши билиши муҳим. Бироқ маълум ҳолатларда реципиент учун нотаниш бўлган сўзнинг маъноси контекстдан англашилиб туради ёки таниш бўлган сўзнинг маъноси контекстда бошқа маъно касб этиши мумкин. Умуман, алоҳида сўзнинг маъносини билиш ёки билмаслик матнни тушуниш даражаларига таъсир этади. Бу масалани биз қуйидаги тажриба мисолида кўриб чиқамиз.

Тажрибада Тошкент Давлат Юридик институти қошидаги Академик лицейнинг I-III курс ўқувчиларидан 39 киши иштирок этди. Синалувчиларга «Ўзбекистон овози» газетасининг 2004 йил 15 май (59 (27234)) сонидagi «Японияда ўзбек ипакчилиги» мақоласидан 6 та сўз берилди ва уларга ёзма таъриф бериш сўралади. Сўнг шу мақола уч марта ўқиб эшитирилди ва баён олинди. Таъриф учун берилган сўзлар қуйидагилар: *префектура, экспонат, этнолог, коллекция, хомашё, ЮНЕСКО*.

Матн 152 та сўз (7 та гап) дан, 5 та мазмуний блокдан иборат.

Матн блоклари қуйидаги мазмунда:

1. Японияда ипакчилик кўргазмаси бўлиб ўтди.
2. Кўргазмада Ўзбекистон ҳам қатнашди.
3. Кўргазма доирасида илмий-амалий анжуман бўлди.
4. 2020 йилда Буёқ Ипак Йўлининг мавқеи ошади.

5. Ўзбекистонга япон туристларининг ташрифи кўпайиши мумкин.

Таҳлил жараёнида баёнлар дастлаб 2 та гуруҳга бўлинди: таъриф берилган сўзлар иштирок этган ва иштирок этмаган баёнлар.

Биринчи гуруҳ яна 4 га бўлинади:

А-Таъриф берилган сўз асл матнга мос бўлган контекстуал маънода қўлланган баёнлар (11 та).

В—Мазкур сўзлар бошқа контекстуал маънода қўлланган баён (3 та).

С-Сўз контекстда нотўғри қўлланган баёнлар (6 та).

Д-Айрим сўзлар тўғри, айримлари нотўғри қўлланган баёнлар (11 та).

Иккинчи гуруҳ яна 2 га бўлинди:

Е-тўғри тушунилган баёнлар (5 та).

Ғ-нотўғри тушунилган баёнлар (3 та).

Сўзга таъриф бериш реципиентларнинг сўзнинг луғавий маъносини қай даражада ўзлаштирганлигини ва бу ҳолат умумий матн контекстини тушунишга қандай таъсир қилишини кузатишга ёрдам беради. Фаол катламга тегишли сўзни реципиент ўз нутқий тажрибаси давомида турли контекстларда қабул қилган бўлади ва ўзи ҳам бевосита қўллайди. Шунинг учун, одатда, бундай сўзларга таъриф беришда кийинчилик бўлмайди. Бирор сўзни тўлиқ таърифлай олиш инсоннинг шу сўзнинг маъносини яхши ўзлаштирганлигидан далолат беради.

Тажриба натижаларида реципиентлар сўзларга тўғри таъриф берган ҳолатлар, нотўғри таъриф берган ҳолатлар ҳамда таърифнинг ўрнига шу сўз қўлланган контекстни келтирган ҳолатларни кўриш мумкин.

Реципиентларнинг баёнларида эса сўзларнинг тўғри ёки нотўғри контекстда қўлланганлигини кузатдик. Тажриба натижалари статистикаси 16-жадвалда берилган.

3.2-жадвал
II тажриба бўйича сўзларга берилган таърифлар ва сўзларнинг реципиентлар баёнида қўлланиши.

Таъриф учун берилган сўзлар	Матрни эшитишдан олдин			Матрни эшитгандан кейин		
	Тўғри таъриф	Нотўғри таъриф	Таъриф ўрнига контекст берилган ҳолатлар	Сўз контекстда тўғри қўлланган ҳолати	Сўз контекстда нотўғри қўлланган ҳолати	Ҳолати
Префектура	-	1	-	2	11	
Экспонат	21	6	5	5	2	
Этнолог	22	3	1	3	2	
Коллекция	13	2	20	2	5	
Хомашё	24	3	6	4	1	
ЮНЕСКО	29	1	1	9	-	

Тажрибада реципиент сўзларга қанчалик тўлиқ ва тўғри таъриф берган бўлса, матнни шунчалик яхши тушунган. Реципиент сўзга қандай таъриф берган бўлса, матнда ҳам, асосан, ўша маънода қўллаган. Масалан, бир реципиент “экспонат-бу ҳар хил расм, янги чиққан нарсаларни кўрсатиши”, -деб таъриф беради. Шу сўз иштирокидаги гапи: «Европадан йиғилган қадимий атласлар экспонати бўлиб ўтди» (II-D9)¹⁰⁷. Бу мисолда реципиент «экспонат» сўзини «кўргазма» сўзининг маъноси билан адаштиради. Ёки II-C1 реципиенти «коллекция» сўзига «ясатиб қўйилган нарсалар», деган таъриф беради ва қуйидаги гапда қўлайди: «Япониянинг Гунма префектураси маркази Маебаши шаҳрида итақчилик коллекцияси бўлиб ўтди». Бу ҳолатда эса «коллекция» сўзи «кўргазма» сўзи билан адаштирилган.

«Экспонат» сўзининг маъноси «кўргазма» сўзининг маъноси билан гипо-гиперонимик муносабат билан боғланган. Яъни «экспонат» сўзи қисмининг, «кўргазма» сўзи бутуннинг маъноси беради. Экспонат, албатта, ё музейда, ё кўргазмада намойиш этиладиган буюм. Экспонат ўз ҳолича кўргазма ё музейдан ташқарида экспонат бўла олмайди. Масалан, мактаб партаси фақат кўргазмадагина экспонат бўла олади. Кўргазмадан ташқарида эса у мактабга тегишли оддий мебелдир. «Ўзбек тилининг изоҳли луғати»да «экспонат» сўзига қуйидагича таъриф берилади: «Музей ва кўргазмаларда намойиш қилинадиган нарса, экспозицияга қўйилган нарса»¹⁰⁸. «Кўргазма» сўзининг шу луғатдаги таърифи: «Кўриш, томоша қилиш учун қўйилган нарсалар ва шу нарсалар қўйилган жой» ва «Кўргазма экспонатлари» бирикмаси мисол сифатида келтирилади¹⁰⁹.

Гипо-гиперонимик муносабатдаги сўзлар реципиент хотирасида шу алоқага кўра сақланади. Бунда бутунлик маъносини ифодалаётган сўзнинг маъноси доминант бўлади. Қисм маъноларини ифодалаётган сўзнинг маъноси етарли даражада ўзлаштирилмаган бўлса ёки шакли эслаб қолинмаса, бу сўзларнинг ўрнига бутунликни ифодалаётган сўз қўлланади. Бироқ реци-

¹⁰⁷Тажриба иштирокчиларининг рўйхати иловада берилган (қ.: 148-149-бетлар)

¹⁰⁸Ўзбек тилининг изоҳли луғати. –М., 1981. II жилд. -Б.442.

¹⁰⁹Ўзбек тилининг изоҳли луғати. - М., 1981. I жилд. -Б.419.

пиент бу сўзни билмаслиги мумкин. У маълум сўзларни бир контекстда ишлатилишига ўз нутқий тажрибаси давомида дуч келган бўлса, унинг онгида шу сўзлар учун умумий контекстуал маъно шаклланади. Бизнинг мисолимизда реципиент «экспонат», «кўрғазма», «коллекция» сўзларнинг алоҳида маъноларини тушуна олмаган ва улар қўлланган контекстнинг мазмуни ҳақида «нимадир намойиш этилади» қабилдаги тасаввур ҳосил қилган. Шунинг учун «*Бир қанча экспонат музейлари ўтказилди*» (II-C6) гапидаги каби хатоликлар юзага келган.

Бу сўзларни тўғри тушунган реципиентлар баёнда ҳам уларни хатосиз қўллаганлар. Масалан, II-A10 реципиент «коллекция-бирор-бир аҳамиятга эга бўлган буюмлар, нарсалар, санъат асарларининг йиғилмаси; экспонат музейларда сақланадиган, тарихий аҳамиятга эга бўлган, қимматли нарсалар намунаси», -деб таъриф ёзади ва қуйидаги гапда «коллекция» сўзини қўллайди:

«Конференцияда Ўзбекистон учун ажратилган залга қўйилган экспонатлар айниқса томошабинлар эътиборини жалб этди. Кўрғазмада ўзбек ипакчилик ташкилоти томонидан тақдим этилган ипак намуналари, ипак хомашёси коллекциялари ҳамманинг эътиборини қозонди».

II-A1 реципиенти: «коллекция-мажмуа, Инсонлар ўз севган буюм ёки бошқа бирор нарсани йиғиши, тўплаши. Экспонат-қадимдан ота-боболаримиздан бизгача етиб келган, музейларда сақланадиган буюмлар. Кўрғазмага қўйиладиган нарсалар ҳам шундай аталади», - дея таъриф берган ва бу сўзлар иштирокида тузган гапи қуйидагича: «*Япониялик таниқли этнолог хоним бошчилигида Марказий Европадаги ўзбек хомашёси экспонати, ўзбек миллий ипакчилиги бирлашмаси, турли хил ипак толаларидан намуналар коллекциясини кўрғазма учун қўйдилар*». Бу мисолда «коллекция», «экспонат» сўзлари ўз маъносида қўлланган, бироқ гап жуда узунлиги ва гипотактик тузилиши боис сўзлар ўртасидаги синтактик алоқалар матндагидай айнан ёки шунга яқин даражада сақлаб қолинмаган. Синтактик алоқалар ҳам лексемалар ҳам тўғри тушунилган ҳолатда «Коллекция» ва «Экспонат» сўзлари қўлланмасдан (бу сўзларнинг тўғри тушунилганлигини реципиентнинг уларга берган таърифидан билемиз: «коллекция-бирор бир нарсанинг турли навларидан наму-

налар. Экспонат-бу бирор бир соҳага асосланган, музейларда сақланадиган жиҳозлар, буюмлар») стимул матн мазмуни билан мос келадиган гап тузилган: «*Кўргазма ташкил этилиб, унда «ўзбек ипаги»нинг бир неча тилла намуналари ва хомашёлар намойиши этилди. Шу билан бирга ўзбек ипагидан тайёрланган матолар: атлас ва адраслар намойиши томошабинларда катта қизиқиши уйғотди*» (II-1A7). (Қиёсланг: асл матндаги гап «**Экспонатлар орасида таниқли япон этнологи Тейко Като хоним ва марказий Евроосиё клуби коллекцияларидан олинган ўзбек миллий либослари, «ўзбек ипаги» уюшмаси томонидан тақдим этилган турли навдаги пилла намуналари ва ипак хомашёси томошабинларда катта таассурот уйғотди**»).

Матнда реципиент учун нотаниш бўлган сўзнинг қўлланиши қабул қилинаётган лисоний бирликлар занжирида узилишни юзага келтиради. Бу узилиш туфайли лисоний воситаларнинг матндаги ўрни айнан сақланмайди. Қабул қилиш жараёнида бу ҳолат сўзлар орасидаги синтактик муносабатни тўғри англашга ҳалал беради. Натижада, реципиент онги хотирада мавжуд эталонларга асосланиб гапни қайта тузади. Бунда у матн ичидан эслаб қолган сўзларидан фойдаланади. Масалан, асл матндаги «*Япониянинг Гунма префектураси маркази Маебаши шаҳрида халқаро ипакчилик кўргазмаси бўлиб ўтди*» гапи баёнларда қуйидагича ифодаланади: «*Япониянинг Гунма префектураси илмий тадқиқот маркази Маебаши шаҳрида катта илмий-оммавий анжуман ўтказилди*» (II-Д3), «*Японияда Гунма префектураси ва илмий тадқиқот маркази раҳбарлигида халқаро ипакчилик тадбири бўлиб ўтди*» (II-A1) Мазкур мисолларда гапнинг боши ёдлаб қолинган. Гап тўлиқ тушунилмаганлиги учун реципиент уни ёдлаб қолишга ҳаракат қилган. Шунинг учун асл матндаги гапнинг умумий мазмуни ҳақидаги тасаввур асосида гап қайта тузилган. Қайта тузиш вақтида реципиент матннинг турли ўринларда қўлланган сўзлардан (*илмий тадқиқот маркази*- асл матндаги 3-гапда қўлланган; *илмий-оммавий анжуман*-асл матннинг 5-гапида «илмий – амалий анжуман») сўз бирикмаси мавжуд) фойдаланганлиги матнни қабул қилиш жараёнида лексемалар ва сўз бирикмаларини перцептив бирлик сифатида

ажратганини билдиради. Бундай ҳолатда тушуниш куйи даражада амалга ошади.

Нотаниш сўзнинг қўлланиши натижасида юзага келган узилиш фақат шу сўзнинг матндаги ўрни билан чегараланиши ва матннинг қолган қисмларига таъсир этмаслиги мумкин. Бунда шу сўз қатнашган гапнинг мазмуни нисбатан тўғри тушунилади. Гапни қайта тузишда реципиент шу сўзни ишлатмаслиги ёки контекст ёрдамида англашилган умумий маънони бошқа сўз ёрдамида ифодалаш мумкин. Масалан, «Япониянинг Маебаши шаҳрида халқаро ипакчилик кўرғазмаси бўлиб ўтди» (II-C4), «Японияда халқаро ипакчилик кўрғазмаси бўлиб ўтди» (II-D11) ёки «Япония шаҳарларининг бирида кўрғазма бўлиб ўтди» (II-D4).

Тилда қўлланивчи стандарт конструкциялар нотаниш сўзнинг маъноси ҳақида маълумот берувчи энг яхши воситалардир. Масалан, «Гунма» сўзи атоқли от эканлигини бу сўзни қўллаган барча синалувчилар тушунганлар. Бунга, албатта, ўзбек тилидаги стандарт шакл (Тошкент шаҳри, Россия Федерацияси, Ниёзбоши қишлоғи ва Гунма префектураси, яъни, отҚ(отҚэгалик қўшимчаси III шахс, бирлик) шакли) ёрдам берган.

Сўз бирикмалари матний перцепция жараёнининг бирлиги ҳисобланар экан, шу ўринда уларнинг семантик ва синтактик хусусиятларининг матни тушунишдаги аҳамияти ҳақида сўз юритишни лозим топдик. Фаол луғатдаги сўзлардан тузилган бирикмалар ва стандарт конструкциялар перцепция жараёнида ўз яхлитлигини сақлайди. Бироқ бу бирикмаларнинг жуда узун бўлиши уларни тушунишга халал беради. Газета матнларидаги хабар мазмунидаги мақолаларда, одатда, содда гаплар қўлланади. Ахборотни сиқик шаклда беришга бўлган интилиш бу содда гапларнинг таркибида узун бирикмаларнинг қўлланишига олиб келади. Масалан, газета матнларида «аниқловчи Қ аниқланмиш» типдаги узун ва мураккаб бирикмалар кўп ишлатилади. Учинчи тажрибада фойдаланилган стимул матнда «Япониянинг Гунма префектураси(нинг) маркази Маебаши шаҳри...» бирикмаси қўлланган (Япониянинг Қ Гунма префектураси Қ маркази Қ Маебаши шаҳри... - қаратқич аниқловчи Қ қаратқич аниқловчи Қ сифатловчи аниқловчи Қ аниқланмиш). Кўпчилик реципиентлар

асл матндаги қаратқич аниқловчи бўлган сўз (префектураси)ни сифатловчи-аниқловчи сифатида қабул қилганлар. Шунинг учун баёнларда «*префектура маркази*» шаклидаги бирикма қўлланган: «*Япониянинг Гунма префектура марказида ипакчилик бўйича кўргазма анжуман бўлиб ўтди*» (II- A6), «*Япония префектура марказида, Маебашини шаҳрида ўзбек ипакчилик тўзрасида ийгилиши бўлди*» (II-B2). «Префектура» сўзи реципиентлар учун нотанишлиги билан бирга қаратқич келишигида белгисиз қўлланиши перцепциядаги қийинчиликни янада оширган.

Реципиентлар «ЮНЕСКО» сўзига таъриф беришда унинг нима билан шуғулланиши ҳақида турли фикрларни билдирганлар, аммо халқаро ташкилот эканлигини таъриф ёзган реципиентларнинг барчаси қайд этган. Шунинг учун ҳам баёнларда бу сўз тўғри қўлланган. Шунингдек, бу сўз иштирокидаги асл матндаги гап нисбатан қисқа ва содда тузилишга эгаллиги ҳам тўғри тушнишга ёрдам берган.

«Хомашё» сўзи 5 та баёнда ишлатилган, бир ўринда, II-A1 реципиенти томонидан нотўғри қўлланган. Бу реципиент матни тинглашдан олдин сўзга: «*хомашё- буюм, маҳсулот. Хомашё қайта ишланиб, инсон заруриятини қондиради*», -деб таъриф берган. Баёнда куйидаги гапда шу сўздан фойдаланган: «*Япониядаги таниқли этнолог хоним бошчилигида Марказий Европадаги ўзбек хомашёси экспонати, ўзбек миллий ипакчилиги бирлашмаси турли хил ипак толаларидан намуналар коллекциясини кўргазма учун қўйди*». Реципиент сўзга берган таърифи тўлиқ эмас. Бу сўзнинг маъноси хусусида унда қатъий ишонч йўқлигини билдиради. Баёнда йўл қўйилган хатони асл матндаги айни гапнинг нисбатан узунлиги, мураккаб бирикмаларнинг уюшиқ ҳолда қўлланиши ҳамда реципиентнинг сўз маъноси хусусида қатъий, тўлиқ тасаввурга эга бўлмаганлиги билан тушунтириш мумкин. II- B2 реципиенти шу сўзга «*хомашё тайёр бўлмаган маҳсулот, ишлов берилиб, фойдаланса бўлади*», - деб таъриф беради ва баёнда: «*... хомашёлар ҳам кўргазмага қўйилди*», - деб ёзади.

Матнни тушунишда лексема ва сўз бирикмалари тил луғатининг фаол-нофаол қатламидан эканлиги, лексема ва сўз бирикмасининг аниқ ва мавҳум тушунчани ифодалашини, гапнинг узун-

лиги ва синтактик тузилиши, матннинг мазмуний блокларининг ўзаро алоқаси (яъни, матннинг мазмуний структураси), муҳим омиллардан ҳисобланади. Бу лисоний омиллар матннинг қандай тушунилишни белгилаб беради.

Газета матнида ўқувчи учун нотаниш сўзлар қўлланганда контекст бу сўзнинг маъносини аниқлашга ёрдам бериши керак, бироқ сўз қўлланган бирикма мураккаб тузилишга эга бўлса, маънони аниқлашга тўсқинлик қилади. Бу ўзбек тили мисолида келишиқ қўшимчалари ёрдамидаги бирикмаларнинг белгили ва белгисиз қўлланиши натижасида юзага келади. Масалан, қаратқич келишиги кетма-кет қўлланганда, яъни мураккаб бирикма ҳосил қилганда, одатда, аввал белгили, кейин белгисиз қўлланади. Белгисиз қўлланиши перцепцияда кўпроқ вақт олади. Сабаби, қабул қилинган бирикма хотирадаги битишувли бирикма, белгисиз қўлланган қаратқич аниқловчи, белгисиз қўлланган тушум келишигидаги от ва кесим, эга ва кесим каби конструкциялар билан солиштирилади. Нотаниш сўзнинг маъноси контекстда қандай тушунилса ёки тушунилмаса, унинг ўрнини контекстуал маънога асосланган ассоциация эгаллайди. Бу ассоциациянинг стимул сўзга маънов жиҳатидан яқинлиги гапнинг мазмунини безарар сақлайди. Ассоциациянинг маъноси стимул сўздан қанча узоқ бўлса, гапнинг мазмуни ҳам аслидагидан шунча узоқлашиб бораверади. Бунда қуйидаги ҳолатларни кузатиш мумкин бўлади:

а) гапдаги бошқа сўзлар ва гап структураси айнан эслаб қолинганда ассоциатив сўз гапдаги нотаниш сўзнинг ўрнига қўйилади ва гапга мазмунан мос келмаганлиги учун гапнинг яхлитлигини бузади. Натижада мантиқан нотўғри гап ҳосил бўлади;

б) гапдаги айрим сўзлар ва айрим бирикмаларнинг структураси эслаб қолинганда маъно жиҳатидан стимул сўздан узоқроқ бўлган ассоциатив сўз қўлланса, гапни гап сифатида шакллантириш учун ассоциатив сўз стимул сифатида юзага чиқади ва бошқа ассоциацияларни юзага келтиради. Бунинг натижасида гап (ёки матн) мазмуни аслидагидан янада узоқлашади.

Гап яхши эслаб қолинмаса ва сўз алоҳида эслаб қолинган ҳолатда реципиент онгида юзага келган синтагматик ассоциациялар мазкур сўз учун контекст вазифасини бажаради.

3.3. Газета матнини тушунишда реципиент индивидуал-психологик хусусиятларининг аҳамияти

Матн мазмуний перцепциясининг самараси матннинг лисоний хусусиятларидан ташқари реципиентнинг индивидуал-психологик хусусиятлари билан ҳам боғлиқдир. Биз ушбу параграфда матннинг тушунилишида таассуб ва хабардорликнинг аҳамияти ҳақида сўз юритамиз.

3.3.1. Матн мавзусидан хабардорликнинг тушунишга таъсири

Матн мазмуний перцепциясига бағишланган ишларнинг кўпчилигида реципиентнинг ахборотга эгалик даражасига эътибор қаратилади. Масалан, Ю.А.Сорокин «реципиент матн структурасини вазият структураси билан мослаштириб қабул қилади (вазият реципиентнинг маълум илмий йўналишдаги билим даражасидир)», - дейди¹¹⁰. Т.А.ван Дейк ва В.Кинчлар эса «Дискурсни тушуниш стратегиялари» асарида тушунишни жараён сифатида талқин этар эканлар, у нафақат қабул қилинаётган маълумотларни қайта ишлаш ва уларнинг интерпретациясини, балки ички когнитив ахборотни фаоллаштириш ҳамда ундан фойдаланишни ўз ичига олади, деб ёзадилар¹¹¹.

А.Р.Лурия матни тушунишда грамматик таҳлилнинг зарурлигини таъкидлаб, тайёр ҳолдаги ахборотнинг мавжудлигига кўра декодлаш жараёни икки хил кечиши мумкин, дейди. Яъни, «биринчисида хабарнинг мазмуни гап конструкциясининг формал-грамматик белгиларини таҳлил қилиш ҳисобига тушунилади. Бунда тушуниш жараёни мураккаб бўлиб, кўшимча трансформациялар ёрдамида амалга ошади, иккинчисида эса, яъни матн мавзуси борасида реципиентда ахборот мавжуд, грамматик таҳлил шарт эмас. Тушуниш «топқирлик» (догадка) ҳисобига бўлиши мумкин»¹¹².

¹¹⁰ Сорокин Ю.А. Психоллингвистические аспекты изучения текста. -М., 1985. -С.158.

¹¹¹ Ван Дейк Т. А., Кинч В. Стратегия понимания связного текста// Новое в зарубежной лингвистике. Вып. 23. -М.,1988. -С.158

¹¹² Лурия А.Р. Основные проблеммы нейролингвистики. -М., 1975. -С.173.

Ахборотнинг қабул қилиниши ва тушунилишини тадқиқ этган А. Антонов хабарнинг информативлиги алоҳида инсон учун унинг билим даражасига боғлиқлигини айтади. Агар инсон қабул қилаётган хабар унинг учун том маънода янги бўлса, унинг аввалги билимлари билан ҳеч қандай алоқаси бўлмаса, бу хабарнинг информативлиги у инсон учун нолга тенг бўлади. Агар хабарда инсон аввалдан билган нарсалар ифодаланса ҳам шундай. Максимал даражада информативликка эга хабар реципиентдаги мавжуд билимга таяниб, тушунишни таъминлайдиган ва бу билимнинг ўсишига хизмат қиладиган хабардир¹¹³. Бу жиҳатдан олиб қараганда газета матнларининг максимал даражада информативликка эга эканлигини қайд этиш лозимдир.

Матн мавзуси хабардорликнинг матни тушунишга бўлган таъсирини қуйидаги тажриба асосида таҳлил қилдик. Тажрибада Тошкент Давлат Юридик институти қошидаги Академик лицейнинг III курс ўқувчиларидан 20та ва Ўзбекистон Миллий университетининг 4-курс талабаларидан 26таси қатнашди. Тажриба материали сифатида «Хуррият» газетасининг 2004 йилнинг 14 январь 2(360)-сонида чоп этилган «Қиш сонатаси»-севги таронаси» мақоласи олинди. Мақола Ўзбекистон телевидениесида тажриба ўтказилган вақтга қадар уч марта (икки марта ўзбек тилида, бир марта рус тилида) намойиш этилган «Қиш сонатаси» номли Жанубий Корея киноижодкорлари томонидан яратилган 20 қисмли телевизион фильм ҳақида. Мақола таҳлилий характерда. Мақола 11 та блокдан иборат бўлиб, уларнинг мазмуни қуйидаги топикларни ҳосил қилади:

1. Муҳаббат-илоҳий.
2. Севги эзгуликка етаклайди.
3. «Қиш сонатаси» сериали севги ҳақидаги зўр фильм.
4. Фильм муваффақиятининг бир неча сабаби бор.
5. Фильм қаҳрамони (Жун Санг)нинг онаси икки марта хаюга йўл қўяди.
6. Фильм қаҳрамонининг онасига муносабати ибратли.
7. Фильмнинг сюжети қизиқарли.
8. Фильм қаҳрамони (Южин)-муҳаббат фариштаси.

¹¹³ Антонов А. В. Информация: восприятие и понимание. -Киев, 1988. -С.16.

9. Фильмда ибo-ҳаёга катта эътибор қаратилган.

10. Фильм ўзбек тилига яхши таржима қилинган.

11. Фильм ўз мухлисини йўқотмайди.

Матн блокларининг ўзарo алоқаси топикларнинг мазмунан бир-бирини давом эттиришига кўра белгиланади. Аммо бу алоқанинг шаклий кўрсаткичи вазифасини бевосита матннинг ичидаги сўз бажаради.

Қуйида матн блокларининг ажратилиши ва уларни боғлаб турган сўзларни кўришимиз мумкин:

«Қиш сонатаси» - севги таронаси

(«Хуррият», 14 январь 2004 йил 2(360)-сон, 2-бет, «Таассурот» рукнида)

1. Муҳаббатнинг илоҳийлигига унга мубтало бўлган қалбларгина тушунади.

2. Балки муҳаббат мавзусининг қадимийлиги ҳам, инсонийлиги ҳам унинг илоҳийлигидадир?! Севги инсон ҳаётига теран маънолар бағишлайди. Масалан, севгига ошно қалблар гўзалликка интилиб, эзгуликни ўз «қонуни»га айлантиради.

3. Яқинда телевидение орқали намойиш этилган «Қиш сонатаси» кўп қисмли фильм муҳаббат бобидаги дурдона картиналардан эканлигини томоша килдик.

Сериялда муҳаббат мавзуси ғоятда маромига етказиб тасвирланганки, шу боисдан томошабин ҳаёли унга таъбир жоиз бўлса, ипсиз боғланади. Ҳатто кино қаҳрамони Южинни пинҳона ёқтириб қолади.

4. Фильмнинг бу қадар муваффақиятли чиқишининг бош сабаби, назаримда, унда муҳаббат инсон дунёсининг гўзаллиги, моҳияти тарзида кўрсатилганлигидадир. Инсондаги қалб гўзаллиги ҳусн гўзаллиги билан уйғунлашгандагина инсон том маънодаги гўзал бўлишини етказа олган.

Фильм севгини ўткинчи ҳис-туйғу, ёшликнинг ҳолатлари деб қарайдиганларга муҳаббатнинг бўй-бастини кўрсатибгина қолмай, илоҳий қудратнинг сиру синоатига эътиборни қаратади.

Одамзот ўз севгисини ўлчамайди. Фақат ҳис қилиши мумкин. Унинг тарозиси ҳам, тарозибони ҳам виждон.

5. Шу жиҳатдан қараганда **Жун Сангнинг** онаси икки бор хатоликка йўл қўяди. Аввало, у ўз севгисини тўғри баҳолай олмади. Севмаганга суйкалади. Иккинчи бор ҳақиқатни яширади. Бунинг оқибатида икки қалб жароҳатланади. Воқеа жараёнида бу аёлдан нафратлана бошлаймиз. Томошабин назарига енгил-такроқ бўлиб кўринади. Бироқ аёлнинг ички кечинмалари, жавобсиз муҳаббатига қуюнишлари, чуқур қалб изтироблари унга нисбатан кишида ҳамдардлик уйғотади.

6. **Жун Сангнинг** меҳрга лимо-лим тўла қалбида онага бўлган меҳр ҳам бекиёсдир. Она ва фарзанд ўртасидаги бир-бирини тушуниш истаги уларни танг ҳолатлардан олиб чиқади.

7. **Фильмда** нафрат ва ҳасад пасткаш одамларнинг тифсиз куролига айланади. Бу куролни маккорлик билан ишлатишга ҳар қанча уринмасин, ҳақиқат муҳаббатга кўмаклашаверади. Сирли воқеалар очилиш жараёнида севишган қалблар руҳан бир-биридан узоқлашмайди, аксинча, бир-бирига яқинлашади. Муҳаббат фақат ҳақиқатга суянадиган тўғри йўл саодати эканлигини томошабин чуқур ҳис этади.


8. **Сериал** қаҳрамони **Южин-муҳаббат** фариштаси. У ҳақда фикр билдириш кишига осон эмас. Бу қиз ҳар бир ҳаракатида ўзига чуқур муҳаббат уйғотади. Южин муҳаббатни улуғлайди, дунёда меҳр-муҳаббатдан кучлироқ туйғу йўқлигига сизни ишонтиради.

9. Кишини мафтун этувчи яна бир жиҳати шуки, шарқ халқларига хос ибод ва ҳаё **фильмнинг** бош бегадидир. Унда ўзбек ва корейс халқлари маданиятидаги муштаракликни сезиш қийин эмас.

10. Ҳар бир инсон қалбига чуқур маънавий озуқа берадиган бу кўп қисмли **фильм** ўзбек тилига моҳирона таржима қилинганлигини алоҳида таъкидлагимиз келади.

11. У такрор-такрор кўрсатилса ҳам ўз муҳлисини йўқотмайди.

Матн блокларининг бир-бири билан боғланишини схемада куйидагича бериш мумкин:



Яъни 1-блок билан 2-блок иккаласида ҳам такрорланувчи «муҳаббат» сўзи билан боғланган. 2-блок ва 3-блок 2-блокнинг охири гапида қўлланган «севги», 3-блокнинг биринчи гапида қўлланган «муҳаббат» сўзи билан; 3-блок 4-блок билан 3-блокнинг охири гапида қўлланган «кино» ҳамда 4-блокнинг 1-гапида қўлланган «фильм» сўзи билан боғланган. Шунингдек, бу блокдаги «кўп қисмли фильм» бирикмаси 7, 9, 10, 11-блоклардаги «фильм» сўзлари билан боғланган. 3-блок 8-блок билан «Южин» сўзи мисолида боғланган. Ўз навбатида 8-блок 7-блок билан «фильм» ва «сериал» сўзлари мисолида боғланган. 5- ва 11- блоклар ўздан олдинги блокка «шу» ва «у» олмошлари мисолида боғланган.

Баёнларни таҳлил қилишда куйидаги гуруҳлар ажратилади:

А - стимул матндаги маълумотлар ва реципиентдаги ахборотнинг уйғунлашуви натижасида юзага келган когерент баёнлар (6 та);

В- стимул матн асосида ёзилган, лекин реципиентдаги мавжуд ахборот баёнга қўшилиб, дискогеренция ҳосил қилган ҳолат мавжуд баёнлар (4та);

С- фақат стимул матн асосида ёзилган баёнлар (16 та);

Д- кўпроқ реципиентдаги информация юзага чиққан баёнлар (17 та);

Е- кинони кўрмаган реципиентларнинг баёнлари (4 та).

Реципиент «Қиш сонатаси» сериали ҳақидаги матнни қабул қилар экан, унинг онгида фильмнинг сюжети ҳақидаги умумий

тасаввур, фильмнинг энг ёққан жиҳатлари хусусидаги билим ва фильмга алоқадор бўлган бошқа маълумотлар (масалан, Жанубий Корея ҳақида, фильмда иштирок этган актёрлар ҳақида, шу фильмга реципиент атрофидагиларнинг муносабати ҳақидаги билимлари) фаоллашади. Реципиент матнни шу билимлар фониди қабул қилади. Стимул матн реципиентлар учун ҳам шаклий, ҳам мазмуний стимул вазифасини ўтайди. Яъни матннинг мазмуни реципиентнинг шу мавзудаги билимларини фаоллаштиради, матннинг шакли (ундаги сўзлар, гап қурилиши ва матннинг мазмуний структураси) реципиентнинг лисоний билимини (кўникмасини) фаоллаштиради. Лисоний кўникманинг фаоллашиши матннинг мазмуний перцепциясини бошлаб беради. Реципиентнинг матн мавзусидан хабардорлиги унга матнни тушунишда ёрдам беради. Стимул матннинг элементлари матн проекциясида қандай сакланиши ва унга реципиентнинг информацияси қай тарзда қўшилишини таҳлил қилиш орқали матн мавзусидан хабардорликнинг матнни тушунишдаги аҳамиятини ойдинлаштириш мумкин бўлади.

Фильмни томоша қилган реципиентларнинг баёнларида ўзларида аввалдан мавжуд бўлган фильм ҳақидаги ахборотнинг қуйидаги шаклларда юзага чиқиши кузатилди:

а) реципиентнинг шахсий билими гап шаклида, бирикмалар шаклида, кириш сўзлар, сифатловчилар шаклида стимул матн блокларининг ичига киритилади. Бунда асл матнга хос блоклар баён матнининг формал-семантик асосини ташкил этади;

б) реципиентнинг шахсий билими алоҳида мазмуний блок шаклида баёнга киритилади. Бироқ бу блок баён матн блоклари билан дискогерентликни келтириб чиқаради;

в) реципиентнинг шахсий билими бир неча мазмуний блок ёрдамида ифодаланиб, стимул матнга хос шакл сакланмайди. Бунда фақат стимул матннинг бошланиши баён матнида ифодаланиши мумкин.

Мазкур ҳолатларнинг юзага келишида реципиентнинг матн мавзусидан хабардорлиги асос бўлган бўлса, улар ўртасидаги фарқ реципиентнинг мавзуга муносабати, матн туза олиш кўникмаси ва реципиентнинг эмоционаллиги сабабли ҳосил бўлган.

(а) ҳолат матнни яхши тушунган реципиентларнинг баёнларида кузатилди. Реципиентдаги ахборотнинг муносабат шаклида юзага чиқиши баёнларда кириш сўзларнинг, сифатловчиларнинг қўлланишида акс этади. Баёнларда «хақиқатан ҳам», «балки», «менимча», «албатта» каби кириш сўзлар, «бевосита», «чин маънодаги», «жуда моҳирона» каби сифатловчилар қўлланган. Шунингдек, феъл шаклларининг танланиши ва эргашган қўшма гап шакллари ҳам реципиентнинг муносабатини ифодалаган. Масалан, «Биз бу фильмни кўришдан ҳеч қачон чарчамаймиз» (III-A5)¹⁴, «Фильм ўзбек тилига маромига етказиб таржима қилинган (айниқса, Санжар Саъдуллаев)» (III-A2), «Актриса ўз қахрамони кечинмаларини шу даражада моҳирона ифодалаб бера олдики, ҳар бир томошабин кўнглидан жой олишга муяссар бўлди» (III-A5), «У неча марта эфирга узатилган бўлса, томошабинлар шунча марта такрор кўришмоқда» (III-A4).

Матннинг яхши тушунилганлиги баён матнида стимул матн блокларининг тўлиқ ифодаланганлиги, баён матнининг когерентлиги билан белгиланади. Инсон гапни яхши тушунганда, бошқа сўзлар ёрдамида гапни қайта тузиши мумкин. Бунда сўзларнинг маънолари ва грамматик алоқалари муҳим бўлгани каби, матнни тушунишда матн блокларининг мазмуни ва боғланиши муҳим омил ҳисобланади. Матнни яхши тушунган ва фильмни томоша қилган реципиентлар ўз баёнларининг шаклини қуришда стимул матнга асосланганлар. Бунда баённинг бошланиши, яқунланиши асл матнни деярли такрорлайди. Масалан, III-A1 баёни «Муҳаббатнинг илоҳийлигини унга мубтало бўлган инсонларгина ҳис қила олади» гапи билан, III-A2 баёни «Дарҳақиқат, муҳаббат-илоҳий туйғу. Унинг илоҳийлигини унга мубтало бўлган инсонларгина ҳис қила олади» гапи билан, III-A6 баёни эса «Муҳаббат-илоҳий туйғу, унга эришганлар, севган ва севилганлар ўзларини ниҳоятда бахтиёр ҳис этганлар» гапи билан бошланган.

Шунингдек, баённинг мазмуний блокларини бир-бири билан боғлашда ҳам шу вазифада қўлланган гапдан фойдаланганлар. Масалан, III-A6 реципиенти 3 ва 4-блокни боғлашда асл матндаги

¹⁴ Тажриба иштирокчиларининг рўйхати 149-150-бетларда келтирилган.

гапдан фойдаланади. Қиёс осон бўлиши учун мазкур гап боғлаган блокларни тўлиқ келтирамиз (матн блокларини боғлаш функциясини бажарган гап ажратиб, тагига чизилган ҳолда кўрсатилган):

«Фильмда Жун Санг образи томошабинлар учун фильмнинг охирига қадар сирли шахс сифатида намоён бўлади. У ўз севгисига содиқ, шу билан бирга мағрур ва кибор йигит. Мактаб даврида бошланган пок, самимий туйғу орадан ўн йил ўтгандан сўнг ҳам қайтадан синовдан ўтади.

Южин образи учун бирор фикр билдиришнинг ўзи қийин. Южин қиёфасида томошабин замонавий, шижоаткор, ташаббускор корейс қизини кўради»

Мазкур мисолда ажратилган қисм асл матндаги гапга жуда яқин. Асл матнда «у ҳақида фикр билдириш кишига осон эмас» дейилади. Худди шу каби III-A4 баёнида 3-блок «Южин - у тимсолида севгининг муқаддаслиги, инсонларга илиқ муносабатни, ҳар қандай нарсани меҳр билан енга олиш кераклигига ўз-ўзингизни ишонтирасиз» шаклида; III-A3 баёнининг 4-блоки «Фильм қахрамони Южин гўзаллик фариштасидир» шаклида; III-A5 баёнининг 7-блоки «Фильмдаги муҳаббат маликаси Южинни ҳамма бирдай севиб томоша қилди» шаклида бошланади. Бу гапларнинг барчаси аввалги блок билан боғланиш учун қўлланган. Ҳар бир реципиент учун бу шаклларни (яъни асл матндаги гапни айрим трансформациялар билан) қўллаш сўз юритмоқчи бўлган қахрамони ҳақида гапни бошлаб олиш учун зарур бўлган. Бу уларнинг мазкур қахрамон ҳақидаги мустақил фикр ва муносабатларининг баёнда ифодаланишида акс этади.

С гуруҳидаги баёнларда эса мазкур ҳолатнинг аксини кўришимиз мумкин. Яъни юқоридаги мисолларда реципиент ўзидаги маълумотни ифодалаш учун стимул матннинг шаклий элементларидан фойдаланган. С гуруҳидаги баёнлар стимул матннинг мазмунини акс эттиради. Бироқ мазмуний блокларни ўзаро боғлаш учун хизмат қилган гаплар реципиентларга тегишлидир. Масалан, «... том маънодаги гўзаллик ташқи гўзаллик билан ички дунё гўзаллиги уйғунлашгандагина улкан қудрат касб этади.

Севги доимо ўз ортидан изтиробларни эргаштириб юради, дейишади. Изтироблар эса баъзан кишини хатолар сари етаклаши

мумкин. Шу жиҳатдан олиб қараганда, Жун Сангнинг онаси икки бор хатоликка йўл қўйди» (III-C5). Реципиент асл матннинг 4- ва 5- блокларига тегишли мазмунни ифодалар экан, уларни ўзаро боғлаш учун матнда бўлмаган «Севги доимо ўз ортидан изтиробларни эргаштириб юради, дейишади. Изтироблар эса баъзан кишини хатолар сари етаклаши мумкин» гапни қўллади.

III-C9 реципиенти ҳам стимул матннинг 4-,5-блокларининг мазмунини баёнида ифодалар экан, уларни асл матнда мавжуд бўлмаган «Жавобсиз муҳаббат изтироблари ҳам фильмда ёритиб берилган. Жавобсиз муҳаббат кишини озгина бўлса-да худбин, бошқаларни кўролмас қилиб қўяр экан» гапи ёрдамида боғлайди:

«Бу фильм «дунёда муҳаббат йўқ, севги шунчаки бир ўткинчи хис-туйғу», деб ўйлайдиган инсонларга муҳаббатнинг улуглигини, унинг нақадар инсон ҳаёти учун муҳим аҳамият касб этишини кўрсатиб берди.

Жавобсиз муҳаббат изтироблари ҳам фильмда ёритиб берилган. Жавобсиз муҳаббат кишини озгина бўлса-да худбин, бошқаларни кўролмас қилиб қўяр экан. Биз буни Жун Сангнинг онаси тимсолида кўришимиз мумкин» (III-C9)

Реципиентда тингланаётган матн мавзуси борасида ахборот старли бўлса, у матнни тўлиқ қабул қилади ва унинг информатив жиҳатдан бўш ўринларини ўзи тўлдиради. Бизнинг тажрибамизда бу асл матнда сўз юритилмаган фильм қаҳрамонлари (Сан Хюк, Черин), фильм сюжетидаги айрим деталлар (фильм мусикасининг сюжетга мослиги, табиат кўринишларининг чиройли тасвирга олингани, киш манзараларининг тасвири кабилар) ҳақидаги реципиентнинг тафсилотларида кўринади. Стимул матн проекциясига реципиент тафсилотларининг киритилиши қабул қилинган матн реципиентнинг билимлар тизимига қўшилганлигидан далолат беради.

(б) ҳолат матнни ўртача тушунган реципиентларнинг баёнларида кузатилди. Бу баёнларда стимул матн блокларининг ҳаммаси ўз аксини топмаган. Стимул матн тўлиқ қабул қилинмаганлиги учун баён ёзишда реципиентлар ахборот етишмовчилигини ҳис қилганлар. Шу сабаб ўзларидаги ахборотни матнга

қўшишга ҳаракат қилганлар. Стимул матн тўлиқ қабул қилинмаганлиги унинг структураси ҳам реципиент томонидан яхши англамаганлигини билдиради. Шундай экан, реципиент ўзидаги информацияни стимул матн билан яхши боғлай олмайди. Масалан, III- B4 баёнида 5-6-7 блоклар:

5-блок: «Фильмда ўзбек ва корейс урф-одатлари уйғунлиги, ҳақиқат ҳар доим тантана қилиши тасвирланган. Олижаноблик, ҳимматлилиқ, ота-онага бўлган ҳурмат ва ишонч тарбиявий аҳамиятга эга.

6-блок: Фильм охирида Жун Сангнинг автоҳалокатда олган жароҳати, унинг асорати натижасида унинг кўзи кўр бўлиб қолади ва Америкага учиб кетади. У кетиши сабаби фильм охирида Жун Санг ўзини Южинга лойиқ топмайди, яъни кўзи ожизлиги сабаб қилиб кўрсатилади.

7-блок: Муҳаббатни қанчалик мадҳ этсак, қалбдаги кечинмалар, ширин туйғулар инсонни юксакларга кўтаради ва барибир бу бизга оздай кўринади».

Бу мисолда 6-блокдаги информация реципиентга тегишли, стимул матнда бу ҳақида гап йўқ. Унда гарчи фильм қаҳрамони ҳақида сўз юритилса-да, бу блок ўзидан олдинги блокни мазмунан давом эттирмайди, худди шундай, ўзидан кейинги блокка ҳам боғлиқ эмас.

(в) ҳолатда стимул матннинг шакли сақланмаслигига сабаб, реципиентнинг эмоционаллигидир. Реципиент қабул қилиш қобилиятининг яхшилигини у тузган баённинг когерентлигида кўришимиз мумкин. Баёнларда реципиентларнинг фильмдан олган тассуротлари ўз ифодасини топган. Фильмда айниқса ёққан ўринлар баёнларнинг асосий мазмунини ташкил этган.

Масалан, III-Д8 баёнида йигит ҳақида сўз юритилади: «*Жун Санг - йигит бўлсанг шундай бўл, бўлмаса... Бу қаҳрамонни таърифлашга тил ожизлик қилади. Бу қаҳрамонимиз ёқимтойлиги, хушфёъллиги, ўта меҳрибонлиги билан ўзбек йигитларидан буткул фарқ қилади. Йигитлар Жун Сангдан ибрат олсалар, қизларимиз Южиндан ўрнак олсалар арзийди*».

III-Д6 баёнида: «*Фильмдаги Жун Санг образи ақллилиги, тарбиялилиги, ҳусни билан одамни ўзига раб этса, Южин эса*

шарқона кийинчи, ўзини тута олиши ва муҳаббатига содиқлиги билан инсонни ўзига ром этади».

Мазкур баёнларда фильм сюжети билан боғлиқ ҳолда кўпроқ муҳаббат ҳақида фикр билдирилган. Улар стимул матндаги каби бошланган ва реципиентларнинг муҳаббат ҳақидаги фикрлари билан яқунланган.

Реципиентларнинг фильмнинг айрим қаҳрамонларига бўлган эмоционал муносабати стимул матнни тўлиқ қабул қилишга халал берган. Биз буни таассуб сифатида баҳолашимиз мумкин. Бу ҳақида кейинги параграфда сўз юритамиз.

Матн мавзусидан етарлича хабардор бўлмаган, яъни фильмни кўрмаган реципиентларда матннинг маълум ўринларини нотўғри тушуниш, матндаги фикрга ишончсизликни кузатдик.

Улар ўз баёнларида асл матндаги блокларни умумлаштириб ифодалайдилар. Масалан, асл матндаги «Фильмда нафрат ва ҳасад пасткаш одамларнинг тифсиз қуролига айланади. Бу қуролни маккорлик билан ишлатишга ҳар қанча уринмасин, ҳақиқат муҳаббатга кўмаклашаверади. Сирли воқеалар очилиш жараёнида севишган қалблар руҳан бир-биридан узоқлашмайди, аксинча, бир-бирига яқинлашади. Муҳаббат фақат ҳақиқатга суянадиган тўғри йўл саодати эканлигини томошабин чуқур ҳис этади» блоки фильмни кўрмаган реципиентларнинг баёнларида қуйидагича берилади: «Сериал қаҳрамони муҳаббатга эришиши учун бошидан ҳар хил мусибатларни кечирди, лекин охирида севгисига эришди. Шунинг учун бу сериал кўнгина инсонларнинг кўнглидан жой олган деб ўйлайман» (III-E3) ёки «Фильм давомида нафрат ва ҳасрат мавзулари очиб ташланади. Қанчалик қаршиликлар бўлмасин, ҳақиқат ҳақиқатга муҳаббатга кўмаклашади» (III-E1).

Асл матндаги «Воқеа жараёнида бу аёлдан нафратлана бошлаймиз. Томошабин назарига енгилтакрок бўлиб кўрилади. Бироқ аёлнинг ички кечинмалари, жавобсиз муҳаббатига куйинишлари, чуқур қалб изтироблари унга нисбатан кишида ҳамдардлик уйғотади» гапи III-E3 баёнида: «Лекин бу аёлни, балки, тушуниши мумкиндир. Унинг ҳам ўзига яраша сабаблари бордир» тарзида ифодаланади.

Улар фильмни янги информация сифатида қабул қилганлар ва бунда ўзларида мавжуд бўлган бошқа информацияларга таянганлар. Масалан, ЕЗ баёнида *«Бу фильмнинг ўзбек тилига маҳорат билан таржима қилиб, унинг халқимизга тақдим этилгани, менимча, яшидир. Чунки кўпгина Корея сериалларидаги муҳаббат мотиви шарқона урф-одатларимизга тўғри келади. Бундай сериалларнинг бош мавзуси севги бўлса ҳам ҳеч қандай бачканалик акс этмаган»* блоки билан яқунланган. Реципиент айнан шу сериални кўрмагани, лекин бошқа корейс сериалларини кўрганини айтган.

Шунингдек, асл матндаги **«Шу жиҳатдан қараганда Жун Сангнинг онаси икки бор хатоликка йўл кўяди»** гапи фильмни кўрмаган III- E1 баёнида *«Фильм бош қаҳрамони Жун Санг икки катта хатога йўл кўяди»* тарзида ифодаланadi.

Матн мавзусидан хабардорлик матндаги мураккаб конструкцияларни тўғри ечишда ёрдам беради. Бунда реципиент сўз юритилаётган тушунчаларнинг ўзаро алоқаси ҳақида олдиндан маълумотга эга бўлганлиги сабабдир.

Хулоса қилиб айтиш мумкинки, матннинг перцепциясида реципиентга стимул матн берилганда унинг онгида стимул матн проекцияси билан бирга шу матн мавзусига алоқадор информация фаоллашади ва қайси бири реципиент онгида доминант бўлса, шу информация баён мазмунини, доминант бўлмагани баённинг шаклий жиҳатларини таъминлайди. Бошқача айтганда, стимул матн асосида реципиентнинг эмоциялари ҳам фаоллашади. Агар реципиент ўз эмоцияларини назорат қила олса, бу ҳолат матнни тушунишда халал бермаслиги мумкин. Акс ҳолда эса стимул матндаги айрим сўз, сўз бирикмаси, гап ёхуд мазмуний блокнинг таъсирида фаоллашган билим тўлиқ доминантлик қилиб, матнни тўлиқ тушунишга халал беради.

3.3.2. Таассубнинг тушунишга таъсири

Таассуб реципиентнинг ижтимоий мансублиги ва ўзлаштирган билимлари асосида юзага келган, онг ҳаракатининг чекланиши билан боғлиқ бўлган, реципиент ўзи қатъий ишонган хулосалардир¹¹⁵.

¹¹⁵ Таассубнинг социопсихологик таҳлили ҳақида қаранг: Allport G.W. The

С. Плаус таассубни юзага келтирувчи омилларни қуйидагича ажратади: шахсий омиллар- авторитаризм ва ижтимоий устунликка интилиш; когнитив омиллар- инсонларнинг категориялар билан фикрлаш кўникмаси; мотивацион омиллар- ўз-ўзига хурмат эҳтиёжи; ижтимоий омиллар- инсоннинг ўзи мансуб бўлмаган гуруҳ вакиллари нотўғри баҳолаши¹¹⁶.

Таассуб кўп ҳолларда матнни тушунишга халал беради. Матннинг мазмуний перцепциясида таассубнинг мавжудлиги инсон онгининг ассоциацияланиш хусусияти билан белгиланади. Ассоциацияланиш жараёнида реципиентнинг билимлар тизимида муҳим ўрин тутган хулосаларнинг фаоллашиши таассубни келтириб чиқаради. Бундай таассуб реципиентнинг ижтимоий мансублиги, оммавий ахборот воситаларидан ўзлаштирган билими асосида пайдо бўлади. Таассубга асос бўлувчи хулоса стимул матн асосида ҳам чиқарилиши мумкин.

Тадқиқотимизнинг ушбу бобидаги тажрибалар таҳлилида таассубнинг матнни тушунишга бўлган таъсирини кузатдик. Шунинг учун бу мавзунинг ёритишда биз газета сарлавҳалари бўйича ва хабардорликнинг тушунишга таъсири бўйича ўтказган тажрибаларимизга асосланамиз.

Инсоннинг ижтимоий мансублиги ва ижтимоий ҳолати унинг «мен»ининг асосини ташкил этади. Атрофдаги воқеа-ҳодисаларга ва жамият аъзоларига муносабат шу асосда шаклланади. Юқорида айтиб ўтилган биринчи тажрибада «Хуқуқ амалдордами?» сарлавҳасига берилган ассоциациялар реципиентнинг оилавий шароити билан боғлиқ ҳолда юзага келган. Бу сарлавҳага фақат онаси билан яшовчи қиз (5-рақамли реципиент) «Амалдорларнинг ҳуқуқни бузаётганлиги ҳақида» (I-5) деган гапни ёзган. Отаси фирма директори бўлган қиз (59-рақамли реципиент) «Хуқуқ ва жамият ҳақида» (I-59), отаси коллеж директори бўл-

Nature of Prejudice. Addison-Wesely Publishing Company. -Massachusetts, 1979. Социоллингвистикада таассубнинг ўранилиши хусусида қаранг: Hudson R.A. Sociolinguistics. Second edition. Cambridge University press, 1996. -P. 216-220.

¹¹⁶ Plous S. The Psychology of Prejudice, Stereotyping, and Discrimination: An Overview // S. Plous (Ed.), Understanding Prejudice and Discrimination. New York: McGraw-Hill, 2003. P.3-48// <http://www.understandingprejudice.org/draft/pdf/OverviewEnglish.pdf>

ган киз (13-рақамли реципиент) «*Жамиятдаги қонунларнинг мансабдорлар орасидаги аҳамияти ҳақида*» (I-13) кабилидаги жавобларни ёзган. Асл матндаги «амалдор» сўзининг ўрнига мансабдор сўзининг ишлатилишига сабаб «амалдор» сўзи салбий бўёқдорликка эгалигидир. Бу сўз биринчи навбатда реципиентнинг отаси ҳақидаги ассоциацияларни юзага келтиргани учун у салбий бўёқдорликка эга сўзни қўллай олмаган.

Таассуб реципиент учун белгиланган коммуникатив вазифа-ни бажаришига халал бериши мумкин. Юқорида сўз юритилган 5-рақамли реципиентнинг бошқа бир сарлавҳага жавоби шунга мисол бўла олади. Тажриба шарти бўйича реципиентлар сарлавҳани эшитгач, шу сарлавҳага тегишли бўлган мақоланинг мазмуни ҳақида ҳосил килган тасаввурини ёзишлари керак эди. Мазкур реципиент эса «*Бу уйнинг чироғи ёниқ*» сарлавҳасига «*Уйда эркак киши бўлса, уйнинг чироғи ёниқ бўлади*», -деб ёзади.

Таассуб қабул қилинаётган матннинг айрим элементлари асосида юзага келиши мумкин. Бунда реципиент қабул қилинаётган матн мазмуни ҳақида шошилишч хулоса чиқаради. Масалан, «Абдулла - ғирт шоир» сарлавҳасига 18та реципиент «Абдулла», «шоир» сўзларига асосланиб, мақола Абдулла Орипов ҳақида деган жавобни берган.

Реципиентда таассубга асос бўлувчи билимнинг шаклланишида оммавий ахборот воситаларининг аҳамияти катта. Масалан, биринчи тажрибада қўлланган «Террор:Made in America» сарлавҳасига «Америка», «террор» сўзлари англаган тушунчалар сарлавҳада бир-биридан келиб чиқиш муносабатида боғланган бўлса-да, жавобларда қарама-қарши муносабат акс этган: «11сентябрь ёки Бағдоддаги воқеалар тўғрисида» (I-6), «11 сентябрда Америкада содир бўлган террор» (I-10), «Америка элчихоналарининг бошқа давлатларда ўққа тутилиши ва портлатилиши» (I-20), «Америкадаги 11 сентябрда террорчилик оқибатлари политика ва цивилизацияга салбий таъсир этди»(I-21), «Америка террорчиларга қарши қаттиқ курашга киришди»(I-47), «Ҳозирги кунда Америка террорчиликка қаттиқ кураш олиб бормоқда» (I-71).

Мазкур жавобларда оммавий ахборот воситалари таъсирида шаклланган таассуб гапнинг асл мазмуни тушунишга халал берган.

Шунингдек, «Бу уйнинг чироғи ҳамиша ёниқ» сарлавҳасига берилган ассоциацияларда солиқ кўмитасининг телевиденида намойиш этилган рекламаси асосида шаклланган таассубни кўришимиз мумкин. Рекламада солиқ қарз сифатида талқин этилади. Қарзи бўлмаган оилада файз-барака бўлиши ҳақидаги ўзбекона қараш эслатилади. Шунга асосан, реципиентлар «Солиқларни ўз вақтида тўлаган шахслар ҳақида» (I-26), «Солиқларни вақтида тўлаган, уйи файз-баракали инсонлар ҳақида» (I-63), «Файз бор, солиқларни ўз вақтида тўлайдиган оила» (I-64), «Файз-баракали, тинч-тотув, бахт-содатли ва солиқлари, қарзлари тўланган оила» (I-65) каби ассоциацияларни қайд этганлар.

Таассубнинг хабардорликдан фарқи шундаки, у матнни тушунишга халал бериши мумкин, хабардорлик эса ёрдам беради. Бироқ хабардорлик таассубга асос бўлиши ҳам мумкин. Реципиент ўзидаги мавжуд ахборотга муносабати, шунингдек, ўз эмоцияларини назорат қила олиши билан таассубга берилмаслиги мумкин. Таассубга берилиш қабул қилинаётган матннинг чала қабул қилинишига олиб келиши мумкин. Натижада реципиент матннинг айрим блоklarини қабул қилади. Масалан, учинчи тажрибадаги Д гуруҳ баёнларда асл матннинг айрим блоklarигина ифодаланган бўлиб, реципиентлар асл матнда ифодаланган, ammo матннинг асосий мазмуни бўлмаган мавзуда баён ёзганлар. Бу баёнларнинг дискогерентлиги ҳам реципиентнинг эмоцияга берилганлигидан далolat беради. Масалан, III-D7 баёнида фильмнинг бош қаҳрамони бўлган қиз – Южин ҳақида кўпроқ фикр юритилган. Баённинг 3 та блоки (3, 5, 7-блоклар) шу қаҳрамон ҳақида. 3-блок: «Фильм қаҳрамони Южин севги дардига мубтало бўлади», 5-блок: «Южиннинг севгиси синовдан ўтказилади», 7- блок: «Южин- ажойиб қиз». Бу ҳолат реципиентнинг ўзида мавжуд ахборотга муносабатида ижобий ё салбий эмоциялари кучли бўлганда рўй беради. Бироқ реципиент ўз эмоцияларини бошқара олган ҳолатда ўзидаги мавжуд ахборот, яъни унинг матн мавзусидан хабардорлиги матнни тушунишда унга ёрдам беради.

Учинчи боб юзасидан қисқа хулосалар

1. Матнни тушуниш умумий ҳолатда учта даражадан иборат бўлади. Тушунишнинг бошланғич даражасида матннинг умумий мазмуни перцепциянинг предмети сифатида юзага чиқади. Бу даражада матн ўз формал-семантик яхлитлигини сақлаб қолмайди. Матндаги айрим лексемалар яхши тушунилиб ёдда қолади. Бироқ бунда лексемаларнинг синтактик боғланиши айнан сақланмаслиги мумкин. Ўрта даражадаги тушунишда матн блокларга бўлинган ҳолда қабул қилинади. Бунда матн блоклари ичидаги айрим гаплар тушиб қолиши ёки дискогерентликни юзага келтириши мумкин. Матндаги сўзларнинг айримлари айнан эслаб қолинмаслиги, уларнинг ўрнига синонимлари ишлатилиши мумкин. Гапнинг синтактик структураси деярли айнан эслаб қолинади. Тушунишнинг юқори даражасида матнга тегишли ҳар бир сўз алоҳида ҳолдаги ва контекстуал маънолари билан тушунилади. Бунда матннинг мазмуни тушунишнинг натижаси сифатида сақланади. Матнга хос айрим элементлар (масалан, матн блокларини боғлаш учун хизмат қилган сўзлар) ҳам эслаб қолиниши мумкин.

2. Газета сарлавҳалари перцепцияда ўз формал-семантик хусусиятларидан келиб чиқиб яхлит бирлик бўла олади. Сарлавҳалар перцепциясининг самарадорлиги уларнинг семантик-синтактик тузилишига, шунингдек, реципиентнинг билим ва матний тажрибасига боғлиқ. Реципиентнинг оммавий ахборот жараёнлариға қай даражада киришганлиги (бошқача айтганда, маданий саводхонлиги) газета матнини тушунишда муҳим аҳамият касб этади.

3. Реципиентнинг матн мавзусидан хабардорлиги тушуниш самарадорлигини таъминловчи асосий омиллардан биридир. Газета матни қабул қилинар экан, биринчи навбатда, бошқа оммавий ахборот воситаларидан олинган билимларни фаоллаштиради. Фаоллашган билимни саралай олиш қобилияти ҳам матнни тўғри ва юқори даражада тушунишда муҳим аҳамият касб этади. Бундай қобилиятнинг етарли даражада эмаслиги таассубнинг шаклланишиға сабаб бўлиши мумкин.

4. Таассуб реципиентнинг ижтимоий мансублиги асосида, оммавий ахборот воситалари ва бадиий адабиётдан олган ахбороти асосида ёки қабул қилинаётган матннинг айрим элементлари (масалан, матннинг умумий мазмуни, алоҳида сўз ёки гап) асосида юзага келиши мумкин.

5. Газета матнига янги сўзларни, ибораларни, турли терминларни қўллаш хос бўлиб, улар маттни тушуниш даражасини пасайтиради. Реципиентга нотаниш бўлган лисоний воситаларни қўллаш эътибор тортиш учун хизмат қилади. Бу каби матнларнинг тушуниш самарадорлигини ошириш учун аудиторияга нотаниш бўлган сўзларни ўзбек тили учун одатий бўлган ва жуда кенг қўлланадиган синтактик структуралар таркибида келтириш лозим.

УМУМИЙ ХУЛОСАЛАР

1. Ўзбек тилшунослигида газета матнлари кўпроқ адабий тилга хос қонуниятларни текшириш мақсадида тадқиқотга тортилган. Бу ҳолат газеталарнинг ўзбек жамиятига кириб келишидаги тарихий шароит билан ҳам боғлиқдир. Ўзбек тилшунослари рус тилшунослари таъсирида газетани адабий тил ташувчиси сифатида баҳолайдилар.

Газета тили бўйича амалга оширилган тадқиқотларда ўзбек адабий тилининг шаклланиши, унинг XX аср давомида ривожланиши (ўзгариб боришини), шаклланиб бўлган адабий тил ҳодисаларининг газета тилида акс этиши каби масалалар текширилган.

2. Газета матнларининг экстралингвистикаси унинг бошқа матнлардан фарқини белгилаб беради. Газета матнлари маълум аудиторияга мўлжалланиб, маълум муаллифлар гуруҳи томонидан яратилади. Бунда муаллифлар матннинг имкони бори-ча самарали қабул қилиниши учун ҳаракат қиладилар. Газета матнлари адабий тилнинг бир кўриниши бўлиши билан бирга, ўзининг бир қатор хусусиятлари (масалан, айрим ҳолларда янги сўзларнинг адабий тилга мос тушмайдиган қоидалар асосида ясалиши, адабий меъёр ҳисобланмаган оғзаки нутқ элементларининг қўлланиши) билан адабий тил қоидаларини чеклаб ўтади. Газета матнларида таъсир самарадорлигини ошириш талаби билан уларда экспрессив воситалар кўпроқ қўлланади. Бу матнлар ўзига хос структурага эга. Матннинг шаклий элементлари, яъни матн ҳажми, унинг газетада жойлашган ўрни, унда тасвирдан фойдаланиш имконияти, кириш гап ва постскриптум қўлланиши кабилар уларни бошқа матнлардан ажратиб туради.

3. Ўзбек тилидаги газета матнлари бўйича амалга оширилган тадқиқотлар бу борада ўзбек тилшунослиги ғарб тилшунослигидан анча орқада эканлигидан гувоҳлик беради. Ўзбек тилшунослигидаги шу пайтгача мавжуд тажрибага асосланиб ўзбек тилидаги газеталарни психоллингвистик таҳлил қилиш усуллари ишлаб чиқиш керак.

Газета матнларини психоллингвистик ўрганишда қуйидагиларни амалга ошириш зарурияти бор:

а) матн бирликларини ажратиш (масалан, сарлавҳа, кириш, матннинг мазмуний блоклари);

б) матн қабул қилинишидаги бирликларни, яъни перцептив бирликларни ажратиш;

в) реципиентларнинг психологик жиҳатларини ўрганиб чиқиш;

г) психоллингвистикадаги мавжуд тажриба методлари асосида ўзбек тилидаги газета матнларини психоллингвистик таҳлил қилиш учун тажриба методларини ишлаб чиқиш лозим.

4. Газета матнларининг перцепциясини тадқиқ этиш газета матнларининг самарадорлигини белгиловчи лисоний воситаларни аниқлаш, тилнинг перцептив бирликларини ажратиш, перцепция жараёнида матн ва реципиент руҳиятининг ўзаро қандай таъсирланишини ойдинлаштиришга, перцепция жараёнининг даражаларини ажратишга ёрдам беради.

5. Ўзбек тилидаги газета матнлари мазмуний перцепциясини тадқиқ этишда биз психоллингвистик тажриба усулларидадан фойдаландик. Перцепция жараёнининг қайси жиҳати тадқиқ этилишига қараб, газета матнлари танланди ва тажрибаларнинг характери белгиланди. Ўзбек тилидаги газета матнлари мазмуний перцепцияси жараёнининг даражалари ва бирликларини таҳлил қилиш учун хабар мазмунидаги мақола тажрибалар иштирокчиларига ўқиш учун берилди ҳамда бир неча марта ўқиб эшиттирилди. Реципиентларнинг матн ичидан эслаб қолган лисоний воситалари ва матн асосида ёзган баёнлари таҳлил қилинди. Шу асосда, перцепциянинг куйидаги даражаларини белгиладик:

а) **ассоциатив даража** - стимул матннинг услуги, унда қўлланган сўзларнинг маъноси, айрим ҳолларда сўзлардаги товуш ёки қўшимчалар таъсирида ассоциацияларнинг юзага келиши. Бунда стимул матн услуги асосида шу услубдаги бошқа матнларда кенг қўлланган, бироқ стимул матнда қўлланмаган сўзлар, стимул матнда қўлланган сўзларнинг синонимлари ҳамда стимул матндаги сўзга фонетик-морфемик тузилиши жиҳатидан яқин сўзлар фаоллашиши мумкин;

б) **лексик-морфологик даража**да ассоциациялар матнга хос сўзлар билан алмашади. Бу даража перцепциянинг бошланғич даражаси сифатида юзага чиқса, матндаги сўзлар айнан эслаб қилиниши мумкин. Бу реципиентнинг перцептив қобилиятига боғлиқ;

в) **контекстуал даража** - эслаб колинган сўзларнинг контекстуал маънолари конкретлашади. Сўзлар ўзи мансуб бўлган бирикма даражасига кўтарилади, бирикмалар эса синтагмалар даражасига чиқади;

г) **структурал даража** - стимул матндаги мазмуний блокларнинг кетма-кетлиги, уларнинг ўзаро алоқаси, матннинг яхлит мазмунида блокларнинг хиссаси аниқланади.

д) **матн даражаси** - яхлит матн проекциясининг ҳосил бўлиши. Матний перцепцияни яқунловчи даража бўлиб, бунда стимул матнга хос мазмун ва шакл реципиент томонидан тўлдирилган ҳолда матн проекцияси яратилади. Реципиент томонидан тўлдиришнинг мавжудлиги берилган матн реципиент билимлари базасига таркибий қисм сифатида қўшилганлигини англатади.

Мазкур даражаларда лисоний сигналнинг декодланиши бўйича бажариладиган амалларга қатъий чегара қўйиб бўлмайди. Матн стимул сифатида таъсир этиши билан фонеманинг декодланиши, сўз маъноси, унинг синтактик вазифаси ҳақида, матннинг услуби ҳақида дастлабки хулосалар қилина бошлайди. 6. Ўзбек тилидаги матний перцепцияда қуйидаги бирликлар мавжуд: **лексемалар, сўз шакли, сўз бирикмалари, синтагмалар**. Сўзлар яхлит ҳолда бирлик бўла олади. Синтагмаларнинг перцептив бирлик сифатида ажратилиши инсоннинг бошқа жараёнларни қабул қилиши сингари матнни ҳам занжирли тузилишдаги фрагментларга ажратиб қабул қилиши ва синтагмаларнинг ритмик-мелодик тузилиши билан боғлиқ.

7. Газета матнини тушуниш бир қатор лингвистик ва экстралингвистик омиллар билан белгиланади. Лингвистик омилларга матнда қўлланаётган воситаларнинг луғатнинг фаол ёки нофаол қатламидан эканлиги, структурасининг содда ё мураккаблиги киради. Экстралингвистик омилларга реципиентнинг билим даражаси, матний тажрибаси, оммавий ахборот жараёнларига қай даражада киришганлиги, лисоний вазият, матнда сўз юритилаётган мавзуга муносабат кабилар киради.

8. Ўзбек газеталаридаги хабар матнларида ахборотни сиқик тарзда беришга интилиш (яъни бир неча маълумотни бир гапда бериш) гапларнинг узун бўлиши ва уларда мураккаб бирик-

маларнинг кенг қўлланишига олиб келган. Бундай маттни тушуниш учун реципиент бир вақтнинг ўзида ҳам узун ифодани хотирада сақлаб туриши, ҳам мураккаб конструкцияни ҳал қилиши лозим. Мазкур ҳолат перцепция жараёнини секинлаштиради. Натижада матн самарадорлиги пасаяди.

9. Газета сарлавҳаларининг прецептив хусусиятларини таҳлил қилиш мақсадида ассоциатив тажриба ўтказилди. Тажриба натижаларини ўрганиб чиқишда сарлавҳаларнинг тушунилишига ва шу асосда матн мазмуни ҳақида реципиент ҳосил қилган тасаввурга эътибор қаратдик. Уларнинг перцептив хусусиятларидан келиб чиқиб биз газета сарлавҳаларининг қуйидаги таснифини таклиф этамиз:

а) дарак гап шаклидаги, фаол луғатга тегишли сўзлардан тузилган сарлавҳалар. Бундай сарлавҳалар реципиентда мақола мазмуни ҳақида тўғри тасаввурни шакллантиради;

б) сўроқ гап шаклидаги фаол луғатдаги сўзлардан тузилган сарлавҳалар. Бундай сарлавҳалар саволга жавоб шаклидаги ассоциацияларни юзага келтиради. Мақола мазмуни ҳақидаги тасаввур иккинчи планга тушиб қолади;

в) матннинг мазмунини мавхумлаштириб ифодаловчи, сўз ёки сўз бирикмаси шаклидаги сарлавҳалар. Реципиентда мавхум ассоциацияларни юзага келтиради. Мавхумлик ҳисобига реципиентдаги тасаввур тасодифан мақола мазмунига мос келиб қолиши мумкин;

г) нофаол луғатдаги сўзлар қатнашган сарлавҳалар. Реципиентнинг билим ва тажрибаси юқори бўлган ҳолатда у бу сарлавҳаларни яхлит қабул қилиб мазмунини тушуна олади, аксинча ҳолатда эса бундай сарлавҳаларда диққат тушунилмаган сўзда ушланиб қолади ва сарлавҳанинг формал-семантик яхлитлиги сақланмайди.

10. Хабардорликнинг маттни тушунишдаги аҳамиятини текшириш учун реципиентларнинг қўпчилигига таниш бўлган мавзуда, яъни улар томоша қилган фильм ҳақидаги мақола асосида баён олинди. Баёнларнинг таҳлили давомида матн мавзуси юзасидан мавжуд бўлган билим матн перцепцияси давомида фаоллашиб, унинг тушунилишини осонлаштиришини кузатдик.

Бунда реципиентдаги билим билан матндаги информация ўзаро бир-бирини тўлдиради. Агар реципиентдаги маълумот матндаги маълумотдан кучлироқ бўлса, матн мазмунининг асоси сифатида реципиентнинг билими юзага чиқади. Унинг матн сифатидаги формал жиҳатларини стимул матн белгилаб беради. Аксинча бўлган ҳолатда стимул матннинг асосий мазмуни сақланади. Матннинг мазмуний блокларини бир-бирига боғлашда реципиентдаги билим хизмат қилади. Реципиентдаги билимнинг матн проекциясига қўшилиши унинг (матннинг) реципиент билимлари тизимига қўшилганлигини кўрсатади.

Матн проекцияси ва реципиентдаги информация тенг бўлган ҳолатда реципиентда мавжуд ахборот гап шаклида стимул матн блокларининг ичига киритилиши, бирикмалар шаклида стимул матндаги мавжуд ҳукмнинг (гап айнан шаклини сақламаслиги мумкин) ичига киритилиши, муносабат, баҳо сифатида асл матнда қўлланмаган кириш сўзлар, сифатловчилар билан ифодаланиши кузатилади.

Матнни тушунишда мавзуга муносабат, ўзидаги мавжуд билимни матн шаклида структуралаштира олиш кўникмаси муҳим аҳамият касб этади. Матн мавзусига алоқадор билимлар фаоллашганда уларни танлай олмаслик баён матнида дискогерентликни юзага келтиради. Бу умумий тушуниш ҳолатида матнни тушунишга ҳалал беради. Бу ҳолат реципиент стимул матн таъсиридан чиқиб, ассоциация сифатида юзага келган ўз информациясининг таъсирига тушганда рўй беради.

11. Сўзнинг алоҳида ҳолдаги маъносини тушуниш матнни тушунишда асос вазифасини ўтайди. Бу масалани текшириш учун хабар мазмунидаги матн асосида тажриба ўтказилди. Тажриба иштирокчиларига матн ичида қўлланган сўзларга таъриф бериш сўралди. Сўнг бу сўзларнинг алоҳида ҳолда реципиент томонидан тушунилиши матн умумий мазмунининг тушунилишига қандай таъсир этиши таҳлил қилинди.

Матн таркибидаги айрим сўзларнинг алоҳида ҳолдаги маъноси реципиентга маълум бўлмаса, контекст бу камчиликни тўлдириши мумкин. Бироқ матн таркибидаги қанча сўзнинг алоҳида маъноси реципиентга тушунарсиз бўлса, матн ҳам шунчалик

тушунарсиз бўлади. Нотаниш сўз тушунилмаса, унинг ўрнини контекстга асосланган ассоциация эгаллайди. Ассоциатив сўз контекстга тушмаганлиги сабабли нотаниш сўз қатнашган гап реципиент учун тушунарли бўлмайди. Шунингдек, бу ассоциатив сўз стимул бўлиб, бошқа ассоциацияларни ҳам юзага келтириб, матнни тушунишни янада қийинлаштириши мумкин. Реципиент учун нотаниш сўзнинг маъносини аниқлашда маълум тилга хос бўлган стандарт конструкцияларнинг аҳамияти катта. Сўзларнинг алоҳида ҳолдаги маънолари реципиент учун тушунарли бўлганда, реципиент матндаги сўзларни айнан эслаб қолмаслиги, бу сўзларнинг синонимларини ишлатиши ёки бу сўз-ни ҳам, унинг маъносини ҳам ишлатмасдан туриб у қатнашган гапнинг мазмунини бутунлай бошқа шаклда бериши мумкин. Бу гап ёки матн блоки перцепцияда ўз мазмуний яхлитлигини сақлаб қолганлигидан далолат беради. Матний перцепцияда сўз эслаб қолиниб, у қатнашган гап эслаб қолинмаса, реципиент онгида шу сўз билан юзага келган синтагматик ассоциациялар унинг контексти вазифасини бажаради.

12. Ўзбекча газета матнлари мазмуний перцепциясини психоллингвистик ўрганиш моҳият эътибори билан субъектив ва объектив мазмуний перцепцияни ўрганишни талаб этди. Бунда газета матни декодланаётганда тушуниш қандай кечаяпти, унга нималар тўсқинлик қилмоқда каби саволларга жавоб изланди.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Китоб ва туркум нашрлари

- 1.1. Абдусаидов А. Газета жанрларининг тили ва услуби. -Самарқанд, 2001. -192 б.
- 1.2. Абдусаидов А. Журналистнинг тилдан фойдаланиш мащорати. -Самарқанд, 2004. -102 б.
- 1.3. Антонов А. В. Информация: восприятие и понимание. -Киев, 1988. -182с.
- 1.4. Аполлонская Т.А., Глейбман Е.В., Маноли И.З. Порождающие и распознающие механизмы функциональной грамматики. -Кишинёв, 1987. -172с.
- 1.5. Ахманова О.С. Словарь лингвистических терминов. М.,1966. 607с.
- 1.6. Белянин В.П. Психолингвистика. -М., 2001. -186 с.
- 1.7. Белянин В.П. Психолингвистические аспекты художественного текста. -М., 1988. -121 с.
- 1.8. Бобоева А. Газета тили ҳақида. -Тошкент, 1983. -56 б.
- 1.9. Боровков А. Узбекский литературный язык в период 1905-1917 годов. -Ташкент, 1940. -104 с.
- 1.10. Ван Дейк Т.А. Структура новостей в прессе// Язык. Познание. Коммуникация. -М., 1989а. -С.228-268
- 1.11. Ван Дейк Т.А. Анализ новостей как дискурса // Язык. Познание. Коммуникация. -М., 1989б. -С. 111-160
- 1.12. Ван Дейк Т.А. Язык. Познание. Коммуникация. -М., 1989. -312с.
- 1.13. Вейзе А. Чтение, реферирование и аннотирование иностранного текста. -М., 1985. -128с.
